

**ИЛҲОМ НАСРИЕВ**

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ  
ФАНЛАР БҮЙИЧА**

**ТЕСТЛАР**

**Тошкент – 2024**

УЎК347:8(093)  
КБК 67.400

Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши раиси<sup>Х.Б.</sup> ёдгоровнинг умумий таҳрири асосида чоп этилди.

**Муаллиф:**

*И.Насриев – Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ҳузуридаги Судъялар олий мактаби Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор*

**Нашрга тайёрловчилар:**

*Н.Абдусаматов – Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ҳузуридаги Судъялар олий мактаби Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси кабинет мудири*

*М.Комилжонов - Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ҳузуридаги Судъялар олий мактаби Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси кабинет мудири*

**Тақризчилар:**

*З.Эсанова – Тошкент давлат юридик унверситети Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори  
О.Шамсиодинова - Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ҳузуридаги Судъялар олий мактаби Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириши бўлими бои мутахассиси, ю.ф.ф.д*

Маълумки, фуқаролик ҳуқуки турмушдаги мулкий ва шахсий муносабатларни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Мазкур тўплам мутахассисларнинг бундай муносабатларнинг моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек унинг тамоилиларини накадар чукур мушоҳада қилишини синовдан ўтказиш, қолаверса ўз-ўзини тайёрлаш ва билимларини текшириш ва бу борадаги билимларни ўзлаштириш имконини берувчи бир восита вазифасини бажаради.

У судъялар, судъяликка номзодлар, талабалар, амалиётчилар ва бошқасоҳага қизиқувчилар учун маёқ бўйлиб хизмат қиласиди ва уларни фуқаролик ҳуқуқининг лабиринт йўлаклари бўйлаб маълум аниқликка олиб чиқади. Азиз ўкувчи, Сиз фуқаролик ҳуқуки соҳасига саёҳатни бошлайпизми ёки мавжуд билимларнинг мустаҳкамлашга интиляпизми, бундан қатъий назар ушбу тўплам сизни фуқаролик ҳуқуқий фанлар уммонига олиб киради, унда шартнома ҳуқуки институтидан тортиб то ворислик ҳуқуки институти масалаларини, оилавий ҳуқуқ билан бирга меҳнат ҳуқуқининг энг нозик жиҳатларини қамраб олган билимлар занжирини сизга тухфа қиласиди.

Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ҳузуридаги Судъялар олий мактаби Кенгашининг 2024 йил 10 июнданги 6-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган.

## **МУНДАРИЖА**

КИРИШ .....	4
1. ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	7
2. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСДАН ТЕСТСАВОЛЛАРИ ...	53
3. МЕҲНАТ КОДЕКСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	112
4. ОИЛА КОДЕКСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	173
5. УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	225

## **КИРИШ**

Маълумки, “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-январдаги Қарори суд-хукуқ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизимини тубдан ўзgartирди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши ва уни амалга жориш қилиниши судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек бу борадаги ишларни ташкил этишга доир ёндашувларда, шунингдек ўқув жараёнини хукуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқлигини лозим даражада таъминлаш ишига катта туртки берди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада та-комиллаштиришдек улуғ мақсад қўйилди.

Ўз навбатида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиб:

- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;
- судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси,

ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

– судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жихатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан илмий-тадқиқот фаолияти ва ўкув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

– иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўниммаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

– судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш кабилар белгиланди.

Мазкур қарор билан 2019 йил 10 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилдики, унга мавофиқ:

– судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақт-ни бошқариш кўниммаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

– касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўниммаларини эгаллашга, шунингдек иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;

– қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини етказишига, касбий, жумладан ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва

қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни тако-  
миллаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ҳафтадан кам  
бўлмаган, судъялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини  
ошириш Судъялар олий мактабининг фаолият йўналишлари  
сифатида белгилаб қўйилди.

Албатта, юқоридаги вазифаларни амалга ошириш ҳар бир  
хукуқ соҳаси бўйича тегишли тест саволларини яратиш ва  
ўқитиши методологиясини ривожалантира бориб, ўқитишнинг  
янги-янги усулларини қўллашни амалга тадбиқ этишдек маъ-  
сулиятли ишни амалга оширишни тақазо қилди.

Юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадида фуқаро-лик  
хукуқий фанлар ҳисобланадиган фуқаролик хукуки, оила  
хукуки, фуқаролик процесси, уй-жой хукуки ва меҳнат хукуки  
фанлари бўйича тестлар ишлаб чиқилди ва мазкур китобда  
жамланди.

Ўйлаймизки, ушбу тестлар тўплами ва уларнинг жавобла-  
ри жойлаштирилган мазкур жамланма Судъялар олий мактаби  
tinglovchilarini bилим ва kўnikmalariini янада юқори поға-  
нага олиб чиқиши ишига хизмат қиласди.

Ушбу тестлардан Судъялар олий мактаби ўқув жараёнла-  
рида фойдаланилиши билан бир қаторда, у фуқаролик хукуқий  
фанлар йўналишида ўз билим ва кўникмаларини ошириш ис-  
тагида бўлган барча қизикувчилар учун фойдали бўлиши мум-  
кин.

Муаллиф китоб мазмуни ва уни бошқа жиҳатларига оид  
ўқувчининг ҳар қандай таклиф ва мулоҳазаларини мамнуният  
билан қабул қиласди.

## **1. ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

### **2. Фуқаролик ҳуқук лаёқати қачон пайдо бўлади?**

- а) инсоннинг туғилиши билан пайдо бўлади;
- б) инсоннинг вояга етганидан бошлаб;
- с) фуқаро муомалавий лаёқатга киришганда;
- д) фуқаро 18 ёшга киргандан бошлаб.

### **3. Ҳуқук лаёқатининг бошланиши ва тамом бўлиши вакти?**

- а) туғилганидан 60 ёшга этгунча;
- б) туғилганидан то ўлимигача;
- с) 19 ёшга тўлиши билан;
- д) 7 ёшдан 70 ёшгача.

### **4. Қуидагилардан қайси бири тўғри?**

- а) барча фуқаролар муомала лаёқатига эга;
- б) фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларигаэга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати инсоннинг туғилиши билан пайдо бўлади;
- с) фуқаронинг фуқаролик ҳуқук ва бурчларига эга бўлиш лаёқа-ти муомала лаёқати хисобланади;
- д) фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларигаэга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати муомала лаёқати хисобланади.

### **5. Қуидагилардан қайси бири нотўғри?**

- а) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини;
- б) вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан қисман;
- с) никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади;

д) фуқаронинг муомала лаёқати у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

**6. Фуқаролар қачон тўла муомала лаёқатига эга бўлади?**

- а) 16 ёшга тўлиши билан;
- б) Туғилиши билан;
- с) 18 ёшга тўлиши билан;
- д) 7 ёшга тўлиши билан.

**7. Эмансипация неча ёшдан мумкин?**

- а) 16 ёшдан;
- б) 17 ёшдан;
- с) 15 ёшдан;
- д) 14 ёшдан.

**8. 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларининг розилигисиз қуидагиларнинг кай бирини мустақил равишда амалга оширишга ҳақли?**

- а) кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;
- б) текин манфаат қўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўtkазишни талаб қилмайдиган битим-лар;
- с) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;
- д) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи хукуқини амалга ошириш.

**9. Васийлик қайси ҳолларда қўлланилади?**

- а) руҳий касал, ақли заифлар, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёхвандликка мубтало бўлган шахслар устидан;
- б) 18 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар устидан ва муттасил ичкиликбозлик ёки гиёхвандликка мубтало бўлган шахслар устидан;

- c) 6 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар ва руҳий касал, ақли заифлар устидан;
- d) 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар устидан ва руҳий касал, ақли заифлар устидан.

**10. Ҳомийлик қайси холларда қўлланилади?**

- a) муомалага лаёқатсиз шахслар устидан;
- b) муомала лаёқати чекланган шахслар устидан;
- c) 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар устидан;
- d) 6 ёшга тўлмаган шахслар устидан.

**11. Фукаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асосни топинг?**

- a) спиртли ичимликларни ёки гиёхвандлик воситаларини суистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий ахволга солиб қўйиш;
- b) руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмаслик;
- c) суд томонидан фуқарога васий белгиланиши;
- d) никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинса.

**12. Бедарак йўқолганлик фактини белгилаш учун фуқаро ҳақида қанча муддат маълумот бўлмаса белгиланиши мумкин?**

- a) 1 йил;
- б) олти ой;
- c) 2 йил;
- d) 3 йил.

**13. Фуқарони вафот етган деб эълон қилиш муддатлари?**

- a) 3 йил, 2 йил ва олти ой;
- б) 1 йил, 3 йил, 2 йил ва олти ой;
- c) 1 йил;
- d) 3 йил.

**14. Юридик шахс белгилари тўлиқ тўғри кўрсатилган жавобни топинг?**

- а) ташкилий бирлик, капитал бирлашуви, мустақил мулкий жавобгарлик, капитал бошқаруви;
- б) ташкилий бирлик, мулкий жавобгарлик, фуқаролик муомаласида ўз номидан иштирок этиш;
- с) ташкилий бирлик, мулкий мустақиллик, мустақил мулкий жавобгарлик, фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш;
- д) ташкилий бирлик, мулкий мустақиллик, фуқаровий ҳуқуқ лаёқатига эгалик.

**15. Юридик шахснинг ўзига хос жиҳатини белгиланг?**

- а) фуқаролик ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни ҳамма юридик шахслар учун қонун билан тенг ҳажмда белгиланади;
- б) юридик шахсларнинг муомала лаёқатини чеклаш ва уни муомалага лаёқатсиз деб топиш мумкин;
- с) юридик шахснинг умумий ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади;
- д) юридик шахсларда муомала лаёқати ҳуқуқ лаёқати билан бир вақтда ташкил топади.

**16. Фуқаролар муомала лаёқатининг юридик шахслар муомала лаёқатидан фарқини кўрсатинг?**

- а) юридик шахсларнинг муомала лаёқатини чеклаш мумкинэмас;
- б) фуқароларда муомала лаёқати муайян ўшга етгач вужудга келса, юридик шахсларда муомала лаёқати ҳуқуқ лаёқати билан бир вақтда ташкил топади;
- с) юридик шахсларни муомалага лаёқациз деб топиш мумкин эмас;
- д) фарқи йўқ.

**17. Юридик шахсларнинг вужудга келиши усуllibарини кўрсатинг?**

- а) мурожаат қилиш усули;
- б) буйруқ, мурожаат, рұхсат олиш орқали;
- с) рұхсат олиш усули;
- д) хабардор қилиши.

**18. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларини кўрсатинг?**

- а) устав ва низом;
- б) таъсис этиш ҳарори, устав ёки низом, таъсис шартномаси;
- с) таъсис этиш қарори;
- д) ваколатли органнинг буйруқи.

**19. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати қачондан бошлаб вужудга келади?**

- а) ташкил бўлганидан, олти ой ўтганидан сўнг;
- б) ташкил бўлганидан, 20 кун ўтганидан сўнг;
- с) ташкил бўлиб, давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг;
- д) ташкил бўлиб, 1 йил ўтганидан сўнг.

**20. Юридик шахс қайси пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобла-  
нади?**

- а) юридик шахснинг тугатилиши хақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилганидан сўнг;
- б) барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб амалга оширилгандан сўнг;
- с) юридик шахсни тугатиш баланси тузилгандан сўнг;
- д) таъсисчилар томонидан юридик шахсни тугатиш тўғрисида-  
ги қарор қабул қилинганидан сўнг.

**21. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар  
сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган  
мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида кимга тегишли ҳисобла-  
нади?**

- а) хўжалик ширкати ёки жамиятига;
- б) муассислар(иштирокчилар)га тенг микдорда; с)
- муассислар(иштирокчилар)га биргаликда;

- д) хўжалик ширкати/жамияти ва муассислар(иштирокчилар)га биргалиқда.
- 22. Қуйидагилардан қайси бири тижоратчи ташкилот ҳисобланмайди?**
- а) акциядорлик жамияти;
  - б) фермер хўжалиги;
  - с) тадбиркорлар уюшмаси;
  - д) унитар корхона.
- 23. Иштирокчи(муассислар)нинг қайси бири юридик шахс нинг мажбуриятларига субсидиар жавобгарликни олади?**
- а) масъулияти чекланган жамият иштирокчилари;
  - б) коммандит ширкатдаги барча иштирокчилар;
  - с) коммандит ширкатдаги ҳисса қўшаётган шериклар;
  - д) коммандит ширкатда қатнашаётган тўлиқ шериклар.
- 24. Масъулияти чекланган жамият иштирокчилари жамият мажбуриятларига нисбатан жавобгар ҳисобланадими?**
- а) жавобгар бўлмайдилар ва ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгардирлар;
  - б) ха, солидар тартибда субсидиар жавобгардирлар;
  - с) ха, ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгардирлар;
  - д) ха, барча мол-мулки билан тўлиқ жавобгардирлар.
- 25. Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавобгарлиги қандай?**
- а) йўқ жавоб бермайди;
  - б) ха, жавобгар;
  - с) ха, агар асосий жамият банкрот бўлган тақдирда;
  - д) ха, агар жамият уставида кўрсатилган тақдирда.
- 26. Қуйидаги қайси юридик шахс тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади?**

- a) матлубот кооперативи;
  - б) ишлаб чиқариш кооперативи;
  - с) хусусий корхона;
  - д) оилавий корхона.
- 27. Куйидагилардан қайси бири нотижорат ташкилоти ҳисобланмайды?**
- a) матлубот кооперативи;
  - б) оилавий корхона;
  - с) хусусий корхона;
  - д) оилавий корхона.
- 28. Тижоратчи бўлмаган ташкилот тадбиркорлик фаолияти билан шуғалланиши мумкинми?**
- a) мумкин, агар ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда бўлса;
  - б) мумкин, агар қонунда белгиланган бўлса;
  - с) йўқ, мумкин эмас;
  - д) мумкин, давлат органининг рухсати билан.
- 29. Давлатнинг фуқаролик-хукуқий муносабат сифатидаги хусусиятлари нотўғри кўрсатилган жавобни топинг?**
- а) давлат органлари фуқаролик хукуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси бўладиган ҳужжатлар чиқариши мумкин;
  - б) хукуқ ва муомала лаёқатини чеклаш бўйича бошқа субъектларга тааллуқли бўлган қоидалар давлатга нисбатан татбиқ этилади;
  - с) давлат иммунитетдан фойдаланади;
  - д) фуқаролик хукуқи субъектлари амал қиласиган қонунларни ўзи белгилайди.
- 30. Давлатнинг фуқаролик-хукуқий мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги қандай?**
- а) давлат ва муниципал мулкка тегишли бўлган мулк билан жавоб беради;

- б) давлат томонидан ташкил этилган юридик шахсларга оператив бошқарув хукуки асосида бириктирилган мулк билан жавоб беради;
- с) ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради;
- д) давлат томонидан ташкил этилган юридик шахсларга хўжалик юритиш хукуки асосида бириктирилган мулк билан жавоб беради.

**31. Давлатнинг фуқаролик-хукукий муносабатлардаги иштирокига нисбатан қайси меъёрлар тадбиқ этилади?**

- а) юридик шахсларга оид;
- б) жисмоний ва юридик шахсларга оид;
- с) давлат органларигат оид;
- д) маҳаллий давлат ҳокимият органлирига оид.

**32. Фуқаролик хукукининг объектлари қайси турларга бўлиниди?**

- а) моддий ва ашёвий;
- б) расмий ва норасмий;
- с) моддий ва номоддий;
- д) давлат ва маҳаллий.

**33. Фуқаролик хукукий муносабатларнинг номоддий объектларига нималар кирмайди?**

- а) ахборот характерига эга бўлган воқеалар, фактлар ҳақида хабарлар;
- б) шахснинг шаъни, қадр-қиммати, касбий нуфузи, соғлиги, ҳаёт;
- с) шахснинг шахсий дахлсизлиги, пок номи, хусусий хаёт дахлсизлиги, муаллифлик ва бошқа шахсий мулкий хукуқлар;
- д) шахснинг шахсий ва оммавий сирлари, эркин кўчиб юриш, туриш ва яшаш жойини танлаш.

**34. Ашё деганда нима тушунилади?**

- а) табиийлик ва моддийлик хусусиятларига эга бўлган объектлар;

- б) товарларнинг иқтисодий шаклига эга бўлмаган моддий, жисмоний жиҳатдан аниқ объектлар;
- с) фуқаролик ҳуқуқи субъектига тегишли мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;
- д) номоддий бўлган объектлари.

**35. Ашёлар туркумига қайсилар кирмайди?**

- а) фуқаролик муомаласидан чиқарилган ва чиқарилмаган ашёлар;
- б) асосий ва мансуб ашёлар;
- с) ҳосил ва даромад берадиган ашёлар;
- д) қимматли ва қимматсиз ашёлар.

**36. Фуқаролик ҳуқуқларининг жонли объектларига нималар киради?**

- а) ўсимликлар;
- б) ҳайвонлар ва ўсимликлар;
- с) ҳайвонлар;
- д) табиий яшаш муҳитида фақат ёввойи ҳайвонлар.

**37. Қайси турдаги ҳужжатлар қимматли қоғозларга тегишли эмас?**

- а) банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси;
- б) омонат дафтарчаси;
- с) коносамент;
- д) депозит сертификати.

**38. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар нима деб номланади?**

- а) гаров;
- б) битимлар;
- с) ечимлар;
- д) аризалар.

**39. Бир томонлама битим тузиш учун нима зарур ва етарли?**

- а) бир томоннинг эркини ифодалаш ва бошқасининг олдиндан розилиги;
- б) бир томоннинг эркини ифодалаш;
- с) кейинчалик бошқа томон уни маъқуллаши шарти билан бир томоннинг эркини ифодалаш;
- д) икки томоннинг розилиги.

**40. Битим шакллари?**

- а) ёзма;
- б) оддий ёзма;
- с) оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган);
- д) оғзаки.

**41. Қайси холларда битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт?**

- а) ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар;
- б) кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар;
- с) кўчмас мол-мулк билан, кўчар мулкнинг айрим турлари билан;
- д) интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан мутлақ хукуқлар.

**42. Ҳақиқий саналмайдиган битим турлари?**

- а) қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимлар;
- б) ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар;
- с) низоли битимлар;
- д) низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар.

**43. Кўйидаги фикрларнинг қайси бири нотўғри?**

- а) суд ёки бошқа давлат органи ҳар қандай ҳолатда ўзи кўриб чиқаётганига ўхшаш муносабатларга нисбатан тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг хукуки қўлланиши ёки қўлланмаслигидан қатъи назар, ана шу чет давлатнинг хукуқини қўллайверади;

- б) чет эл ҳуқуқ нормаси оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлганлигига асосланибина уни қўллашни чеклаш мумкин эмас;
- с) чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди;
- д) агар чет эл ҳуқуқини қўллаш ўзароликка боғлиқ бўлса, бошқача ҳолат исботланмаганлиги сабабли у мавжуд деб тахмин қилинади.

**44. 14 ёшга тўлмаган шахслар томонидан тузилган битимлар?**

- а) қонуний битим;
- б) ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим;
- с) низоли битим;
- д) қалбаки битим.

**45. Вакил билан ваколат берувчи ўртасида ҳуқуқий муносабатлар қандай ҳужжат асосида вужудга келади?**

- а) битим;
- б) шартнома;
- с) ишончнома;
- д) васиятнома.

**46. Вакилликнинг вужудга келиш асослари?**

- а) қонун ва шартнома асосида;
- б) шартнома асосида;
- с) қонун ҳужжати асосида;
- д) ваколат берувчи шахснинг розилиги билан.

**47. Қонуний вакиллик нима?**

- а) вояга етмаганлар, руҳий касаллар ва ақли заифларнинг ҳуқуқва манфаатларини ҳимоя қилувчи ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар вакиллиги;
- б) прокуратура органларининг бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиши;

- с) хукуқقا мос бўлган вакиллик;
- д) прокуратура органларининг ташкилотлар устидан назорати.

**48. Ишончнома қандай шаклда расмийлаштирилади?**

- а) оддий ёзма шаклда;
- б) оғзаки ёки оддий ёзма шаклда;
- с) оддий ёзма ёки нотариал шаклда;
- д) нотариал шаклда.

**49. Ишончномада унинг муддати кўрсатилмаган бўлса, у қанча муддатга тузилган ҳисобланади?**

- а) 1 йил;
- б) бир умрга; с)  
муддасиз; д)
- 10 йил.

**50. Ишончнома қўпи билан амал қилиш муддати қанча?**

- а) 5 йил;
- б) 1 йил;
- с) муддатсиз;
- д) 3 йил.

**51. Муддатлар қандай ҳисобланади?**

- а) кунлар ва соатлар билан;
- б) шартномада назарда тутилган муддатларда мажбуриятлар-нинг ижро қилиниши билан;
- с) йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар билан;
- д) қонунчиликда ёки битимда белгиланган, шунингдек суд то-  
монидан тайинланадиган муддат календарь сана билан ёхуд  
йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар ёки соатлар билан ўлчанади-  
ган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади.

**52. Қонуний муддатлар тушунчасига тўғри таърифни то-  
пинг?**

- а) хукуқ нормаларида белгиланган муддатлардир;
- б) хукуқ нормаларида белгиланган муддатлардир ва умумий  
қоида бўйича ўзgartирилиши мумкин эмас;

- с) умумий қоида бўйича ўзгартирилиши мумкин эмас;  
д) бирор-бир хукуқ ёки мажбуриятларни олиш.
- 53. Агар муддат бирон-бир харакатни амалга ошириш учун тайинланган бўлса, бу харакат муддатни қайси вақтигача бажарилиши мумкин?**
- а) охирги йилнинг охирги кунига қадар;  
б) шартномага асосан;  
с) охирги ойдаги охирги кунга қадар;  
д) охирги кунидаги соат 24 га қадар.
- 54. Бузилган хукуқнинг ҳимоя қилиниши учун қонун билан белгиланган муддатларга нима дейилади?**
- а) эътироз билдириш муддатлари;  
б) даъво муддатлари;  
с) чекловчи муддатлар;  
д) кафолат муддатлари.
- 55. Умумий даъво муддати қанча?**
- а) 3 йил;  
б) 1 йил;  
с) 2 йил;  
д) 4 йил.
- 56. Даъво муддатининг тугаши қачондан бошланади?**
- а) уч йилдан кейин;  
б) даъво қилиш хукуқи вужудга келган кундан бошлаб;  
с) олти ойдан кейин;  
д) мажбуриятлар бажарилгандан бошлаб.
- 57. Даъво муддатини тиклаш қанча вақт ичida бўлса узрли хисобланади?**
- а) 5 ой;  
б) 4 ой;  
с) 6 ой;  
д) 7 ой.

**58. Даъво муддатининг ўтиши қайси ҳолларда үзилади?**

- a) белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан;
  - б) белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан ва мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи;
  - с) мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан;
  - д) бузилган хуқўқ химоя килиниши билан.

### **59. Мұлк түшүнчесига түғри таърифни белгиланғ**



**59. Ўзбекистон Республикасида қандай мулк шакллари мавжуд?**

- а) оммавий ва умумий мулк шакллари;
  - б) хусусий мулк ва оммавий мулк шакллари;
  - с) хусусий ва умумий мулк шакллари;
  - д) давлат ва хусусий мулк шакллари.

## **60. Фуқаролик хукукий муносабат субъектлари иштирокчи-ларининг турларини санаб ўтинг?**

- а) барча жавоблар түғри;
  - б) фукаролар;
  - с) юридик шахслар;
  - д) давлат.

**61. Сервитутга тушунча беринг?**

- а) икки давлат ўртасидаги бетараф ер;
- б) бошқа давлат ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш;
- с) ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш;
- д) ашёвий хуқуқ турларидан бири.

**62. Мулкка эгалик қилиш хуқуқини вужудга келтирувчи муддат қанча?**

- а) кўчмас мулклар учун - 10 йил;
- б) кўчар мулкларга - 3 йил, кўчмас мулкларга - 7 йил;
- с) мол-мулкнинг туридан қатъий назар - 12 йил;
- д) кўчар мулкларга - 5 йил, кўчмас мулкларга - 15 йил.

**63. ФКнинг 187-моддасига кўра, кўчмас мол-мулкка нечайил давомида ўзиники каби халол, ошкора ва узлюксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка тўлиқ маънода мулкдор хуқуқларига эга бўлади?**

- а) 15 йил;
- б) 10 йил;
- с) 12 йил;
- д) 25 йил.

**64. Эгалик қилиш хуқуқини вужудга келтирувчи муддатни топинг?**

- а) 7 йил;
- б) 10 йил;
- с) 15 йил;
- д) 6 йил.

**65. Хусусий мулк хуқуқи тушунчасини тўғри таърифини топинг?**

- а) шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқидир;
- б) юридик шахс ҳисобланган хўжалик ширкати ва жамиятининг мулки қатнашчиларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда қонунда ман этилмаган бошқа асосларда улар томонидан қўлга киритилган мол-мулкдан ҳосил бўлади;

- с) хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади ва ўз номидан мулкий ҳукуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши мумкин;
- д) барча жавоблар тўғри.

**66. Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида курилаётган янги уй-жойга мулк ҳукуқи қайси пайтдан бошлаб вужудга келади?**

- а) пай бадалларини батамом тўлаб бўлганидан кейин;
- б) хусусийлаштирилган пайтдан;
- с) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан;
- д) коммунал тўловларни тулагандан бошлаб.

**67. .....деганда Республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулкига нисбатан ҳалқ манфаатлари йўлида давлат органларининг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ҳукуқ нормалари йиғиндиси тушунилади. Нуқталар ўрнига мос жумлани танланг?**

- а) хусусий мулк ҳукуки;
- б) оммавий мулк ҳукуки;
- с) жамоа корхонасининг мулк ҳукуки;
- д) кооператив мулк ҳукуки.

**68. Ўзбекистон Республикасида оммавий мулкнинг қандай турлари мавжуд?**

- а) хусусий ва давлат;
- б) республика ва муниципал;
- с) республика ва хусусий;
- д) муниципал ва хусусий.

**69. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий - худудий тузилмалар мулки .....саналади.**

Нуқталар ўрнига мосини танланг?

- а) хусусий мулк;

- б) кооператив мулк;
- с) муниципал мулк; д)  
давлат мулки.

**70. Икки ёки ундан ортиқ шахсга тегишли бўлган мол-мулк уларга қандай асосда тегишли бўлади?**

- а) жамоа мулкчилиги асосида; б)  
аралаш мулкчилик асосида; с)  
хусусий мулк асосида;
- д) умумий мулкчилик асосида.

**71. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга қандай асосда тегишли бўлади?**

- а) умумий мулк ҳуқуқи асосида;
- б) улушли мулк ҳуқуқи асосида;
- с) биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида;
- д) хусусий мулк ҳуқуқи асосида.

**72. Улушли мулк иштирокчилари умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки улардан бирининг улушини ажратиш усули ва шартлари тўғрисида келишувга эриша олмасалар, улушли мулк иштирокчиси ўз улушкини асл холида ажратиб беришни қандай талаб қилишга ҳақли?**

- а) улушли мулк иштирокчиларининг розилиги билан;
- б) умумий мулқдорларнинг ярмидан кўпининг розилиги билан;
- с) суд орқали талаб қилишга ҳақли;
- д) барча иштирокчиларнинг розилиги билан.

**73. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк қуйидаги қайси ҳолларда тасарруф этилади?**

- а) умумий мулқдорлар умумий сонининг учдан икки қисмининг розилиги билан;
- б) барча иштирокчиларнинг розилиги билан;
- с) умумий мулқдорларнинг ярмидан кўпининг розилиги билан;
- д) суд қарорига мувофик.

**74. .... деганда, қонуний эганинг ноқонуний эгадан мулкни натура ҳолида қайтариб бериш түғрисидаги ношартномавий талаби тушунилади.**

Нукталар ўрнига мосини танланг?

- а) виндикацион даъво;
- б) инсофсиз эгалловчи;
- с) шахснинг қонунсиз эгалиги;
- д) мулк хуқуқининг бекор бўлиши.

**75. Виндикацион даъвонинг предмети бу.....**

Мос келадиган жумлани белгиланг?

- а) бирорнинг қонунсиз эгалигига бўлган ашёни қайтариб олиш ҳақидаги мулк эгасининг даъвосидир;
- б) индивидуал ашёлар эмас, балки бошқа барча мулклар, асл ҳолатда қонунсиз эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин;
- с) бузилган мулкий хуқуқни тиклашдан, ашёни бевосита мулк эгаси ихтиёрига қайташдан иборатdir;
- д) мулкни ноқонуний эгадан қайташни талаб қилиш хукуки хисобланади.

**76. Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб кимга қўйилиши мумкин?**

- а) бошқа шахсга қўйилмайди;
- б) субсидиар жавобгарга;
- с) улушли жавобгарга;
- д) солидар жавобгарга.

**77. Мулқдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўскинликларни бартараф этишга нима деб айтилади?**

- а) инсофсиз эгалловчи;
- б) виндикацион даъво;
- с) негатор даъво;
- д) инсофли эгалловчи.

- 78. Мажбуриятнинг бажарилишини учинчи шахс зиммасига юклаш учун асос?**
- а) белгиланган қоидаларда назарда тутилган бўлиши;
  - б) маъмурий жиҳатдан тенг субъектлар ўртасида бўлиши мумкин;
  - с) мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиккан бўлиши мумкин;
  - д) мажбуриятни енг тежамкор усулда бажариш мумкин бўлган ҳолат.
- 79. Фукаролик қонунчилигига қўра неустойка қайси шаклларда бўлади?**
- а) шартнома бўйича ва қонун бўйича неустойка;
  - б) жарима ва пеня;
  - с) нақд пул ва нақд пулсиз;
  - д) натура ва пул кўринишидаги неустойка.
- 80. Неустойка тўғрисидаги келишув?**
- а) тарафлардан бирининг талаби билан суд томонидан белгиланиши керак;
  - б) шартномадан алоҳида келишувда назарда тутилиши керак;
  - с) шартномада назарда тутилиши шарт;
  - д) ёзма шаклда тузилиши керак.
- 81. Нималар гаров обьекти бўлиши мумкин эмас?**
- а) нақдсиз пуллар;
  - б) ижаарачининг ҳуқуqlари;
  - с) криптоактив ва токенлар;
  - д) Шахсий-номулкий ҳуқуqlар.
- 82. Кафиллик ҳақидаги шартноманинг ёзма шаклда тузилиши лозимлиги тўғрисидаги қонун билан белгиланган талабларга риоя қилмаслик?**
- а) ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлмайди; б) ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади;

- с) қонунда белгиланган ҳолларда ҳақиқий деб ҳисобланиши мүмкин;
- д) кафил тан олган ҳолларда ҳақиқий деб ҳисобланишига олиб келади.

### **83. Нотўғри фикрни топинг?**

- а) башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият бажарилмаган тақдирда зарарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка тўлаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қиласди;
- б) agar мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади;
- с) бой берилган фойдани аниқлашда кредитор томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарниклар ҳисобга олинмайди;
- д) қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

### **84. Шартнома нима?**

- а) икки ёки бир неча шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартериш тўғрисидаги ўзаро келишуви;
- б) икки ёки бир неча шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартериш ва бекор қилиш тўғрисидаги ўзаро келишуви;
- с) икки ёки бир неча шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини ўзгартериш тўғрисидаги ўзаро келишуви;
- д) икки ёки бир неча шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиши тўғрисидаги ўзаро келишуви.

### **85. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси қандай муддатларга тузилиши мүмкин?**

- а) бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга (узок муддатли шартнома) ёки тарафлар келишуви;
- б) тарафлар томонидан келишилган муддат;

- с) бир йилдан ортиқ муддатга;
- д) бир йилга.

**86. Шартнома түзишга таклиф этиш қандай номланади?**

- а) аксепт;
- б) оферент;
- с) оферта;
- д) аксептант.

**87. Олди-сотди шартномаси субъектлари кимлар бўлиши мумкин?**

- а) юридик ва жисмоний шахслар;
- б) давлат, фуқаролар ва юридик шахслар;
- с) корхона ва ташкилотлар;
- д) давлат ва жисмоний шахслар.

**88. Олди-сотди шартномаси предмети нима?**

- а) кўчмас мулк;
- б) товар;
- с) истеъмол қилинадиган нарсалар;
- д) фақат кўчар мулк.

**89. Энергия таъминоти шартномаси қайси шартнома турку-мига киради?**

- а) олди-сотди шартномаси;
- б) топшириш шартномаси;
- с) маҳсулот етказиб бериш шартномаси;
- д) пудрат шартномаси.

**90. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси қандай шаклда ту-зилади?**

- а) ёзма ва оғзаки;
- б) фақат ёзма;
- с) фақат оғзаки;
- д) шартнома шартларига боғлиқ.

- 91. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси субъектлари кимлар бўлиши мумкин?**
- а) фақат жисмоний шахслар;
  - б) тадбиркорлик билан шуғилланаётган шахслар;
  - с) фақат юридик шахслар;
  - д) давлат ва фуқаролар.
- 92. Контрактация шартномасини предмети нима?**
- а) интелектуал мулклар;
  - б) барча турдаги маҳсулотлар;
  - с) кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;
  - д) мутлоқ ҳуқуқлар.
- 93. Энергия таъминоти шартномаси қачон оммавий бўлиши мумкин?**
- а) абонент юридик шахс бўлганда;
  - б) абонент давлат бўлганда;
  - с) абонент фуқаро бўлганда;
  - д) бу шартнома оммавий эмас.
- 94. Ҳадя шартномасини қандай шаклларда тузишга йўл қўйилмайди?**
- а) нотариал шаклда;
  - б) сукут шаклида;
  - с) оғзаки шаклда;
  - д) ёзма шаклда.
- 95. Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя..... ҳисобланади.**
- Нуқталар ўрнига мосини қўйинг?
- а) хайр-эҳсон;
  - б) закот;
  - с) хайрия;
  - д) нафака.

96. Қайси шартномага мұвоғиқ бир тараф (олувчи) күчмас ёки күчар мол-мұлкни бошқа тарафға (тұловчига) мұлк қилиб беради, тұловчи эса олинган мол-мұлк үрніга олувчига вақти-вақти билан белгиланған пул суммасы ёки уни тағминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериши тарзыда тұлаш мажбuriятини олади?

- а) мулк ижааси шартномаси;
  - б) рента шартномасига;
  - с) прокат шартномаси;
  - д) айирабошлаш шартномаси.

97. Мулк ижарасининг объектлари тўғри берилган қаторни топинг?

1. ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар
  2. алохидә табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар
  3. бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт
  4. истеъмол қилинмайдиган ашёлар?
    - a) 1,2,3,4;
    - b) 1,3,4;
    - c) 2,3,4;
    - d) 1,3,4.

**98. Умрбод рентанинг доимий рентадан фарқи нима?**

1. умрбод рента фуқаро ҳаёт бўлган даврга тузилади.
  2. доимий рента муддатсиз тузилиши
  3. доимий рентада тўловлар моддий буюмларда бўлади.
  4. умрбод рентада тзловлар пул шаклида бўлади?
    - a) 2,3,4;
    - b) 1,2;
    - c) 1,3,4;
    - d) 1,2,3,4.

## 99. Мулк ижараси шартномасининг муддати қанча?

- а) 1 йил;
  - б) муддати шартномада белгиланади;
  - с) томонлар келишувига асосан;
  - д) 5 йил.

- 100. Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни қандай мажбуриятлар асосида беради?**
- а) фойдаланиш учун топшириш ;
  - б) фойдаланиш учун топшириш, ҳақ эвазига ва вақтинча эгалик қилиш;
  - с) ҳақ эвазига;
  - д) вақтинча эгалик қилиш.
- 101. Транспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси-нинг ҳуқуқий белгиларини кўрсатинг?**
- а) икки томонлама, ҳақ баробарига, консенсуал;
  - б) ҳақ баробарига;
  - с) икки томонлама;
  - д) консенсуал.
- 102. Ижара ҳақининг миқдори тўғрисида тарафлар ёзма шаклда келишган шартлар бўлмаган тақдирда, бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси ҳисобланади. Нуқталар ўрнига тўғри сўзни топинг?**
- а) қонуний;
  - б) хақиций;
  - с) тузилган;
  - д) тузилмаган.
- 103. Лизинг объектлари қаторини топинг?**
- а) кўчмас мулклар;
  - б) истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар;
  - с) ер участкалари ва бошқа табиат обьектлари;
  - д) кўчар мулклар.
- 104. Уй-жой фонди турларини аниқланг?**
- а) оммавий уй-жой фонди;
  - б) хусусий уй-жой фонди;
  - с) хусусий уй-жой фонди ва давлат уй-жой фонди;
  - д) давлат уй-жой фонди.

**105. Уй-жойни ижарага бериш шартномасининг шакли қандай бўлади?**

- а) келишувга биноан;
- б) оғзаки шаклда;
- с) ёзма шаклда;
- д) шартномада кўрсатилган шаклда.

**106. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси қанча муддатга тузилади?**

- а) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;
- б) шартномада кўрсатилган муддатга;
- с) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;
- д) етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатга.

**107. Ссуда берувчига нисбатан берилилган тўғри таърифни топинг?**

- а) ижарага олувчи;
- б) пудрат шартномасининг тури;
- с) ижара шартномаси томонларидан бири;
- д) текин фойдаланиш шартномаси томонларидан бири.

**108. Текин фойдаланиш шартномасининг бекор бўлиши тартиби қандай?**

- а) шартномада кўрсатилган ҳолларда;
- б) ссуда олувчи фуқаро вафот этганда ва ссуда олувчи юридик шахс тугатилган ҳолларда;
- с) ссуда олувчи фуқаро вафот этганда;
- д) ссуда олувчи юридик шахс тугатилган ҳолларда.

**109. Пудрат шартномасида томонлар қандай номланади?**

- а) пудратчи, буюртмачи;
- б) пудратчи, воситачи;
- с) буюрмачи, вакил;
- д) пудратчи, қабул қилиб олувчи.

**110. Йўловчи ва бағаж ташиш шартномаси тузилганлиги нима билан тасдиқланади?**

- а) бағажни бус-бутун топшириш билан;
- б) йўловчини манзилига етказиш билан;
- с) тегишли чипта ва бағаж паттаси билан;
- д) шартнома шартларига асосан.

**111. Банк омонати шартномаси қачондан тузилган ҳисобланади?**

- а) омонат суммаси банкка келиб тушган кундан бошлаб;
- б) омонат суммаси фуқарога берилгандан бошлаб;
- с) ёзма шаклда тузилгач;
- д) томонлар имзолагач.

**112. Банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик қандай оқибатга олиб келади?**

- а) тузилмаган ҳисобланади;
- б) жарима тўлаб беради;
- с) суд тартибида кўрилади;
- д) бундай шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

**113. Чартер (фрахтлаш) шартномасини ўзига хос хусусияти ни топинг?**

- а) транспорт воситасини бериш;
- б) умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш;
- с) бир хил йўналишда ҳар хил транспортда ташиш;
- д) йўловчи, бағаж ва юқ ташиш учун бир марта ёки бир неча марта қатнашга бериш .

**114. Транспорт экспедицияси шартномаси нима?**

- а) ҳар хил транспорт ташкилотлари ўртасида юқ ташишни таъминлашга қаратилган ишларни ташкил этиш ҳақида шартномалар ;
- б) экспедитор ҳақ эвазига ва мижоз ҳисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юқ ташиш билан боғлик хизматларни

- бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олувчи шартнома;
- c) ташувчи билан юк эгаси мунтазам ташишни амалга ошириш зарур бўлганида ташишни ташкил этиш ҳақида узоқ муддатли шартномалар;
  - d) ҳар хил транспортда ягона транспорт ҳужжати асосида йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномаси.

**115. Қарз шартномаси?**

- a) реал, ҳақ эвазига/текин, бир томонлама;
- b) консенсуал, текин, икки томонлама;
- c) реал, ҳақ эвазига, икки томонлама;
- d) реал, ҳақ эвазига, кўп томонлама.

**116. Қарз шартномаси қайси холатда тузилган ҳисобланади?**

- a) пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб;
- b) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб;
- c) томонлар келишувга эришган пайтдан бошлаб;
- d) тўғри жавоб берилмаган.

**117. Қарз шартномасининг тарафлари қандай номланади?**

- a) дебитор ва кредитор;
- b) қарз берувчи ва қарз олувчи;
- c) кредитор ва қарз олувчи;
- d) банк ва қарздор.

**118. Агар кредит шартномаси оғзаки тузилган бўлса, у:?**

- a) ноқонуний тузилган бўлади;
- b) ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди;
- c) тузилмаган ҳисобланади;
- d) гувоҳ кўрсатувларига мурожаат қилиш хукуқисиз тузилган ҳисобланади.

**119. Сақловчининг облигацияни чиқарган шахсадан облигация низарда тутилган муддатда облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентини олиш**

**хуқуқини тасдиқлайдиган қимматли қоғоз қайси вариянтда тұғри күрсатилған?**

- a) облигация;
- б) вексель;
- с) чек;
- д) коносамент.

**120. Тижорат кредит шартномасининг предмети нима?**

- а) пул суммаларини ёки турга хос аломатлари билан белгилана-диган бошқа ашёлар;
- б) фақат пул;
- с) турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёлар пул суммаларидан ташқари;
- д) хусусий аломатлари билан белгиланған ашёлар.

**121. Ким молия агенти сифатида ҳаракат қилиши мүмкін?**

- а) банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек бундай турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномаси (лицензияси) бўлган бошқа тижорат ташкилотлари;
- б) фақат банклар;
- с) банклар ва бошқа кредит ташкилотлари; д) тұғри жавоб йўқ.

**122. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш өвазига молиялаш шартномасининг предмети нима?**

- а) пул талабномаси;
- б) мулк талаби;
- с) пулни қайтариш мажбурияти;
- д) барча жавоблар тұғри.

**123. Банк омонати шартномасининг шакли?**

- а) ёзма, мажбурий нотариал тасдиқланиши керак;
- б) ёзма, жамғарма (депозит) сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилған ҳужжат билан тасдиқланған бўлса;
- с) ёзма, давлат рўйхатига олиниши керак;
- д) шартнома шакли бўйича фуқаролик кодексининг умумий қоидаларига бўйсунади.

**124. Омонатларнинг турларини санаб беринг?**

- а) қонуний, ноқонуний;
- б) реал, талабга биноан;
- с) талаб қилингунча сақланадиган, муддатли;
- д) йиғиладиган, қонуний.

**125. Банкка қўйилган омонат суммасини ҳам, омонатчининг белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин сертификатни берган банкда ёки ушбу банкнинг исталган филиалида омонат суммасини ва сертификатда қўрсатиб қўйилган фоизларни олиш ҳуқуқини ҳам тасдиқлайдиган қимматли қоғоз нима деб номланади?**

- а) омонат дафтарчаси;
- б) омонат (депозит) сертификати;
- с) облигация;
- д) вексель.

**126. Банк хисобвараги...?**

- а) консенсуал, ҳақ бараварига, икки томонлама;
- б) реал, ҳақ эвазига/текин, бир томонлама;
- с) реал, ҳақ эвазига, икки томонлама;
- д) реал, ҳақ эвазига, кўп томонлама.

**127. Хисобварак бўйича операцияларни амалга ошириш муддатлари берилган қаторини белгиланг?**

- а) 7 кун ичида;
- б) тегишли тўлов хужжати банкка тушган куннинг эртасидан;
- с) 3 кун ичида;
- д) 5 кун ичида.

**128. Банк сирини сақлаш қайси ташкилотларга тегишли?**

1. кредит ташкилотлари. 2. Марказий банк. 3. аудитор ташкилотлари?
- а) 1, 3;
- б) 2, 3;

- с) 1, 2, 3;
- д) банклар.

**129. Аккредитив тушунчасига тўғри тарифни топинг?**

- а) банк мижознинг кўрсатмасига мувофиқ, агар маблағни олувчи аккредитивда назарда тутилган ҳужжат ва бошқа шартларни бажарганилиги тақдим этилган бўлса, учинчи шахсга тўловни бажариш мажбуриятини олади;
- б) ҳисоб-китоб қилинганида мижоз ўз банкига (банк-эмитентга) пул тўловидан тўловни ва (ёки) тўлов акцептини мижоз хисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юбориши;
- с) чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сакловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қофози;
- д) тўғри жавоб йўқ.

**130. Қайси чек бошқа шахсга берилиши мумкин эмас?**

- а) реал чек;
- б) ҳақиқий чек;
- с) эгасининг номи ёзилган чек;
- д) ўтказма чек.

**131. Топшириқ шартномаси бўйича тарафлар нима деб номланади?**

- а) тўғри жавоб йўқ;
- б) вакил, топшириқ берувчи;
- с) тўловчи, вакил;
- д) воситачи, комитет.

**132. Қайси ҳолларда вакил топшириқнинг бажарилишини бошқа шахсга (ўринбосарга) топширишга ҳақли?**

- а) вакил топшириқ берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вазият тақозоси билан мажбур бўлса;
- б) агар топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса;
- с) шартнома муддати тугаган бўлса;

д) агар топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса ва вакил топшириқ берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вазият тақозоси билан мажбур бўлса.

**133. Бошқа шахснинг манфаатларини қўзлаб, унинг топширигисиз ҳаракат қилувчи шахс биринчи имконият туғилиши биланоқ, бу ҳақда кимга хабар бериши шарт?**

- а) манфаатдор шахсга;
- б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга;
- с) мулкдорга;
- д) воситачига.

**134. Бошқа шахснинг манфаатини қўзлаб ҳаракат қилган шахс кимнинг манфаатини қўзлаб фаолият олиб борган бўлса, ўша шахсга нималарни қўрсатган ҳолда ҳисобот тақдим этиши шарт?**

- 1. олинган даромадлар. 2. қилинган харажатлар. 3. кўрилган зарар?
- а) 1, 2, 3;                                б) 1 ва 2;
- с) 2 ва 3;                                    д) 1 ва 3.

**135. Бир тараф иккинчи тарафнинг топшириғи бўйича ўзномидан, бироқ комитетент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбурияти қайси битим тузилади?**

- а) мол-мулкни ишончли бошқариш;
- б) пудрат;
- с) топшириқ;
- д) воситачилик.

**136. Воситачилик шартномаси бўйича битим тузган томон нима деб чақирилади?**

- а) комитетент;                                б) воситачи;
- с) вакил;    д) бажарувчи.

**137. Воситачилик шартномасининг предмети?**

- а) воситачи комитетент топшириги бўйича ўз номидан, бироқ комитетент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш;
- б) воситачи комитетент номидан ва унинг ҳисобидан юридик ҳаракатларни амалга ошириши;
- с) воситачи комитетент номидан ва унинг ҳисобидан амалий ҳаракатларни амалга ошириши;
- д) воситачи комитетент номидан ва унинг ҳисобидан юридик ва амалий ҳаракатларни амалга ошириши.

**138. Воситачилик шартномасининг тарафлари кимлар?**

- а) қабул қилиб олувчи ва буюртмачи;
- б) комитетент ва буюртмачи;
- с) буюртмачи ва воситачи;
- д) комитетент ва воситачи.

**139. Воситачилик шартномаси бўйича учинчи шахс нима деб номланади?**

- |                 |                |
|-----------------|----------------|
| а) делькредере; | б) комитетент; |
| с) бенефициар;  | д) вакил.      |

**140. Воситачи воситачилик шартномаси бўйича топшириқ бажарилгандан кейин комитетентга ҳисботот тақдим этиши шартми?**

- |             |                     |
|-------------|---------------------|
| а) ха шарт; | б) шарт эмас;       |
| с) оғзаки;  | д) тўғри жавоб йўқ. |

**141. Қайси холларда воситачилик шартномаси бекор қилинади?**

1. комитетент шартномани бажаришдан бош тортганлиги; 2. воситачи шартномани бажаришдан бош тортганлиги; 3. воситачи вафот этганлиги, у муомалага лаёқатсиз, лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки начор деб топилганлиги оқибатида бекор қилинади?

- а) 1, 2, 3;  
б) 1, 2;  
в) 2, 3;  
г) 1, 3.

**142. Қайси жавобда ихтиrolар кўrsатилган?**

- а) шартли белгилар, қоидалар;  
б) илгаридан маълум бўлган қурилмаларнинг янги мақсадларда ишлатилиши;  
с) илмий назариялар ва математика усуллари;  
д) ЕХМлар учун дастурлар.

**143. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафла-  
ри қандай номланади?**

- а) вакил ва топшириқ берувчи;  
б) воситачи ва комитет;  
с) бошқарувнинг муассиси ва ишончли бошқарувчи;  
д) тўғри жавоб йўқ.

**144. Мол-мулкни ишончли бошқариш қўйидаги асосларда  
вужудга келади (жорий этилади):**

1. муассис билан ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ва васиятнинг ижрочиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома;
2. суд қарори;
3. васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисида-  
ги қарори;
4. конунда назарда тутилган ҳолларда бошқа амалий фактлар.

Қайси банд нотўғри кўрсатилган??

- а) 4;  
б) 1;  
в) 2;  
г) 3.

**145. Кимлар франшизинг шартномасининг субъектлари бўла  
олади?**

- а) юридик шахслар;  
б) жисмони йшахслар;  
в) тижорат ташкилотлари;  
г) давлат корхоналари.

**146. Лицензиатнинг мажбуриятлари қайси бандда нотўғри кўрсатилган?**

- а) лицензиатга шартномада назарда тутилган лицензияларни бериши, уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаши;
- б) шартномада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш чоғида лицензиарнинг фирма номидан шартномада кўрсатилган тарзда фойдаланиши;
- с) agar шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, шартлашилган миқдорда ёрдамчи лицензияларни бериши;
- д) лицензиарнинг ишлаб чиқариш сирларини ва ундан олган бошқа маҳфий тижорат ахборотини ошкор қиласлиги.

**147. Қуйидагилардан қайси бири омонат сақлаш шартномасининг объекти ҳисобланмайди?**

- а) кўчар мол-мулк;
- б) кўчмас мол-мулк;
- с) фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган;
- д) секвестр.

**148. Омонат сақлаш шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қиласлик оқибатлари қандай?**

- а) сақлашга қабул қилинган ашё билан омонат сақловчи қайтарган ашёнинг айнан ўзилиги хусусида низо чиқкан тақдирда, тарафларни гувоҳларнинг кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.;
- б) сақлашга қабул қилинган ашё билан омонат сақловчи қайтарган ашёнинг айнан ўзилиги хусусида низо чиқкан тақдирда, тарафларни гувоҳларнинг кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этади;
- с) сақлашга қабул қилинган ашё билан омонат сақловчи қайтарган ашёнинг айнан ўзилиги хусусида низо чиқкан тақдирда, agar шартномада бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса тарафларни гувоҳларнинг кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди;
- д) шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмайди.

**149. Сақлаш вақтида олинган ҳосил ва даромадлар кимга тегишили?**

- а) юк топширувчи ҳамда омонат сақловчига тенг миқдорда;
- б) шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юк топширувчига;
- с) шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчига;
- д) омонат сақловчига 3/1 миқдорда.

**150. Суд секвестри бўйича ким омонат сақловчи бўлиши мумкин?**

- а) суд томонидан тайинланган шахс ҳамда баҳслашаётган тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланадиган шахс;
- б) суд;
- с) суд томонидан тайинланган шахс;
- д) Баҳслашаётган тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланадиган шахс .

**151. Тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақладиган ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилот нима деб аталади?**

- а) товар омбори;
- б) профессионал омонат сақловчи;
- с) юхона;
- д) ломбард.

**152. Варрант нима?**

- а) эгаси ёзилган квитанция;
- б) омбор паттаси;
- с) омбор гувоҳномаси;
- д) гаров гувоҳномаси.

**153. Суғурта шартномасининг қандай турлари мавжуд?**

- а) шахсий ва мулкий;
- б) шахсий ва мажбурий;
- с) мажбурий ва ихтиёрий;
- д) мулкий ва мажбурий.

**154. Қайси сұғурта йўловчиларни баҳтсиз ҳодисадан сұғурта қилиш хисобланади?**

- а) ихтиёрий;
- б) мажбурий шахсий;
- с) шахсий;
- д) бир марталик шахсий.

**155. Сұғурта пули айни битта мол-мұлкни ёки тадбиркорлик хавфини икки ёки бир неча сұғурталовчыда сұғурта қилиш (қўшалоқ сұғурта) натижасыда сұғурта қийматидан ошиб кетиши нима деб аталади?**

- а) қайта сұғурта;
- б) биргаликдаги сұғурта;
- с) қўшалоқ сұғурта;
- д) ўзаро сұғурта.

**156. Сұғурта шерикчилиги нима?**

- а) сұғурта обьекти битта шартнома бўйича бир неча сұғурталовчи томонидан ўртада сұғурталаниши;
- б) йирик ва алоҳида йирик хавфларни ўртада сұғурта қилиш учун биргаликда сұғурталовчилар биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида оддий ширкатлар тузиши;
- с) бир нечта сұғурта обьектларини сұғурталаш; д) тўғри жавоб йўқ.

**157. Оддий ширкат нима?**

- а) фуқаролар бирлашмаси;
- б) юридик шахсларнинг шартномавий бирлашмаси;
- с) тадбиркорлик субъектларининг ноюридик бирлашмаси;
- д) юридик шахснинг бир тури.

**158. Оддий ширкатнинг иштирокчилари ким?**

- а) якка тадбиркорлар ва тижоратчи юридик шахслар;
- б) жисмоний ва юридик шахслар;
- с) жисмоний шахслар;
- д) якка тадбиркорлар ва юридик шахслар.

**159. Оддий ширкат шартномасидан келиб чиқмаган умумий мажбуриятлар бўйича шериклар қандай жавобгар бўлади?**

- а) солидар жавобгардирлар;
- б) субсидиар жавобгардирлар;
- с) умумий тарзда жавобгардирлар;
- д) жавобгар бўлмайдилар.

**160. Оддий ширкат шартномаси бекор бўлишининг асослари кайсалар?**

- а) шериклардан бирортаси оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасида бундан бўён иштирок этишдан воз кечганда;
- б) банкротлик, воз кешиш ва муддатнинг ўтиши;
- с) оддий ширкат шартномасининг муддати ўтганда;
- д) шериклардан бирортаси банкрот деб эълон қилинганда.

**161. Оммавий танлов нима?**

- а) Эълонда кўрсатилган харакатни ким унда белгиланган муддатда бажарса, ўшанга пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофотни бериш тўғрисида ошкора эълон қилиш;
- б) Ишни энг яхши бажарганлик ёки бошқа натижаларга эришганлик учун пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида мукофот тўлаш тўғрисида ошкора эълон қилиш;
- с) иштирокчиларнинг мусобақалашуви асосида ташкил этилган танлов;
- д) бўш иш ўринларига танлов уюштириш орқали ғолиб шахс билан меҳнат шартномаси (контракти) тузиш.

**162. Қуйидагилардан қайси бири оммавий танлов доирасига киради?**

- а) таълим муассасаларига фуқароларни қабул қилиш;
- б) бўш иш ўринларига танлов уюштириш орқали ғолиб шахс билан меҳнат шартномаси (контракти) тузиш;
- с) энг яхши расм чизиш танлови;
- д) давлат мукофотларини олишга доир танловлар.

- 163. Агар эълонда кўрсатилган натижаларга икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда бажарилган ишида эришилган бўлса, мукофот қандай белгиланади?**
- а) бажарган иш миқдорига қараб тақсимланади;
  - б) улар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади;
  - с) улар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланади;
  - д) тўғри жавоб йўқ .
- 164. Мукофотни ошкора ваъда қилиш қандай битим ҳисобланади?**
- а) бир ва икки томонлама;
  - б) консенсуал;
  - с) икки томонлама;
  - д) бир томонлама.
- 165. Таваккалчиликка асосланган ютуқ ҳақидаги бир ёки бир неча иштирокчи ўртасида ёки ўйин ташкилотчиси (тотализатор ташкилотчиси) билан эришилган, натижаси юз бериш ёки бермаслиги (ютиш ёки ютказиш) но маълум бўлган келишув нима дейилади?**
- а) қимор;
  - б) гаров;
  - с) ўйин;
  - д) баҳс.
- 166. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарар қандай қопланади?**
- а) унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилар) ёки васийлари жавобгар бўладилар;
  - б) муомалага лаёқатли бўлгунча кўтилади, сўнг тўланади;
  - с) қонуний вакиллари билан субсидиар тарзда солидар жавобгар бўлади;
  - д) вояга етмаганни ўзи жавобгарликка тортилади.

**167. Суд қандай ҳолатда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганларга уларнинг болалари етказган заарни қоплашни юклashi мумкин?**

- а) улар болани тарбиялш билан боғлиқ мажбуриятини бажармаган бўлсалар;
- б) улар заарни қопламайдилар;
- с) улар ҳар қачон заарни қоплайдилар;
- д) улар гақат ҳаётга етказилган заарни қоплайдилар.

**168. Маънавий зарар нима?**

- а) моддий заарлар;
- б) шахсий заарлар;
- с) жисмоний ва маънавий азоблар;
- д) умумий заарлар.

**169. Маънавий зарар қопланиши усуллари тўлиқ берилган қаторини кўрсатинг?**

- а) ўзаро келишувга асосан қопланади;
- б) нақд пулсиз қопланади;
- с) келишувга асосан натура да қам тўланиши мумкин;
- д) фақат пул билан қопланади.

**170. Ўзига тегишли ҳуқуқни талабномадан воз кечиш йўли билан ёки бошқача тарзда бошқа шахсга мавжуд бўлмаган ёки ҳақиқий бўлмаган мажбурият асосида берган шахс...?**

- а) барча жавоблар тўғри;
- б) фақат суд тартибида талаб қилишга ҳақли;
- с) жабрланувчига бундай фойдаланиш натижасида тежалган нарсани фойдаланиш тугалланган пайтда ва ўша жойда мавжуд нарх бўйича тўлаши лозим;
- д) аввалги ҳолатни тиклашни, шу жумладан берилган ҳуқуқни тасдиқловчи хужжатлар ўзига қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

**171. Қүйидагилардан қайси бири асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтариб берилмайды?**

- а) ижро этиш муддати түлгунга қадар мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк, агар мажбуриятда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса;
- б) мавжуд бўлган мажбуриятни бажариш учун берилган пул суммалари ва бошқа мол-мулк;
- с) даъво муддати тугамагунича мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк;
- д) барча жавоблар тўғри.

**172. Интеллектуал мулк объектларининг ўзига хос хусусиятлари нотўғри кўрсатилган жавобни топинг?**

- а) ижодий фаолият натижаси бўлган интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ҳукуқлар тизими амал қиласди;
- б) ғоялар кўринишидаги интеллектуал мулк объектларига нисбатан одатдаги моддий ашёларга бўлгандай эгалик қилиш мумкин;
- с) кўп ҳолларда интеллектуал мулк объектлари ғоявий кўринишда бўлади;
- д) интеллектуал мулк ҳукуқининг амал қилиши худуд бўйича чегараланган.

**173. Асарни, ижрони, сахна асарини ўйин, ифодали ўқиши, куйлаш, рақсга тушиш орқали жонли ижро ёки техника воситалари ёрдамида тақдим этиш нима дейилади?**

- а) ижро;
- б) фонограмма;
- с) кўрсатув;
- д) эшиттиришж.

**174. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини яратишга ноижодий ёрдам бериш?**

- а) қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳаммуаллифликка сабаб бўлади;
- б) ҳаммуаллифликка сабаб бўлади;

- c) муаллиф рози бўлган тақдирда ҳаммуаллифликка сабаб бўлади;
- d) ҳаммуаллифликка сабаб бўлмайди.

**175. Селекция ютуқлари бу...?**

- a) ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;
- b) ўсимликлар нави;
- c) ўсимликлар нави ва қайвонлари зоти;
- d) ҳайвонларнинг янги зоти.

**176. Юридик шахснинг фирма номи қайси хужжат билан белгиланади?**

- a) таъсис хужжатларида;        b) ҳамма ерда;
- c) олди-сотди шартномасида; d) шартномада.

**177. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган асарлар қайсилар?**

- a) расмий хужжатлар, ҳалқ ижодиёти хужжатлари;
- b) фан, адабиёт ва санъат асарлари;
- c) спектакллар, театр томошалари;
- d) илмий асарлар.

**178. Қуйидагилардан қайси бири муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгиси ҳисобланади?**

- a) асар номи;
- b) айланана ичига олинган “R” ҳарфи;
- c) асар биринчи марта эълон қилинган йил;
- d) тахаллус.

**179. Асар қайси пайтдан ижтимоий мулкка айланади?**

- a) муаллиф вафотидан сўнг 30 йилдан сўнг;
- b) муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин;
- c) муаллиф вафот этган пайтдан;
- d) асар эълон килиниши билан.

**180. Асар қайси пайтдан ижтимоий мулкка айланади?**

- а) муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин;
- б) муаллиф вафот этган пайтдан;
- с) муаллиф вафотидан сўнг 30 йилдан сўнг;
- д) асар эълон қилиниши билан.

**181. Юридик шахснинг белгиси тариқасида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган номга бўлган алоҳида ҳуқуқининг амал қилиш доираси қандай?**

- а) БМТ аъзолари доирасида амал қиласди;
- б) МДҲ доирасида амал қиласди;
- с) барча давлатларда амал қиласди;
- д) Ўзбекистон Республикаси худудида амал қиласди.

**182. Фирма номига бўлган ҳуқуқининг амал қилиши қандай ҳолларда бекор бўлади?**

- а) фирма номига бўлган ҳуқуқ егаси бошқа шахсга ўзининг бу номидан фойдаланишга рухсат этса;
- б) юридик шахс тугатилиши билан;
- с) фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш билан;
- д) фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш билан.

**183. Қандай ҳолатда юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ва ўтказишга йўл қўйилмайди?**

- а) юридик шахс бўлинганда;
- б) юридик шахс қўшиб юборилганда;
- с) юридик шахс тугатилганда;
- д) корхона бошқа шахсга берилганда.

**184. Товар чиқарилган жой номини?**

- а) суд орқали ҳимоя қилиб бўлмайди;
- б) рўйхатдан ўтказиш талаб етилмайди;

- с) ваколатли давлат органи рўйхатдан ўтказади;
- д) шартномада кўрсатиш шарт.

**185. Қандай ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди?**

- а) ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарап учун товон ундириш ҳуқуқи;
- б) мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар;
- с) юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари;
- д) меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунчилик асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи.

**186. Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси умумий молмulkка бўлган ҳуқуқдаги ўз улушкини қандай ҳолларда васият қилишга ҳақли?**

- а) қонунда белгиланган ҳолларда; б) хар қандай ҳолатда;
- с) умумий мулкнинг бошқа иштирокчилари рози бўлган ҳолларда;
- д) умумий мулкка эгалик қилиш шартномасида кўрсатилган ҳолларда.

**187. Мерос нима оқибатида очилади?**

- а) фуқаронинг муомалага лаёқатли деб топилиши оқибатида;
- б) фуқаронинг бедарак йўқолиши оқибатида;
- с) фуқаронинг ўлими оқибатида;
- д) фуқаронинг муомала лаёқатли чекланиши оқибатида.

**188. Мерос очилган вақт?**

- а) мерос қолдирувчи муомалага лаёқациз деб топилган кун;
- б) мерос қолдирувчининг қаердалигини аниқлашнинг имкони йўқ деб ҳисобланган кун;
- с) мерос қолдирувчининг ўлган куни;
- д) мерос қолдирувчининг бедарак йўқолган куни.

**189. Қайси жой мероснинг очилиш жойи ҳисобланади?**

- а) мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой;
- б) мерос қолдирувчининг оҳирги доимий яшаб турган жойи;
- с) мерос қолдирувчининг меросхўрлари танлаган жой;
- д) мерос қолдирувчи вафот этган жой.

**190. Қуйидаги фикрлардан қайси бири нотўғри?**

- а) меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ғайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди;
- б) васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли;
- с) вакил орқали тузилган васиятномани васият қолдирувчи томонидан тасдиқлаш талаб қилинмайди;
- д) васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**191. Кимлар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас?**

- а) тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар; саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар; ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар;
- б) нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;
- с) васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (ҳотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;
- д) нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар.

**192. Ким мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига даҳлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас?**

- а) васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс;
- б) нотариус, васиятномани тасдиқлаган ва имзолаган шахс;
- с) меросхўр;
- д) васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро.

**193. Вазиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги?**

- а) вазиятноманинг қолган қисми ҳақиқий эмаслигига олиб келади;
- б) вазиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига даҳл қилмай-ди;
- с) вазиятноманинг умуман ҳақиқийлигига даҳл қилади;
- д) вазиятноманинг қолган қисми ҳақиқий эмасдир.

**194. Қуйидагилардан қайси бири вазиятномани ижро этувчининг мажбурияти эмас?**

- а) меросхўрлар зиммаларига юклатилган вазият мажбуриятларини ижро этиш;
- б) меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;
- с) мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиш;
- д) мерос қолдирувчининг хоҳиши-иродаси ва қонунга мувофиқ меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериш.

**195. Қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислар доирасига кимлар киради?**

- а) бешинчи даража қариндошлар;
- б) олтинчи даража қариндошлар;
- с) тўртинчи даража қариндошлар;
- д) мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз бокимлари.

**196. Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаро-ликхуқиқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган хуқуқни белгилаш асослари қайси жа-вобда нотўғри кўрсатилган?**

- а) Фуқаролик кодекси ва қонунлар асосида;
- б) эътироф этилган фуқаролик хуқуқи таомиллар асосида;

- c) халқаро шартномалар;
  - d) тарафларнинг келишуви асосида.
- 197. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига маҳсус чекловлар қўйган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чекловлар белгилаши нима дейилади?**
- a) тўғри жавоб йўқ;
  - b) апартация;
  - c) реторсия;
  - d) реституция.
- 198. Қайси мамлакат қонуни қочоқнинг шахсий қонуни хиобланади?**
- a) унга бошпана берган мамлакатнинг қонуни;
  - b) қайси давлат фуқароси бўлса ўша мамлакат қонуни;
  - c) у туғилган мамлакат қонуни;
  - d) ўз ихтиёрига кўра танланади.
- 199. Қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган такдирда, бу шартномага нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш асоси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**
- a) мол-мулқдан текин фойдаланиш шартномасида — ссуда берувчи;
  - b) олди-сотди шартномасида — сотиб олувчи;
  - c) пурдат шартномасида — буюртмачи;
  - d) топшириқ шартномасида — топшириқ берувчи.
- 200. Мулқдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот нима деб аталади?**
- a) фермер хўжалиги;
  - b) хусусий корхона;
  - c) оиласий корхона;
  - d) якка тартибдаги тадбиркор.

## **2. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

- 1. Биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича қўйидаги суд ҳужжатларини қабул қиласди?**
  - а) ажрим, ҳукм, қарор;
  - б) ҳал қилув қарори, суд буйруғи;
  - с) ҳал қилув қарори, ажрим;
  - д) ажрим, ҳукм.
- 2. Суд ҳужжатлари тўғри келтирилган жавобни аниқланг?**
  - а) қарор, ажрим, суд буйруғи;
  - б) хабарнома, суд чакирав хатлари, қарор;
  - с) ажрим, қарор, шикоят, сўровнома;
  - д) суд буйруғи, факсограмма.
- 3. Суд томонидан жарима қўлланилганида расмийлаштириладиган ҳужжат бу-?**
  - а) суд буйруғи;
  - б) ҳусусий ажрим;
  - с) қарор;
  - д) ажрим.
- 4. Қўйидагилардан фуқаролик суд ишларини юритиш принципларига кирмайдишиан принцип қайси жавобда келтирилган?**
  - а) суд ҳужжатларининг мажбурийлиги принципи;
  - б) жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи;
  - с) ишларни қонунчилик асосида ҳал қилиш принципи;
  - д) тарафлар тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги приципи.
- 5. Судъяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципининг мазмуни қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**
  - а) судъяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фолиятига бирор-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади;

- б) фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар;
- с) суднинг қонуний кучга кирган ҳужжатлари барча давлат ор-гандари ва бошқа органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда ўзбекистон респу-бликасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим;
- д) фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар ва судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фа-олиятига бирор-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

**6. Қандай ҳолларда суд муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўт-казилади?**

- а) давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълу-мотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда ту-тилган бошқа ҳолларда;
- б) алимент ва фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумот-лар мавжуд бўлган ишлар ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда;
- с) алимент ва оталикни белгилашга доир бўлган маълумотлар мавжуд бўлган ишлар ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда;
- д) давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълу-мотлар мавжуд бўлган ишлар ва Алимент ва оталикни белги-лашга доир бўлган маълумотлар мавжуд бўлган ишлар.

**7. Ишда иштирок этувчи ва суд ишлари юритиладиган тил-ни билмайдиган шахс ишдаги суд ҳужжатлари берилиши-ни сўраб ёзма ариза билан мурожаат этган тақдирда?**

- а) унга қонунчиликда белгиланган тартибда суд харажатлари тўланганидан сўнг суд ҳужжатлари унинг она тилига ёки у биладиган бошқа тилга таржима қилиб топширилади;
- б) унга суд ҳужжатлари унинг она тилига ёки у биладиган бош-қа тилга таржима қилиб топширилади;

- c) унга суд ҳужжатларини топшириш жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғридаги қонун талаблари асосида амалга оширилади;
- d) қонунчиликда белгиланган тартибда давлат божи тўланганидан сўнг унга суд ҳужжатлари унинг она тилига таржима қилиб топширилади.

**8. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик суд ишлари қайси тилда амалга оширилади?**

- a) ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ҳамда муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда;
- б) қорақалпоқ тилида;
- с) ўзбек тилида;
- д) муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда.

**9. Суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда?**

- а) тарафларнинг розилиги билан ошкора ўқиб эшиттирилади; б) ошкора ўқиб эшиттирилади;
- с) апелляция ва кассация инстанцияларида ошкора ўқиб эшиттирилади;
- д) тарафларнинг розилиги билан ошкора ўқиб эшиттирилади ва апелляция ва кассация инстанцияларида ошкора ўқиб эшиттирилади.

**10. Суд муҳокамасининг бевоситалиги ва оғазкилиги бу?**

- а) суд фуқаролик ишини кўраётганда ишга оид далилларни бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, экспертларнинг хуносаларини ва мутахассисларнинг маслаҳатларини эшлиши, ёзма далиллар билан танишиши;
- б) суд фуқаролик ишини кўраётганда ишга оид далилларни бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшлиши, ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши;
- с) суд фуқаролик ишини кўраётганда ишга оид далилларни бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг

тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, экспертларнинг хуносаларини ва мутахассисларнинг маслаҳатларини (тушунтиришларини) эшитиши, ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши;

- д) суд фуқаролик ишини кўраётганда ишга оид далилларни бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, ашёвий далилларни кўздан кечириши.

## **11. Ёпиқ суд мажлисида кимлар иштирок этишга ҳақли?**

- а) иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилаётганида ишда иштирок этувчи шахслар, зарур ҳолларда эса таржимонлар ҳозир бўлади;
- б) иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилаётганида ишда иштирок этувчи шахслар, зарур ҳолларда эса гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам ҳозир бўлади.;
- с) иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилаётганида ишда иштирок этувчи шахслар, зарур ҳолларда эса гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар ва таржимонлар ҳамда судъя томонидан иштирок этиши лозим деб топилган шахслар ҳозир бўлади;
- д) иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилаётганида ишда фақатги- на иштирок этувчи шахслар, зарур ҳолларда эса гувоҳлар ҳо-зир бўлади.

## **12. Низоли муносабатни тартибга соладиган ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда?**

- а) суд низони қонунларнинг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ҳал этади ёки ҳалқаро шартнома қоидаларини қўллайди;
- б) суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини қўллайди, бундай нормалар мавжуд бўлмагандан эса низони чет эл қонунчилиги нормаларини қўллайди;
- с) суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини қўллайди, бундай нормалар мавжуд бўлмагандан эса низони қонунларнинг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ҳал этади.;

д) суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқук нормаларини қўллади, бундай нормалар мавжуд бўлмагандан эса низони Конституцияда белгилаб берилган устувор қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳал этади.

**13. Тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари суд томонидан аниқланиши тамоилии тўғри берилган қаторни топинг?**

- а) суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши керак;
- б) суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини тушунтириши, ишда иштирок этувчи шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишида кўмаклашиши керак;
- с) суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли;
- д) суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишида кўмаклашиши керак.

**14. Судья алмаштирилгандан сўнг?**

- а) ишни кўриш бошидан бошланади;
- б) ишни кўриш давом эттирилади;
- с) тарафларнинг розилиги билан давом эттирилади;
- д) тарафларнинг розилиги билан ишни кўриш давом эттирилади.

**15. Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига?**

- а) йўл кўйилмайди;
- б) ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида, ёхуд кассация инстанцияси судида мазкур кодекс-

нинг 4193-моддасига мувофиқ тақороран кўришда иштирок этиши мумкин;

- c) ишни биринчи инстанция судида кўрган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин;
- d) ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок эт- ган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин.

**16. Қачон суд аризани қабул қилишни рад этади?**

- a) ариза муомалага лаёқати чекланган шахс томонидан берилган бўлса;
- b) вакил томонидан берилган аризага ишончнома илова қилинmasa;
- c) ариза учун давлат божи тўланмаган бўлса;
- d) ариза судда кўришга тааллуқли бўлмаса.

**17. ФПКнинг 21-моддасида келтирилган рад қилиш асосларининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган рад қилиш асослари тадбиқ этиладиган тарафларни кўрсатинг?**

- a) таржимон, мутахассис;
- b) суд мажлиси котиби, прокурор;
- c) прокурор, эксперт;
- d) прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби, таржимон ва мутахассис.

**18. Рад қилиш масаласини ҳал этиш учун судья (суд) алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради ва рад қилишни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида?**

- a) ҳал қилув қарори ва қарор қабул қиласди;
- b) ажрим чиқаради;
- c) қарор қабул қиласди;
- d) ҳал қилув қарори чиқаради.

**19. Қуйидаги қайси иш даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тааллуқлилик турига мансуб эмас?**

- а) оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар;
- б) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар;
- с) ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар;
- д) соғлиққа етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар.

**20. Судловга тааллуқлилик қоидаларига риоя қилмай судга мурожаат қилинган тақдирда, суд ...?**

- а) аризани қайтаради;
- б) аризани кўрмасдан қолдиради ;
- с) аризани қабул қилиб, сўнгра ишни бир суддан бошқа судга ўтказади ;
- д) аризани қабул қилишни рад этади.

**21. Суд судловга тааллуқлилик қоидаларига риоя қилган холда ўзининг юритишига қабул қилиб олган иш, кейинчалик бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлиб қолса?**

- а) ишни бир суддан бошқасига ўтказади ;
- б) мазмунан ҳал қилиши лозим бўлади;
- с) иш юритишини тугатади;
- д) аризани кўрмасдан қолдиради.

**22. Судга тааллуқлилик ва судловга тегишлилик масаласи ФПКнинг қайси бобида назарда тутилган?**

- а) 6-боб;
- б) 4-боб;
- с) 3-боб;
- д) 5-боб.

**23. Ўзаро боғлик бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилганда?**

- а) барча талаблар иқтисодий ишлари бўйича судда кўрилиши керак;
- б) барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши керак;
- с) барча талаблар маъмурӣ ишлари бўйича судда кўрилиши керак;
- д) тарафларнинг илтимосига кўра белгиланади.

**24. Ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш бўйича суд?**

- а) суд бўйруги қабул қиласди;
- б) ажрим чиқаради;
- с) хал қилув қарори чиқаради;
- д) қарор чиқаради.

**25. Судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг?**

- а) аризалар манфаатдор доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади ва ташкилотларга нисбатан аризалар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади;
- б) аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади;
- с) аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки вақтинча машғул бўлган жойдаги судга берилади
- д) ташкилотларга нисбатан аризалар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади .

**26. Яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар... тақдим этилиши мумкин.**

1. унинг мол-мулки турган жойдаги ёки унинг маълум бўлган сўнгти яшаган жойидаги судга
  2. ижро этиш жойи кўрсатилган шартномалардан келиб чиқадиган даъволар шартномани ижро этиш жойидаги судга
  3. турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир нечта жавобгарга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан даъво даъвогарга нисбатан жавобгарлардан бири энг яқин худудда яшайдиган ёхуд давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга?
- а) 1 ва 2;
  - б) 2 ва 3;
  - с) 1 ва 3;
  - д) 1, 2, 3.

**27. Судловга тегишлиликнинг алоҳида ҳоллари нотўғри кўрсатилиаги қаторни топинг?**

- а) кемалар тўқнашуви натижасида етказилган заарнинг ўрни- ни қоплаш тўғрисидаги, шунингдек сувда ёрдам берганлик ва қутқарганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъволар ҳам жавобгарнинг кемаси турган ёки кема рўйхатга олинган порт жойлашган ердаги судга ҳам тақдим этилади;
- б) иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар иморат, мол-мулк ёки ер майдони жойлашган ердаги суднинг судловига тааллуқлидир;
- с) мерос қолдирувчининг кредиторлари ворислар томонидан мерос қабул қилингунига қадар тақдим этган даъволар мерос мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган ердаги суднинг судловига тегишилдир;
- д) йўловчиларни, юкларни ёки багажни ташиш шартномалиридан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар белгиланган тартибда талабнома тақдим этсанда транспорт ташкилотининг органи давлат рўйхатидан ўтган ерда тақдим этилади.

**28. Келишилган судловга тегишлилик қайси ҳолда мумкин эмас?**

- а) ФПКнинг 34-моддасида кўрсатилган ҳолларда; б)
- ФПКнинг 35-моддасида кўрсатилган ҳолларда; с)
- ФПКнинг 36-моддасида кўрсатилган ҳолларда; д)
- тўғри жавоб келтирилмаган.

**29. Барча фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати бу?**

- а) юридик лаёқат;
- б) муомила лаёқати;
- с) ҳуқуқ лаёқати;
- д) муомила лаёқати ва юридик лаёқат.

- 30. Судда ўз ҳуқук ва мажбуриятларини амалга ошириш ла-  
ёқати кимларга тегишли?**
- а) барча фуқароларга;
  - б) вояга етган фуқароларга ва барча фуқароларга;
  - с) вояга етган фуқароларга;
  - д) ташкилотларга.
- 31. Вояга етмаган шахс неча ёшга етганда қонунчиликда  
белгиланган тартибда муомалага тўла лаёқатли деб эъ-  
лон қилинган (эмансипация) қилинган тақдирда, судда ўз  
хуқуqlари ва мажбуриятларини шахсан амалга ошири-  
ши мумкин?**
- а) 14;
  - б) 16;
  - с) 13;
  - д) 17.
- 32. Ўн тўрт ёшга тўлмаган кичик ёшдаги болаларнинг, шу-  
нингдек руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли муомалага  
лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг хуқуqlари ва қо-  
нун билан қўриқланадиган манфаатларини судда улар-  
нинг ..... химоя қилади. Нуқталар ўрнини тўлдиринг?**
- а) қонуний вакиллари — ота-оналари, уларни фарзандликка ол-  
ганлар ёки васийлар;
  - б) қонуний вакиллари — ота-оналари, уларни фарзандликка ол-  
ганлар ёки ҳимоячи;
  - с) қонуний вакиллари — ота-оналари, уларни фарзандликка ол-  
ганлар ёки прокурор;
  - д) қонуний вакиллари — ота-оналари, уларни фарзандликка ол-  
ганлар ёки адвокат.
- 33. Процессда биргаликда иштирок этишга қайси ҳолларда  
йўл қўйиладими?**
1. низо предмети бир нечта даъвогарнинг ёки жавобгарнинг уму-  
мий хуқуqlари ёки мажбуриятлари бўлса;
  2. бир нечта даъвогарнинг ёки жавобгарнинг хуқуқ ва мажбурият-  
лари турли асосга эга бўлса;

3. низо предмети бир турдаги ҳуқук ва мажбуриятлардан иборат бўлса;

- a) 1 ва 3;
- б) 2 ва 3;
- c) 2;
- д) 1 ва 2.

**34. Ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилгандан сўнг?**

- a) суд бу шахсни шерик жавобгар сифатида ишга жалб этади;
- б) ишни кўриш бошидан бошланади;
- c) ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради;
- д) ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қиласди.

**35. Тараф ҳуқуқий ворис билан алмаштирилгандан сўнг суд процесси?**

- a) бошидан бошланади;
- б) алмаштириш амалга оширилган босқичдан давом эттирилади;
- c) тарафларнинг розилиги билан давом эттирилади;
- д) ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

**36. Ишга дахлдор бўлмаган жавобгар алмаштирилгандан сўнг?**

- a) ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қиласди;
- б) ишни кўриш бошидан бошланади;
- c) ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради;
- д) суд бу шахсни шерик жавобгар сифатида ишга жалб этади.

**37. Тараф ҳуқуқий ворис билан алмаштирилгандан сўнг суд процесси?**

- a) бошидан бошланади;
- б) алмаштириш амалга оширилган босқичдан давом эттирилади;
- c) тарафларнинг розилиги билан давом эттирилади;
- д) ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

**38. Процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиш асослари қайси жавобда нотўғри берилган?**

- а) бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш;
- б) фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши;
- с) фуқаронинг муомала лаёқатини йўқотиши;
- д) қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши.

**39. Агар низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ишга суд муҳокамаси бошланганидан сўнг киришган бўлса?**

- а) алмаштириш амалга оширилган босқичдан давом эттирила-ди;
- б) тарафларнинг розилиги билан давом эттирилади; с)
- ишни кўриш бошидан бошланади;
- д) ишни кўриш давом эттирилади.

**40. Ким даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиш ва унинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олишга ҳакли?**

- а) таржимон;
- б) учинчи шахслар;
- с) прокурор;
- д) мутахассис.

**41. Суд процессида прокурорнинг иштироки ҳақидаги нотўғри фикрни аниқланг?**

- а) агар фуқаро соғлигининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабаблар-га кўра судда ўз ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга;
- б) прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўззатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этишга ҳақли;

- с) прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра қўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этишга ҳақли;
- д) прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

**42. Прокурорнинг фуқаролик ишида иштирок этиш шаклларини кўрсатинг?**

- а) бошқа шахслар томонидан қўзғатилган ишларда процесснинг исталган босқичида иштирок этиш орқали;
- б) фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра қўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этиш орқали;
- с) даъво қўзғатиш йўли билан;
- д) суд ва прокурор ўзи лозим деб топганда.

**43. Одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи шахслар тўлиқ келтирилган қаторини топинг?**

- а) прокурор, гувохлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилар;
- б) гувохлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилар;
- с) гувохлар, экспертлар, мутахассислар, учинчи шахслар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилар;
- д) гувохлар, экспертлар, мутахассислар, медиаторлар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилар.

**44. Қуйидагилардан ким гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмас?**

- а) таржимон;
- с) медиатор;
- б) эксперт;
- д) мутахассис.

#### **45. Кимлар гувоҳ бўла олмайди?**

1. жисмоний ёки руҳий нуқсони сабаб фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатув беришгалаёқатсиз шахслар
2. вакил ёки ҳимоячи вазифасини бажариши муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида – фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жиноят ишлари бўйича ҳимоячилар
3. ишга доир бирор бир ҳолатдан хабардор бўлган шахс?
  - a) 1 ва 2;
  - б) 1;
  - c) 2;
  - д) 3.

#### **46. Эксперт бу?**

- а) ишга доир бирор ҳолатдан хабардор бўлган ҳар қандай шахс;
- б) далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билим ва кўнимкага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда иштирок эта оладиган шахс;
- с) хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс;
- д) далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билим ва кўнимкага эга бўлган шахс

#### **47. Конуний вакиллик деб нимага айтилади?**

- а) муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфатларини судда уларнинг ҳимоя қиласидаган шахслар (адвокатлар, юридик шахсларнинг ходимлари, васийлар, ҳомийлар);

- б) муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг ҳимоя қиласидиган шахслар (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар);
- с) муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда ҳимоя қиласидиган шахслар (прокурорлар, васийлар, ҳомийлар);
- д) муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг ҳимоя қиласидиган шахслар (насл-насад шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари).

**48. Далилларни тақдим этиш мажбурияти кимга юклатилган?**

- а) тарафларга;
- б) ишда иштирок этувчи шахсларга;
- с) қарздорга;
- д) ишда иштирок этувчи учинчи шахсларга.

**49. Далилларни таъминлашдан мақсад нима?**

- а) суд чиқарган ҳал қилув қарорларининг ижроси қийинлашишини олдини олиш;
- б) фуқаролик ишини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;
- с) иш учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолишини олдини олиш;
- д) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни судга тақдим этиш.

**50. Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза кимга берилади?**

- а) ишни кўраётган судга;
- б) далилларни таъминлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган худудда фаолият олиб бораётган судга;

- с) қарздор жойлашган худуддаги судга;
- д) тарафларга энг яқин судга.

**51. Аризачи далилларни таъминлаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этишга қачон ҳақли?**

- а) иш қўзғатилгандан кейин;
- б) иш қўзғатилгандан олдин ҳам, кейин ҳам;
- с) иш қўзғатилишидан олдин;
- д) иш қўзғатилгандан кейин фақат суднинг рухсати билан.

**52. Далилларни таъминлаш масалаларига доир ажрим устидан шикоят қилиш нотўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

- 1. далилларни таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин;
  - 2. далилларни таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин;
  - 3. далилларни таъминлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин эмас?
- а) 1;
  - б) 1 ва 3;
  - с) 2;
  - д) 1, 2, 3.

**53. Ҳар бир далил қандай баҳоланиши лозим?**

- а) далилларнинг мажмуи эса етарлилик нуқтаи назаридан;
- б) алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан;
- с) алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса етарлилик нуқтаи назаридан;
- д) алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса етарлилик ва тўғрилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

**54. Тўғри фикр келтирилган қаторни топинг?**

- а) ҳар бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга;
- б) агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб топилади;

- c) суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисига қадар қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафла-ма, тўлиқ ва холис кўриб чиқишига асосланган ҳолда қонунда кўрсатилган тартибдагина баҳо беради, бунда суднинг ички ишончига таянилмаслиги лозим;
- d) суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисига қадар қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишига асосланган ҳолда ички ишончига асосан баҳо беради.

**55. Далилларга баҳо бериш ФПКнинг қайси моддасида кўрсатилган?**

- a) 80-модда;
- б) 88-модда;
- c) 67-модда;
- d) 75-модда.

**56. Гувоҳларни уларнинг яшаш жойларида сўроқ қилишга йўл қўйиладими?**

- a) гувоҳлар ишни кўриб чиқаётган суд мажлисига келган тақдирда, улар суд томонидан сўроқ қилинади. қолган барча ҳолларда уларни яшаш манзилида сўроқ қилинишига йўл қўйилмайди;
- б) суд жойлашган ердан ташқарида доимий яшайдиган ва узрли сабабларга кўра суд мажлисига келиш имконига эга бўлмаган гувоҳлар мажбуран суд мажлисига олиб келинишлари шарт;
- c) гувоҳларни уларнинг яшаш жойларида сўроқ қилишга йўл қўйилмайди;
- д) суднинг ташаббуси билан, тарафларнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномасига кўра ёхуд гувоҳнинг ўз илтимосномаси бўйича, ишни кўриб чиқаётган суднинг топшириғига биноан ўзлари яшаб турган жойдаги суд томонидан ёки видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда сўроқ қилиниши мумкин.

**57. Ёзма далиллар деб қандай далилларга нисбатан айтилади?**

- а) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, гувоҳларнинг тушунтиришлари, сўроқ баённомалари, шартномалар, маълумотномалар, ишга оид ёзишмалар, рақамли, график ёзув шаклида бажарилган ҳужжатлар ва материаллар, шу жумладан факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган бошқа ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллардир;
- б) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотномаларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, ишга оид ёзишмалар, рақамли, график ёзув шаклида бажарилган ҳужжатлар ва материаллар, шу жумладан факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган бошқа ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллардир;
- с) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, ишга оид ёзишмалар, аноним тарзда юборилган маълумотлар, рақамли, график ёзув шаклида бажарилган ҳужжатлар ва материаллар, шу жумладан факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган бошқа ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллардир;
- д) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, ишга оид ёзишмалар, рақамли, график ёзув шаклида бажарилган ҳужжатлар ва материаллар, шу жумладан факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган бошқа ҳужжатлар, чет давлатда олинган легализация килинмаган ҳужжат ва материаллар ёзма далиллардир.

**58. Қандай холларда чет давлатда олинган хужжат легализация қилинмасдан судда ёзма далил деб тан олинади?**

- а) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда;
  - б) судда тарафларнинг барчасининг розилиги билан эътироф этилган ҳолларда;
  - с) бевосита прокурор томонидан тақдим этилган тақдирда;
  - д) барча ҳолларда легализация қилиниши шарт.

**59. Ёзма далиллар шаклига кўра қуидаги турларга бўлина-ди?**

- а) ҳақиқий асли ва нусхаси;
  - б) алоҳида ва ҳусусий;
  - с) расмий ва оддий;
  - д) расмий ва ҳусусий.

60. Агар шахс, суд ундан талаб қилаётган ёзма далилни тақдим этиш ёки суд томонидан белгиланган муддатда тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса, у суднинг сўровини олган кундан эътиборан неча кунлик муддат ичida бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда судни хабардор қилиши шарт?

- а) 3 кун;
  - б) 7 кун;
  - с) 5 кун;
  - д) 15 кун.

61. Экспертизанинг ўтказилиш турлари түғри күрсатылған категорни топинг?

**62. Комплекс экспертизага тааллуқли бўлмаган фикрни топинг?**

- а) экспертлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликларни келтириб чиқарган барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хуласа беради;
- б) комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар-ни турли билим соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир нечта текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади;
- с) экспертлар умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хуласани ёки хуласа беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатномани тузади ва имзолайди;
- д) экспертларнинг ҳар бири хуласанинг ўз текширишлари баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

**63. Қайта экспертиза. тайинланади?**

- а) қоидалари жиддий равишда бузилганда;
- б) эксперт (экспертлар комиссияси) хуласаси асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал;
- с) эксперт (экспертлар комиссияси) хуласасидаги бўшлиқлар ўрнини тўлдириш учун тайинланади;
- д) иш муҳокамаси чоғида келиб чиқсан, фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласиган масалаларни қўшимча тушунтириш учун.

**64. Суд топшириғи ажрим билан расмийлаштирилиб, унда кўриб чиқилаётган ишнинг моҳияти, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарадиган суд тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилиди. Бу ажрим қайси суд номига йўлланган бўлса, ўша суд учун мажбурий бўлиб, неча кунлик муддат ичida бажарилиши лозим?**

- а) 10 кунлик;
- б) 15 кунлик;

- с) 1 ойлик;
- д) 7 кунлик.

**65. Мутахассиснинг маслахати (тушунтириши)лари қандай шаклда бўлади?**

- а) мутахассис судга фақат оғзаки шаклда маслаҳат (тушунтириш) беради;
- б) мутахассис судга оғзаки ёки ёзма, электрон шаклда маслаҳат (тушунтириш) беради;
- с) мутахассис судга оғзаки ёки ёзма шаклда маслаҳат (тушунтириш) беради;
- д) мутахассис судга фақат электрон шаклда маслаҳат (тушунтириш) беради.

**66. Даъвони таъминлаш чораси тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

- а) мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво арз қилинган тақдирда, уни реализация қилишни тўхтатиш;
- б) низоли мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсга (сақловчига) топшириш;
- с) бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш;
- д) даъвонинг иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендияни хатлаш йўли билан таъминланишига барча ҳолларда йўл қўйилмайди.

**67. Даъвони таъминлаш чораларига оид нотўғри фикрни топинг?**

- а) низоли мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсга (сақловчига) топшириш;
- б) зарур ҳолларда, суд даъвони таъминлаш чорасининг бир неч-та турини қўллаши мумкин, лекин уларнинг умумий суммаси даъвонинг баҳосидан ошиб кетмаслиги керак;
- с) зарур ҳолларда, суд (судья) даъвони таъминлаш бўйича бо- шқа чоралар ҳам кўриши мумкин;

д) даъвонинг иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендияни хатлаш йўли билан таъминланишига барча ҳолларда йўл қўйилмайди.

**68. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш қачондан ва қай тарзда бошланади?**

- а) даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза судья (суд) томони- дан ариза тушган куниёқ жавобгарни ва ишда иштирок этув-чи бошқа шахсларни хабардор қилган ҳолда ҳал қилинади;
- б) даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза судья (суд) томони- дан ариза тушган куниёқ жавобгарни ва ишда иштирок этув-чи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал қилинади;
- с) даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза судья (суд) томони- дан ариза тушган куннинг эртасидан жавобгарни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал қилинади;
- д) даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза судья (суд) томони- дан ариза тушган кундан сўнг З кунлик муддат ичida жавобгарни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилган ҳолда ҳал қилинади.

**69. Шикоят қилиш мумкин бўлган суд ажримини кўрсатинг?**

- а) эр ва хотинга ярашиш учун муҳлат бериб, ишни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим;
- б) даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим;
- с) далилларни таъминлаш тўғрисидаги ажрим;
- д) мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсни ишга жалб қилиш тўғрисидаги ажрим.

**70. Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи?**

- а) жавобгар-фукаро ўзбекистон республикаси қуролли кучларнинг харакатдаги қисмида бўлганда;
- б) тараф ўзбекистон республикаси қуролли кучлари таркиби- да муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётганда ёки мазкур шахслар давлатнинг бирор- бир мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда;

с) фуқаро муомала лаёқатини юқотганда;  
д) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмидаги даъвогар-фуқаро тегишли илтимоснома билан мурожаат қилганда.

**71. Агар ишда жавобгар бўлган фуқаро вафот этиб, низоли хуқуқий муносабат хуқуқий ворисликка йўл қўймаса, суд қандай ажрим чиқаради?**

- а) иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- б) иш юритишни кейинга қолдириш тўғрисида;
- с) даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;
- д) иш юритишни тугатиш тўғрисида.

**72. Суд иш юритишни тўхтатиб туриши шарт бўлмаган ҳолат қайси қаторда кўрсатилган?**

- а) медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилганда;
- б) тарафлардан бири ўзбекистон республикасидан ташқарида, яъни чет элда доимий истиқомат қилиб келганида;
- с) ишда тараф бўлган фуқаро вафот этганда, агар низоли хуқуқий муносабат хуқуқий ворисликка йўл қўйса ёки ишда тараф бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда;
- д) тараф чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ёки унинг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида чет давлатнинг ваколатли органига илтимоснома берганда.

**73. Тараф даволаш муассасасида бўлганда, шунингдек тарафлардан бирида судга келишга тўсқинлик қиласиган, тиббиёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлганда ишни тўхтатиб туриш вақти қачонгача давом этади?**

- а) тараф даволаш муассасасидан чиққунига ёки тарафнинг су-дга келишига тўсқинлик қилаётган касаллик тузалгунига қа-дар ёхуд 2 йиллик муддатдан ортиқ бўлмаган муддатгача;

- б) тараф даволаш муассасасидан чиққунига ёки тарафнинг су- дга келишига тўсқинлик қилаётган касаллик тузалгунига қа- дар;
- с) тараф даволаш муассасасидан чиққунига ёки тарафнинг су- дга келишига тўсқинлик қилаётган касаллик тузалгунига қа- дар ёхуд 1 йиллик муддатдан ортиқ бўлмаган муддатгача;
- д) тараф даволаш муассасасидан чиққунига ёки тарафнинг су- дга келишига тўсқинлик қилаётган касаллик тузалгунига қа- дар ёхуд 6 ойлик муддатдан ортиқ бўлмаган муддатгача.

#### **74. Тўғри жавобни топинг?**

- а) суднинг иш юритиши тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин эмас;
- б) иш юритиши тўхтатиб турилганида, фпқда белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатларнинг ўтиши тўхтатиб турилади;
- с) иш юритиши тиклангунига қадар суд процессуал ҳаракатлар- ни амалга оширишга ҳақли, бундан даъвони ва далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мустасно;
- д) тараф даволаш муассасасидан чиққунига ёки тарафнинг суд- га келишига тўсқинлик қилаётган касаллик тузалгунига қа- дар ёхуд 2 йиллик муддатдан ортиқ бўлмаган муддатгача.

#### **75. Аризани кўрмасдан қолдириш асосларига зид бўлган холатни топинг?**

- а) даъвогар томонидан низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаган, башарти бу конунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- б) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; с) ариза муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакили томонидан берилган бўлса;
- д) тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса.

#### **76. Аризани кўрмасдан қолдириш тартиби ва оқибатларига доир тўғри фикрни топинг?**

- а) аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд ажрим чиқа- ради.  
Ажримда суд ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қила- ётган, ушбу Кодекс 122-моддасининг 2, 5, 6, 7, 8, 10, 101 ва 11-бандларида санаб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиши шарт эмас;
- б) ФПКнинг 122-моддасининг 5, 6, 7 ва 102-бандларида назарда тутилган асослар бўйича аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги суд ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин;
- с) аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли эмас;
- д) барча жавоблар тўғри.

**77. Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин?**

- а) фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига мувофиқ ёки суднинг ташаббуси билан тикланади;
- б) иш кўриш янгидан бошланади;
- с) манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли;
- д) қайси босқичда ариза кўрмасдан қолдирилган бўлса, ишни кўриб чиқиш шу босқичдан давом этирилади.

**78. Аризани кўрмасдан қолдириш асослари ФПКнинг қайси моддасида келтирилган?**

- а) 122-моддаси;
- б) 118-моддаси;
- с) 124-моддаси;
- д) 130-моддаси.

**79. Суд қуйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этиди, агар?**

- а) манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;
- б) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

- с) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса;
- д) манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса.

**80. Суд харажатларини нима ташкил қиласди?**

- а) чиқимлар ва даъво қиймати;
- б) давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар;
- с) давлат божи ҳамда тўловлар;
- д) турли тўловлар ва пуллар.

**81. Ундириш билан боғлиқ бўлган даъво турлари тўғри кўрсатилиган қаторни белгиланг?**

- а) мулкка нисбатан эгалик хуқуқини олиш тўғрисидаги даъво;
- б) оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво;
- с) асарнинг муаллифи деб топиш тўғрисидаги даъво;
- д) алимент ундириш тўғрисидаги даъво.

**82. Қайси холатда тўланган давлат божи қайтарилимайди?**

- а) фуқаролик иши фпкнинг 122-моддаси 5,6-бандларига мувафик кўрмасдан қолдирилганида;
- б) даъво талаблари қисман қаноатлантирилганда;
- с) даъвогар ўз талабларини камайтирган, арз қилинган талаблардан воз кечган, тарафлар ишни келишув битими билан тамомланган ҳолларда;
- д) даъвогар томонидан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза берилган бўлса.

**83. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья қўйидаги қайси ҳаракатни амалга оширмайди?**

- а) ишни кўришда вакилларнинг қатнаниш масаласини ҳал қилиш;
- б) суд харажатларининг тақсимоти масаласини ҳал қилиш;
- с) бошқа судларга суд топшириқларини юбориш;
- д) ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш.

**84. Келишув битимини тасдиқлаш суд томонидан қайси ҳолларда рад этилади?**

- а) иш бүйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқи йимуносабат ҳуқукий ворисликка йўл қўймаса;
- б) иш бўйича тараф бўлиб қатнашаётган ташкилот тутатилган бўлса;
- с) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; д) қонун хужжатларига зид бўлса ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса.

**85. Фуқаролик процессида суд буйруғини чиқариш учун асос бўлмайдиган ҳолатни аниқланг?**

- а) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса; б) агар талаб ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлса;
- с) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан учунчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб билан арз қилинган бўлса;

**86. Фуқаролик ишлари бўйича суд буйруғи - бу?**

- а) суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйи-ча қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судьянинг судда ишни кўрмасдан чиқарган хужжатидир;
- б) мансабдор шахслар зиммасига ишга оид муҳим хужжатларни судга тақдим этиш мажбуриятини юкловчи суднинг хужжатидир;
- с) қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратил-ган судья томонидан чиқарилган хужжатидир;
- д) далилларни таъминлаш мақсадида бир суднинг бошқа судга юборган топшириғидир.

- 87. Фуқаролик процессида қайидаги қайси ҳолатларда суд буйруғи чиқарилиши мүмкін эмас?**
- а) ҳисобланған лекин ходимга тұлғанмаган тұловларни ундириш ҳақидаги талаб;
  - б) ёзма шартномага асосланған сафарбарлық чакируд резервида хизматни ўташ учун пул бадалини ундириш ҳақидаги талаб;
  - с) вояга етмаган фарзанд таъминоти учун қатый суммада алимент ундириш ҳақидаги талаб;
  - д) коммунал хизматлар тұлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб.
- 88. Фуқаролик процессида судья томонидан суд буйруғини бериш тұғрисидаги аризани қабул қилишни рад этишга асос бўлмайдиган ҳолатни аниқланг?**
- а) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; б) қарздор Ўзбекистон Республикаси судлари юрисдикцияси доирасидан четда бўлса;
  - с) ҳукуқ тұғрисида низо мавжуд деб ҳисобланса; д) ариза прокурор томонидан берилган бўлса.
- 89. Қарздор қанча муддат ичида суд буйруғи устидан эътиroz билдиришга ҳақли?**
- а) суд буйругининг күчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда;
  - б) суд буйруғи чиқарилган кундан эътиборан беш кунлик муддатда;
  - с) суд буйруғи чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда;
  - д) суд буйруғи нусхасини олган кундан эътиборан уч кунлик муддатда.
- 90. Суд томонидан даъво ишини юритиш тартибида қўриладиган ишларга қайси турдаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар бўйича ишлар киради?**
- а) меҳнат, шартнома ва оила муносабатлардан келиб чиқадиган муносабатлар;

- б) фуқаролик, мәхнат, оилавий, уй-жой ва бошқа хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар бўйича ишлар;
- с) оилавий, уй-жой муносабатлардан келиб чиқадиган муносабатлар;
- д) фуқаролик, мәхнат хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган муносабатлар

**91. Судя аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қўйидаги ҳолларда қайтаради, агар?**

- а) фуқаролик ишлари бўйича суднинг, иқтисодий суднинг ёки ма’мурий суднинг ёхуд чет давлат ваколатли судининг айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирганд ҳал қилув қарори ёки да’вогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрими мавжуд бўлса;
- б) фуқаролик ишлари бўйича суднинг, ҳакамлик судининг иш юритишида айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо;
- с) иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса;
- д) айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик судининг қабул қилинган, қонуний кучга кирганд ҳал қилув қарори бўлса, бундан фуқаролик ишлар бўйича суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этган ҳоллар мустасно.

**92. Бита аризада бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса, башарти бў талаблар ўзаро боғлиқ бўлмаса судья?**

- а) Аризани қайтаради;
- б) Иш иш юритишдан тугатилади;
- с) Ариза кўрмасдан қолдирилади;
- д) Ариза иш юритишга қабул қилинмайди.

- 93. Жавобгар дастлабки даъво билан биргаликда қўриб чиқиш учун даъвогарга нисбатан қарши даъво тақдим этишга ҳақли?**
- а) суд томонидан иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар;
  - б) барча суд босқичларда;
  - с) суд маслаҳатга чиқгунига қадар;
  - д) биринчи суд мажлиси кунига қадар.
- 94. Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш қандай муддатда амалга оширилиши керак?**
- а) Ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан ўн икки кунлик муддатдан кечиктирмай;
  - б) Ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатдан кечиктирмай;
  - с) Ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатдан кечиктирмай;
  - д) фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатдан кечиктирмай бироқ алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғликқа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек бокувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган заарнинг ўрнини қоплаш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар тўғрисидаги ишлар мустасно.
- 95. Аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги, аризани қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масала судья томонидан у судга келиб тушган кундан эътиборан қанча муддатда тегишли ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилиши лозим?**
- а) ўн кун муддатдан кечиктирмаган ҳолда;
  - б) бир ҳафта муддатдан кечиктирмаган ҳолда;
  - с) йигирма кун муддатдан кечиктирмаган ҳолда;
  - д) ўн беш кун муддатдан кечиктирмаган ҳолда.

**96. Суд томонидан аризани ва қарши даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ва қайтариш тартиби қандай?**

- а) суд аризани қабул қилишни рад этиш ва қайтариш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилади;
- б) суд аризани қабул қилишни рад этиш ва қайтариш ҳақида қарор қабул қилади;
- с) суд аризани хат билан муаллифига қабул қилиш рад этилганилиги ва қайтарилганилиги ҳақида хат билан маълум қилади;
- д) суд аризани қабул қилишни рад этиш ва қайтариш ҳақида ажрими чиқаради.

**97. Судья ишни суд мухокамасига тайёрлаш тартибida қўйидаги ҳаракатлардан қайси бирини амалга оширади?**

- а) тарафларнинг ҳуқукий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлайди;
- б) шерик даъвогарларнинг, шекрик жавобгарлар ва учинчи шахсларнинг ишга киришиши тўғрисидаги асалани ҳал қилади;
- с) ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлайди;
- д) низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлайди.

**98. Судья аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарганидан сўнг ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни?**

- а) суд маслахатига тайёрлайди;
- б) суд мухокамасига тайёрлайди;
- с) суд мулоҳазасига тайёрлайди;
- д) суд музокарасига тайёрлайди.

**99. Фуқаролик ишларини суд мухокамасига тайёрлашни мухим шарти бу?**

- а) ариза қабул қилиш ва фуқаролик ишини мухокама қилиш;
- б) ариза қабул қилиш ва фуқаролик иши қўзғатиш;
- с) ариза қабул қилиш ва фуқаролик ишини музокара қилиш;
- д) ариза қабул қилиш ва фуқаролик ишини тафтиш қилиш.

**100. Фуқаролик ишларини суд мухокамасига тайёрлаш ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши қўзғатилган кундан эътиборан қанча муддатдан кечиқтирмай амалга оширилиши керак?**

- а) ўн беш кунлик муддат;
- б) ўн кунлик муддат;
- с) йигирма кунлик муддат;
- д) етти кунлик муддат.

**101. Алоҳида ҳолларда, ўта мураккаб ишлар бўйича судья-нинг асослантирилган ажримига биноан ишни тайёрлаш босқичи йигирма кунга узайтирилиши мумкин, бундан мустасно бўлган холатлар қайсилар?**

- а) турар жойга мажбурий тартибда киритиш ҳақидаги;
- б) алимент ундириш ҳақидаги;
- с) болани ўз тарбиясига олиш ҳақидаги;
- д) Ноқонуни курилмани бузиш ҳақидаги.

**102. Суд қайси босқичда арз қилинган талабларидан воз ке-чиш ҳуқуқини ҳамда воз кечишнинг ҳуқуқий оқибатла-рини тушунтиради?**

- а) Ишни қўзғатиш босқичида;
- б) Аризани қабул қилиш босқичида;
- с) Ишни тайёрлаш босқичида;
- д) Ишни тайинлаш босқичида.

**103. Судья ишни суд мухокамасига тайёрлаш тартибида қуйидаги қандай ҳаракатларни амалга оширади?**

- а) тарафларни суд музокарасига тайёрлайди;
- б) тарафларни яраштириш чораларини кўради;
- с) тарафларни суд маслаҳатига тайёрлайди;
- д) тарафларни суд муроҳазасига тайёрлайди.

**104. Судъянинг ишни суд мухокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлари қандай процессуал хужжат билан расмий-лаштирилади?**

- а) хусусий ажрим;
- б) ажрим;
- с) буйруқ;
- д) баённома.

- 105. Суд процессининг бошқа иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш юзасидан маълумотлар қандай хужжатда ўз аксини топади?**
- а) аризани қабул қилиш ажримида;
  - б) ишни тайёрлаш ажримида;
  - с) ишни тайинлаш ажримида;
  - д) ишни қўзғатиш ажримида.
- 106. Ишлар суд мухокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади. Лекин бу муддат судьянинг асослантирилган ажримига кўра қанчага чўзилиши мумкин бўлади?**
- а) бир ойгача;
  - б) икки ойгача;
  - с) уч ойгача;
  - д) тўрт ойгача.
- 107. Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиқقا бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати би-лан етказилган заарнинг ўринини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишлар суд мухокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан қанча муддатда суди томонидан кўрилиши керак бўлади?**
- а) ўн кундан кечиктирмай;
  - б) йигирма кундан кечиктирмай;
  - с) ўн беш кундан кечиктирмай;
  - д) йигирма беш кундан кечиктирмай.
- 108. Суд мажлисини оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилиш тартиби қандай?**
- а) суд мажлисини оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилишга фақатгина дъявогар ёки жавобгарлардан бирининг розилиги етарли ҳисобланади;

- б) суд мажлисини оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилишга фақатгина ишда иштирок этувчи тарафлар рози бўлсагина йўл қўйилади;
- с) суд мажлисини оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилишга раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади;
- д) суд мажлисини оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилишга ишда иштирок этувчи шахслар розилиги ва раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

**109. Суд мажлисини оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилишга рухсат этилган тақдирда бу ҳаракатларни амалга ошириш тартиби ва муддати қанча?**

- а) бу ҳаракатлар суд мажлиси залида фақат раислик қилувчи ва ишда иштирок этувчи ларлар томонидан кўрсатилган жойдан туриб амалга оширилиши лозим ва вақт бўйича чегараланиши мумкин эмас;
- б) бу ҳаракатлар суд мажлиси залида оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан исталган жойда туриб амалга оширилиши лозим ва вақт бўйича чегараланмаган;
- с) бу ҳаракатлар суд мажлиси залида фақат ишда иштирок этувчи шахслар кўрсатган жойдан туриб амалга оширилиши ло-зим ва вақт бўйича чегараланиши мумкин эмас;
- д) бу ҳаракатлар суд мажлиси залида фақат раислик қилувчи томонидан кўрсатилган жойдан туриб амалга оширилиши ло-зим ва вақт бўйича чегараланиши мумкин.

**110. Неча ёшга тўлмаган фуқаролар, агар улар иштирок этувчи шахслар ёки гувоҳлар бўлмаса, суд мажлиси залига қўйилмайди?**

- а) ўн тўрт ёшга тўлмаган;
- б) ўн олти ёшга тўлмаган;
- с) ўн саккиз ёшга тўлмаган;
- д) ўн икки ёшга тўлмаган.

**111. Судья ёрдамчисининг (катта ёрдамчисининг) ишни суд мухокамасига тайёрлаш бўйича харакатлари тўғри кўрсатилиган қаторни белгиланг?**

- а) суд баённомаларини фақат ўзи имзолайди; б) тарафлар билан сухбат ўтказиш;
- с) суднинг ҳал килув қарорини тайёрлаш;
- д) судьяга келиб тушган аризаларни ўрганади ва уларни кўриши юзасидан таклифлар киритади, суд хужжатлари лойихаларини тайёрлайди, ишни суд мухокамасига тайёрлаш вазифаларини ҳал қилишда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашда ва бошқа шахсларни жалб қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда иштирок этади, суд процессини тайёрлашни ва ўтказишини ташкил этишда иштирок этади.

**112. Ишлар суд мухокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан қанча муддатда суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади?**

- а) ишлар суд мухокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади;
- б) 2 ой;
- с) 3 ой;
- д) муддат белгиланмаган.

**113. Фуқаролар суд мажлиси залига неча ёшдан бошлаб киришларига йўл қўйилади?**

- а) 16 ёшдан бошлаб;
- б) 14 ёшдан бошлаб;
- с) 16 ёшдан бошлаб ва агар улар ишда иштирок этувчи шахслар ёки гувоҳлар бўлса, суд мажлиси залига неча ёшга кирганлигидан қатий назар қўйилади.
- д) агар улар ишда иштирок этувчи шахслар ёки гувоҳлар бўлса, суд мажлиси залига неча ёшга кирганлигидан қатий назар қўйилади.

- 114. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни муҳокама қилиш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича илтимосномалари қандай тартибда ва муддатларда ҳал қилинади?**
- а) ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикр-мулоҳазалари сўралади;
  - б) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикр-мулоҳазала-ри эшитилганидан кейин суднинг ажрими билан ҳал қилина-ди;
  - с) илтимосни ҳал қилиш учун суд мажлисида элон қиласи; д) суд ўз ўрнида оғзаки ҳал қиласи.
- 115. Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган тақдирда ҳам суд ишни кўришга ҳақли агар?**
- а) агар ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлиб, суд узрли деб топган сабабларга кўра келмаган бўлса;
  - б) ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган тақдирда, уларга суднинг чақирув қоғози ёки бошқа хабарномалар топширилганлиги (етказиб беришганлиги) тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлмаса;
  - с) агар жавобгарнинг келмаганлиги сабаблари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки суд келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёхуд жавобгар иш юритилишини қасдан чўзаётган бўлса;
  - д) агар ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлиб, суд узрли деб топган сабабларга кўра келмаган бўлса.
- 116. Даъвогар иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаса?**
- а) суд иш муҳокамасини кейинга қолдиради;
  - б) суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли;

- c) суд ишни тугатади;
  - d) суд иш муҳокамасида танаффус эълон қилади.
- 117. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича хам узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, қандай оқибатлар вужудга келади?**
- a) суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдирди;
  - b) суд ишни кўришни кейинга қолдирди;
  - c) иш кўришни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқарди;
  - d) иш кўришни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.
- 118. Ишни мазмунан кўриш қачон бошланади?**
- a) суд далилларни текшириш тартибини белгилагандан;
  - b) ишни мазмунан кўриш раислик қилувчининг иш тўғрисида ги маъruzасидан бошланади;
  - c) ишни мазмунан кўриш даъвогарнинг даъво талабидаги важларини баён қилишидан;
  - d) ишни мазмунан кўриш тарафларнинг тушунтирилари баён қилишидан.
- 119. Гувоҳга ким биринчи бўлиб савол бериш хукуқига эга?**
- a) суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳга саволларни биринчи бўлиб даъвогар беради;
  - b) кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, шу шахс ва унинг вакили; ва суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳга саволларни биринчи бўлиб даъвогар беради;
  - c) кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, шу шахс ва унинг вакили;
  - d) ишда иштирок этувчи бошқа шахслар.
- 120. Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида кўрсатилиши керак?**
- a) суд амал қилган моддий ва процессуал хукуқ нормалари кўрсатилиши керак;

- б) ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хulosалари асосланган далиллар, суднинг у ёки бу далилларни рад қилганлиги ҳақидаги хulosалари ва суд амал қилган моддий ва процессуал хуқуқ нормалари кўрсатилиши керак;
- с) арз қилинган талаб жавобгар томонидан тан олинган тақдир-да, асослантирувчи қисмда фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги;
- д) суд амал қилган моддий ва процессуал хуқуқ нормалари кўрсатилиши керак суд амал қилган моддий ва процессуал хуқуқ нормалари кўрсатилиши керак.

**121. Қўшимча ҳал қилув қарорини чиқариш тўғрисидаги масала ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан қанча муддат ичida қўзгатилиши мумкин?**

- а) ўн беш кундан кечиктирмай;
- б) беш кундан кечиктирмай;
- с) ўн кундан кечиктирмай;
- д) муддат белгиланмаган.

**122. Суднинг ҳал қилув қарорида харажатлар билан боғлик хulosалар қайд этилмаган бўлса?**

- а) тузатиш ажрими чиқарилади;
- б) қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилинади;
- с) ажрим билан ҳал қилув қарори тўлдирилади;
- д) ижро варақа берилади.

**123. Ҳал қилув қарорида суд харажатлари тақсимланмаган бўлса, суд?**

- а) ажрим чиқаради;
- б) қўшимча ҳал қилув қарори чиқаради;
- с) хусусий ажрим чиқаради;
- д) ҳал қилув қарори чиқаради.

**124. Дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорла-ри тўғри кўрсатиласи қаторни белгиланг?**

- а) алиментлар ундириш тўғрисидаги, ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари;
- б) фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги ишлар бўйича фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- с) меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказил-ган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари;
- д) алиментлар ундириш тўғрисидаги, ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари ва Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари.

**125. Суд унча мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал этишда қандай турдаги суд хужжатини чиқариши мумкин?**

- а) қарор;
- б) ажрим;
- с) хусусий ажрим;
- д) талабнома.

**126. Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ҳақида суд қандай ҳужжат қабул қиласи?**

- а) оғзаки тарзда ҳал қиласи;
- б) ажрим;
- с) кейин ҳал қилув қарорида кўрсатиласи;
- д) қарор.

- 127. Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган тақдирда, уларга суднинг чақирув қоғози ёки бошқа хабарномалар топширилганлиги (етказиб берилганлиги) тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлмаса, унда?**
- а) суд иш муҳокамасини кейинга қолдиради;
  - б) суд иш муҳокамасини давом эттиради;
  - с) суд иш музокарасига ўтади;
  - д) суд иш муҳокамаси тугатилади.
- 128. Судья қандай ҳолларда суд муҳоакмасини кейинга қолдирмай суд ишни кўришга ҳақли бўлади?**
- а) иш хужжатларида судга келиш тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаса;
  - б) жавобгар иш юритилишини қасдан чўзаётган бўлса;
  - с) тарафлар узрсиз сабабларсиз судга келмаса;
  - д) тарафлар суд узрли деб топган сабабларга кўра келмаган бўлса.
- 129. Тарафлар иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаса, суд?**
- а) аризани кейинга қолдиришга ҳақли;
  - б) аризани мазмунан кўришга ҳақли.;
  - с) аризани тугатишга ҳақли;
  - д) аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.
- 130. Судга қарши даъво тақдим этилганда суд?**
- а) суд иш музокарасига ўтади;
  - б) суд иш муҳокамаси тугатилади;
  - с) суд иш муҳокамасини кейинга қолдиради;
  - д) суд иш муҳокамасини давом эттиради.
- 131. Қандай ҳолларда суднинг ажрими устидан алоҳида шикоят қилиниши мумкин?**
- а) тўғри жавоб йўқ;
  - б) биринчи инстанция судининг ажримлари устидан, агар бу конунда тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлсагина суднинг

- ҳал қилув қароридан алоҳида апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин;
- c) қонунга мувоғиқ биринчи инстанция судининг барча ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин;
  - d) биринчи инстанция судининг ажримлари устидан, агар бу қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса ёки суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилган ҳолларда суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**132. Ишни кўришда шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳолда, суд бу ҳақда қандай алоҳида процессуал ҳужжат чиқаради?**

- a) ишни кўришда шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳолда, суд бу ҳақда алоҳида процессуал ҳужжат ҳисобланган ажрим чиқариб прокурорни хабардор қилиш билан чекланади;
- b) ишни кўришда шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳолда, суд бу ҳақда алоҳида процессуал ҳужжат ҳисобланадиган ажрим чиқаради ҳамда прокурорга тегишли материалларни илова қилган юборади;
- c) ишни кўришда шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳолда, суд бу ҳақда алоҳида процессуал ҳужжат чиқармасдан, прокурорга тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабарнома юбориш билан чекланади;
- d) ишни кўришда шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳолда, суд бу ҳақда алоҳида процессуал ҳужжат чиқармасдан, суд ҳал қилув қарорида бу ҳақда кўрсатиб унга ҳужжатларни илова қилган прокурорга юбориш билан чекланади.

**133. Кимлар судда била туриб ёлғон гувоҳлик қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг**

**238-моддасига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантиримайди?**

- а) таржимон;
- б) мутахассис;
- с) эксперт;
- д) гувоҳ.

**134. Суднинг ҳал қилув қарори неча қисмдан иборат бўлади?**

- а) уч қисмдан; кириш, асослантирувчи, хулоса қисмлардан;
- б) тўрт қисмдан; кириш, баён, асослантирувчи, хулоса қисмлардан;
- с) уч қисмдан; кириш баён, хулоса қисмлардан;
- д) икки қисмдан; кириш ва хулоса.

**135. Ҳал қилув қарорининг ёзувидағи хатолар ва очик кўриниб турган арифметик хатолар?**

- а) хусусий ажрим чиқариш орқали тузатилади;
- б) қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш йўли билан тузатилади;
- с) ҳал қилув қарорини тузатиш тўғрисидаги ажрим орқали тузатилади;
- д) апелляция тартибида қайта кўриш орқали тузатилади.

**136. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича ишни суд муҳокамасига тайёрлаш қанча муддатга узайтирилиши мумкин?**

- а) суднинг асослантирилган ажрими билан йигирма кунгача узайтирилиши мумкин;
- б) суднинг асослантирилган ажрими билан бир ойгача узайтирилиши мумкин;
- с) суднинг асослантирилган ажрими билан ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин;
- д) Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш муддатлари узайтирилишига йўл қўйилмайди.

**137. Қуйидаги қайси ажримлар устидан шикоят қилинмайди?**

- а) аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзгатиш тўғрисида; далилларни таъминлаш тўғрисида; иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида; рад қилишни қабул қилиш ёки рад қи-

лиш тўғрисида; сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги ёхуд сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисида; мажбурий келтириш тўғрисида;

- б) аризани қайтариш тўғрисида; далилларни таъминлаш тўғрисида; суд топшириги тўғрисида; рад қилишни қабул қилиш ёки рад қилиш тўғрисида; сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги ёхуд сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисида кўшимча ҳал қилув қарори қабул қилишни рад этиш тўғрисида;
- с) аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзгатиш тўғрисида; аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида; ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисида; рад қилишни қабул қилиш ёки рад қилиш тўғрисида; сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги ёхуд сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисида;
- д) аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзгатиш тўғрисида; далилларни таъминлаш тўғрисида. суд топшириги тўғрисида; рад қилишни қабул қилиш ёки рад қилиш тўғрисида; сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги ёхуд сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисида;

**138. Ҳал қилув қарорининг қайси қисмида арз қилинган талаб жавобгар томонидан тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилади?**

- а) хулоса;
- б) асослантирувчи;
- с) кириш;
- д) баён.

**139. Ҳал қилув қарорининг қайси қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътиrozлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини акс эттирилади?**

- а) хулоса;
- б) асослантирувчи;
- с) кириш;
- д) баён.

**140. Ҳал қилув қарорининг қайси қисмида суд харажатлари-ни тақсимлаш тартиби кўрсатилади?**

- а) кириш;
- б) баён;
- с) хулоса;
- д) асослантирувчи.

**141. Суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатил-майдиган ҳолатни аниқланг?**

- а) суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулоаси;
- б) agar жавобгарнинг арз қилинган талабни тан олса, унинг суд томонидан қабул қилинганилиги;
- с) ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш мuddати ва тартиби;
- д) суд харажатларининг тақсимланиши.

**142. Суд иш бўйича қандай ҳолларда кўшимча ҳал қилув қарори чиқариши мумкин бўлади?**

- а) ҳал қилув қарорида арифметик хатолар мавжуд бўлса;
- б) ҳал қилув қарорида суд харажатларини тақсимлаш кўрсатилмаган бўлса;
- с) ишни кейига қолдириш тартибига риоя этмаган бўлса;
- д) ишни тарафлар иштирокида кўриб чиқмаган бўлса.

**143. Ҳал қилув қарорининг қайси қисмида тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кўрсатилади?**

- а) баён;
- б) асослантирувчи;
- с) хулоса;
- д) кириш.

**144. Суднинг иш бўйича қўшимча ҳал қилув қарори?**

- а) эълон қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради;
- б) асосий ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ўтиб қонуний кучга киради;
- с) асосий ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн беш кун ўтиб қонуний кучга киради;
- д) асосий ҳал қилув қарори билан бирга қонуний кучга киради.

**145. Ҳал қилув қарорини тушунтиришга йўл қўйилишининг асосий шарти бу?**

- а) ҳал қилув қарори ижрога қаратилмаган этилмаган ва уни мажбурий ижро эттириш мумкин бўлмаган бўлса;
- б) ҳал қилув қарори қонуний кучга кириш муддат ўтмаган бўлса;
- с) ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ўтмаган бўлса;
- д) ҳал қилув қарори ижро этилмаган ва уни мажбурий ижро эттириш мумкин бўлган муддат ўтмаган бўлса.

**146. Қандай холларда суд хужжатлари дархол ижро этилади?**

- а) фукарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ишлар;
- б) ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақиниundiриб бериш тўғрисидаги ишлар;
- с) болани фарзандликка олиш (бундан бўён матнда фарзандлика олиш деб юритилади) ҳақидаги ишлар;
- д) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтиосослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатиниузайтириш ҳақидаги ишлар.

**147. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, қачон қонуний кучга киради?**

- а) ишни апелляция инстанцияси суди кўриб чиққанидан ўн кундан кейин;
- б) ишни апелляция инстанцияси суди кўриб чиққанидан кейин; с) ишни апелляция инстанцияси суди кўриб чиққанидан ўн беш кундан кейин;
- д) ишни апелляция инстанцияси суди кўриб чиққанидан беш кундан кейин.

**148. Биринчи инстанция судининг ажримларни чиқариш тартиби тұғри күрсатилған қаторни топинг?**

- а) биринчи инстанция судининг ажримлари суд мажлиси баённомасига суд томонидан қабул қилинган қарор ҳақида тегишли ёзув киритган ҳолда суд мажлиси залида чиқарилиши мүмкін;
- б) биринчи инстанция судининг ажримлари алоҳида хонада (маслағатхонада) тузиладиган алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқарилиши мүмкін;
- с) биринчи инстанция судининг ажримлари алоҳида хонада (маслағатхонада) тузиладиган алоҳида процессуал ҳужжат шаклида ҳам, суд мажлиси баённомасига суд томонидан қабул қилинган қарор ҳақида тегишли ёзув киритган ҳолда суд мажлиси залида ҳам чиқарилиши мүмкін;
- д) биринчи инстанция судининг ажримлари алоҳида хонада (маслағатхонада) тузиладиган алоҳида процессуал ҳужжат шаклида ва фақат ҳал қилув қарори билан биргаликда суд мажлиси залида чиқарилиши мүмкін.

**149. Қандай холларда ҳал қилув қарорининг дархол ижро этилишига йўл қўйилмайди?**

- а) фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- б) фуқароларни бинога мажбурий тартибда киритиш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- с) фуқарони иш ҳақни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича);
- д) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича.

**150. Суд қандай масалалар бўйича алоҳида процессуал ҳужжат тариқасида ажрим чиқаришга ҳақли?**

- а) суд фақатгина шикоят қилинадиган масалалар бўйича алоҳида процессуал ҳужжат кўринишидаги ажрим чиқаришга ҳақ-ли;

- б) суд фақатгина суд маслахатхонасида ҳал этилган масала бўйича алоҳида процессуал ҳужжат кўринишидаги ажрим чиқаришга ҳақли;
- с) суд ўз хоҳишига кўра ҳар қандай масала бўйича алоҳида процессуал ҳужжат кўринишидаги ажрим чиқаришга ҳақли;
- д) суд қандай масала бўйича алоҳида процессуал ҳужжат кўринишидаги ажрим чиқариш тартиби қонунчиликда белгилаб қўйилмаган.

**151. Суд ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органнинг, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда?**

- а) хусусий шикоят чиқаришга ҳақлидир;
- б) огохлантириш хати чиқаришга ҳақлидир;
- с) тақдимнома юборишга ҳақлидир;
- д) хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

**152. Ҳар бир суд мажлиси тўғрисида, шунингдек суд мажлиси залидан ташқарида қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисида қандай ҳужжат расмийлаштирилади?**

- |              |                 |
|--------------|-----------------|
| а) қарор;    | б) ажрим;       |
| с) баённома; | д) далолатнома. |

**153. Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишлар кўриш қандай асослар инобатга олинган холда қўриб чиқилади?**

- |                    |                  |
|--------------------|------------------|
| а) даъво мазмуни;  | б) даъво асоси;  |
| с) даъво предмети; | д) даъво баҳоси. |

**154. Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишлар қандай тартибда қўриб чиқилади?**

- а) буйруқ ишини юритиш тартибида;
- б) даъво ишини юритиш тартибида;

- с) ариза ишини юритиш тартибида;
- д) шикоят ишини юритиш тартибида.

**155. Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиши чоғида қарши даъво берилган бўлса бунадай холда суд?**

- а) суд ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриш ҳақида ажрим чиқаради;
- б) суд ишни кейинга қолдириш ҳақида ажрим чиқаради:;
- с) суд ишни кўришни давом қилдириш ҳақида ажрим чиқаради;
- д) суд ишни мазмунан кўриш ҳақида ажрим чиқаради.

**156. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиляётган иш аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан?**

- а) йигирма кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади;
- б) йигирма беш кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади;
- с) ўн беш кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади;
- д) беш кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади.

**157. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, қабул қилинганидан кейин қанча муддатда кучга киради?**

- а) ўн кун ўтгач қонуний кучга киради;
- б) ўн беш кун ўтгач қонуний кучга киради;
- с) дархол қонуний кучга киради;
- д) беш кун ўтгач қонуний кучга киради.

**158. Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиши муддати қанча муддатга узайтирилиши мумкин?**

- а) муддат узайтирилмайди;
- б) муддати беш кунга узайтирилади;
- с) муддати ўн кунга узайтирилади;
- д) муддати уч кунга узайтирилади.

**159. Ишда иштирок этувчи шахслар қачон суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқишига ва унда йўл қўйилган хатоликларни ёки унинг тўлиқ эмаслигини баённома юзасидан ёзма равишда фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли?**

- а) у имзолангандан кундан эътиборан уч кун ичида;
- б) у имзолангандан эътиборан беш кун ичида;
- с) у имзолангандан эътиборан етти кун ичида;
- д) у имзолангандан эътиборан тўрт кун ичида.

**160. Иш сиртдан иш юритиши тартибида кўрилиши мухим шарти бу?**

- а) жавобгар тегишли тарзда хабардор қилингандиги; б) прокурор тегишли тарзда хабардор қилингандиги; с) даъвогар тегишли тарзда хабардор қилингандиги;
- д) учинчи шахслар тегишли тарзда хабардор қилингандиги.

**161. Суд мазкур суд мажлисида ишни сиртдан иш юритиши тартибида кўришга ҳақли. Агар?**

- а) суд мажлисига келмаган жавобгардан ишни унинг иштирокисиз кўриш ҳакида ариза келиб тушса;
- б) даъвогар томонидан даъвонинг предмети ёки асоси, даъво талаблари микдори ўзгартирилганда;
- с) даъвогар розилигини билдирса, суд ўз ташаббуси билан ишни сиртдан кўриши;
- д) суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган, келмагандигининг узрли сабаблари борлиги ҳакида хабар бермаган ва ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисида сўрамаган тақдирда, агар даъвогар бунга эътиroz билдириласа.

**162. Иш сиртдан иш юритиши тартибида кўрилиши мумкин агар?**

- а) суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган, келма-

ганлигининг узрли сабаблари борлиги ҳақида хабар бермаган бўлса ва жавобгар ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисида сўрамаган тақдирда, агар даъвогар бунга эътироф билдирамаса;

- б) агар даъвогар жавобгарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш рози бўлмаса;
- с) суд ўз ташаббуси билан;
- д) жавобгар суд мажлисига икки марта суд мажлисига келмаганва келмаслигига узрли сабаблар борлиги ҳақида хабар берма-ган бўлса.

**163. Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиши тўғрисидаги ариза у келиб тушган пайтдан эътиборан неча кун ичида суд мажлисида кўриб чиқилади?**

- а) ўн беш кун ичида;
- б) ўн кун ичида;
- с) йигирма кун ичида;
- д) беш кун ичида.

**164. Жавобгар сиртдан ҳал қилув қарорини қабул қилган судга шу ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин қанча муддат ичидавуни қайта кўриб чиқиши тўғрисида ариза беришга ҳақли?**

- а) беш кун ичида;
- б) ўн беш кун ичида;
- с) ўн кун ичида;
- д) йигирма кун ичида.

**165. Жавобгар сиртдан ҳал қилув қарорини қабул қилган судга шу ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин қанча муддат давомида уни қайта кўриб чиқиши тўғрисида ариза беришга ҳақли?**

- а) ўн кун ичида;
- б) ўн беш кун ичида;
- с) беш кун ичида;
- д) уч кун ичида.

**166. Суд ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриб чиқишида суд мажлисига келмаган жавобгардан ишни унинг иштирокисиз кўриш ҳақида ариза келиб тушса?**

- а) умумий тартибида кўрилиши лозим;
- б) иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши лозим;

- c) иш сиртдан иш юритиш тартибда кўриш тўхтатилиши лозим;
- d) иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрмасдан қолдирилиши лозим.

**167. Алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг бошқа фуқаролик суд ишларини юритиш турларидан фарқли жиҳатлари нимада?**

- a) ҳуқук тўғрисида низо бўлади;
- b) ҳуқук тўғрисида низо бўлмайди;
- c) келишув битими тузишга йўл қўйилади;
- d) давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари қилиб белгиланган.

**168. Сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарори қачон қонуний кучга киради?**

- a) ҳал қилув қарори қабул қилинган бошлаб бир ойдан кейин;
- b) ҳал қилув қарори қабул қилинган бошлаб ўн беш кундан кейин;
- c) ҳал қилув қарори қабул қилинган бошлаб ўттиз кундан кейин;
- d) ҳал қилув қарори қабул қилинган бошлаб йигирма кундан кейин.

**169. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар?**

- a) ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб суд белгилаган тартибда кўриб чиқилади;
- b) тарафларнинг талаби билан ёпиқ тарзда кўрилади;
- c) ёпиқ тартибда кўрилади;
- d) очиқ тартибда кўрилади.

**170. Судда фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда прокурор иштироки?**

- a) мажбурий;
- b) ихтиёрийдир;

- с) прокурор ташаббуси билан кўрилаётганда мажбурий;
- д) тарафлар илтимосига кўра.

**171. Суд қачон фуқарони бударак йўқолган деб топиши мумкин?**

- а) фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил давомида маълумотлар бўлмаса;
- б) фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса;
- с) фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида беш йил давомида маълумотлар бўлмаса;
- д) манфаатдор шахсларнинг оқилона муддатда берган аризала-рига мувофиқ.

**172. Суд фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишни албатта?**

- а) мазкур фуқаронинг иштирокисиз кўради;
- б) мазкур фуқаронинг иштирокида кўради;
- с) васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида ихти-ёрий;
- д) прокурорнинг иштирокида ихтиёрий;.

**173. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони вафот этган деб зълон қилиш ҳақидаги ишларда ...?**

- а) прокурор иштироки шарт;
- б) иш прокурор аризаси бўйича кўрилаётгандагина мажбурий;
- с) прокурор иштироки ихтиёрий;
- д) суднинг ташаббусига кўра.

**174. Суд фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғриси-даги ишни?**

- а) мазкур фуқаронинг иштирокида кўради;
- б) прокурорнинг иштирокида кўради ва васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўради;

- с) прокурорнинг иштирокида ихтиёрий;
- д) ҳомийлик органи вакилининг иштирокида ихтиёрий.

**175. Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қўйидаги қайси ишнинг судда кўрилишида прокурор иштироки мажбурий?**

- а) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- б) фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш;
- с) ишга тиклаш;
- д) алиммент ундириш.

**176. Ҳакамлик судлари томонидан қандай низолар ҳал этилади?**

- а) оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар;
- б) меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни;
- с) фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни;
- д) уй-жой муносабатлардан келиб чиқадиган низолар.

**177. Чет эл фуқаролари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига?**

- а) эга эмас;
- б) эга;
- с) халқаро шартномада қўрсатилган бўлса, эга;
- д) Миллий қонунчиликда қўрсатилган бўлса.

**178. Қайси ҳолларда чет давлат судларининг топшириқлари бажарилмайди?**

- а) топшириқни бажариш учун судларда етарли вақт бўлмаса;
- б) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига, хавфсизлигига зарар етказса ёки қонунчиликнинг

асосий принципларига зид бўлса ва топшириқни ижро этиш суднинг ваколати доирасига кирмаса;

- c) топшириқни ижро этиш суднинг ваколати доирасига кирмаса;
- d) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига, хавфсизлигига зарар етказса ёки қонунчиликнинг асосий принципларига зид бўлса.

**179. Чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорлари?**

- a) Ўзбекистонда тан олинади ва ижрога қаратилади;
- b) агар бу Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида назарда тутилган бўлса, тан олинади ҳамда ижрога қаратилади;
- c) Ўзбекистонда тан олинмайди;
- d) чет давлат қонуларида белгиланган бўлса.

**180. Чет давлат судларининг ёки чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у қонуний кучга кирган кундан эътиборан?**

- a) икки йил муддат ичida мажбурий ижрога қаратилиши мумкин;
- b) бир йил муддат ичida мажбурий ижрога қаратилиши мумкин; с)
- уч йил муддат ичida мажбурий ижрога қаратилиши мумкин; д)
- муддат белгиланмаган.

**181. Чет давлат судининг ёки чет давлат ҳакамлик суди-нинг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олишва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза, агар Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳалқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у судга келиб тушган кундан эътиборан?**

- a) дарҳол кўриб чиқилиши керак;
- b) бир ойдан ошмайдиган муддатда суд мажлисида кўриб чиқилиади;

- c) уч ойдан ошмайдиган муддатда суд мажлисида кўриб чиқилади;
- d) муддат белгиланмаган.

**182. Апелляция шикояти бериш муддати?**

- a) ҳал қилув қарор чиқарилган кундан эътиборан 15 кун; б) ҳал қилув қарор чиқарилган кундан эътиборан бир ой; с) ҳал қилув қарор чиқарилган кундан эътиборан 20 кун;
- d) ишнинг ҳолатидан келиб чиқиб, суд томонидан белгиланади.

**183. Апелляция шикояти учун?**

- a) дастлабки тўланган сумманинг 100 % миқдорида давлат божи тўланади;
- b) дастлабки тўланган сумманинг 50 % миқдорида давлат божи тўланади;
- c) давлат божи тўланмайди;
- d) суд белгилаган миқдорда давлат божи тўланади.

**184. Умумий тартибда апелляция шикояти у келиб тушган кундан эътиборан қанча муддатда кўриб чиқилади?**

- a) 30 кун ичида;
- b) 2 ой ичида;
- c) 20 кун ичида;
- d) муддатни суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб белгилайди.

**185. Апелляция инстанцияси суди суд хужжатини?**

- a) қисман текшириб чиқиши шарт;
- б) тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шарт;
- c) берилган шикоят мазмунига мутаносиб кўриб чиқади;
- d) барча жавоблар тўғри.

**186. Апелляция судининг ваколатлари ФПК нинг неchanчи моддасида берилган?**

- |                   |                   |
|-------------------|-------------------|
| a) 399-моддасида; | б) 396-моддасида; |
| c) 398-моддасида; | д) 397-моддасида. |

**187. Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин?**

- а) беш кун ичида берилиши мумкин;
- б) ўн кун ичида берилиши мумкин;
- с) дарҳол берилиши мумкин;
- д) бир ой ичида берилиши мумкин.

**188. Апелляция инстанцияси судининг ажрими (қарори) қанча муддатда қонуний кучга киради?**

- а) ўн кундан кейин;
- б) бир ойдан кейин; с)  
дарҳол;
- д) тарафлар ҳужжат нусхасини олган пайт.

**189. Кассация шикояти (протести) апелляция инстанцияси судининг ажрими қабул қилинган кундан эътиборан?**

- а) бир йил ичида берилиши мумкин;
- б) олти ой ичида берилиши мумкин;
- с) бир йил олти ой ичида берилиши мумкин;
- д) уч йил ичида берилиши мумкин.

**190. Кассация шикоятини қайси суд кўради?**

- а) Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;
- б) ишни апелляция босқичида кўрган суднинг кассация тарки-би;
- с) Тошкент шаҳар ва вилоятлар фуқаролик ишлари бўйича судлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати.

**191. Кассация шикояти (протести) уни суд мухокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган қундан эътиборан?**

- a) муддат белгиланмаган;
  - б) бир ойдан күп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади;
  - с) йигирма кундан күп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади;
  - д) ўн кундан күп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

## **192. Кассация инстанцияси судининг судьяси кассация шикоятини (протестини)?**

- а) беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўрганади;
  - б) уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўрганади;
  - с) ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўрганади;
  - д) ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўрганади.

### **193. Кассация шикояти (протести) бевосита?**

- а) биринчи инстанция судига берилади;
  - б) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади;
  - с) тўғри жавоб йўқ;
  - д) апелляция инстанция судига берилади.

**194. Кассация инстанцияси суди янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаш хуқукига?**

- а) эга эмас; б) эга;  
с) иш ҳолатларига қаралади; д) Судьялар ҳал килади.

195. Кассация шикояти берган шахс қачонгача шикоятни түлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишиг ҳақ-ди?

- а) хохлаган вақтда;
  - б) кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар;
  - с) кассация инстанцияси суд мухокамаси бошлангунга қадар;
  - д) кассация инстанцияси суди қарори қонуний кучга киргунга қадар.

**196. Кассация шикоятини (протестини) суд мұхокамасида күриб чиқиши учун тайинлаш түгристердеги масала иш кассация инстанцияси судига келиб тушган кундан эътиборан?**

- а) беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади;
- б) етти кундан кечиктирмай ҳал қилинади;
- с) уч кундан кечиктирмай ҳал қилинади;
- д) түгри жавоб йўқ.

**197. Ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза судга қандай шаклда берилади?**

- а) ёзма шаклда;
- б) ёзма шаклда ёхуд электрон хужжат тарзида;
- с) электрон хужжат тарзида;
- д) оғзаки тарзда.

**198. Ишни тафтиш тартибида кўриш ҳақида шикоят қайси судга берилади?**

- а) апелляция инстанция судига;
- б) тегишлиги бўйича биринчи инстанция суди ва ўзрес олий судига;
- с) кассация инстанция судига;
- д) тафтиш инстанция судига.

**199. Ишни тафтиш тартибида кўриш ҳақида шикоят қанча муддатда берилади?**

- |                  |                          |
|------------------|--------------------------|
| а) бир йил;      | б) олти ой;              |
| с) бир ярим йил; | д) муддат белгиланмаган. |

**200. Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни қайта кўриш түгристердеги ариза судга келиб тушган кундан эътиборан қанча муддатда суд мажлисида кўрилади?**

- а) дарҳол кўриб чиқилиши лозим;
- б) бир ойдан ошмаган муддатда;

- c) ўн кундан ошмаган муддатда;
  - d) йигирма кундан ошмаган муддатда.
- 201. Ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирған апелляция инстанцияси судининг ажримини янги очилған ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи судни белгиланг?**
- a) ҳал қилув қарорини чиқарған суд;
  - b) ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш тўғрисида ажрим чиқарған апелляция инстанцияси суди;
  - c) Тафтиш инстанция суди;
  - d) кассация инстанция суди.

### **3. МЕХНАТ КОДЕКСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

#### **1. Мехнат шартномаси эркинлиги нималарни англатади?**

- а) фақат қонунда белгиланған ҳолатларда ишчи шартномани ўзгартиришга ҳақыл;
- б) меҳнат шартномаси фуқаролик хукуқида белгиланған шартнома эркинлиги тамойили амал қилади;
- с) меҳнат шартномасида давлат меҳнат инспекторлари ҳимоясида;
- д) иш берувчи фақат қонунда белгиланған асосларда ва тартиб бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

#### **2. Мажбурий меҳнат нималарни ўз ичига олмайди?**

- а) ишлаб чиқариш хажми купайгани муносабати иш вақти-дан ташқари бўлган кўшимча меҳнат фаолияти (аёллардан ташқари);
- б) пахта йиғинини ўз вақтида талофатсиз амалга ошириш билан умумдавлат ҳаракатларни;
- с) фавқулоддаги вазият муносабати билан жорий этилган ишларни;
- д) ҳарбий тайёргарлик даражасини ошириш билан боғлиқ иш берувчининг ҳисобидан кўшимча меҳнат фаолияти.

#### **3. Ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслиги нималарни англатади?**

- а) агарда Конституцияга зид бўлмаса, ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзаро келишув бўйича емонлаштириши мумкин;
- б) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланған ишчиларнинг ҳуқуқий ҳолати локал ҳужжатларда емонлашиши мумкин эмас;
- с) локал ҳужжатларда белгиланған ходимнинг ҳуқуқий ҳолати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда емонлаштирилиши мумкин эмас;
- д) ноғиронлар жамияти томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланған имтиёзлар қонунда емонлаштирилига йўл қўйилмайди.

- 4. Мехнат ҳукуқлари юзага келиши билан боғланадиган муддатларни ҳисоблаш унинг бошланиши белгиланган календарь санадан қайси кундан эътиборан бошланади?**
- а) унинг бошланиши белгиланган календарь санадан кейинги кундан эътиборан бошланади;
  - б) унинг бошланиши белгиланган шу куннинг ўзидан эътиборан бошланади;
  - с) бу масала меҳнат шартномасида ички локал меҳнат ҳужжатлари билан белгиланади;
  - д) бу масала меҳнат шартномасида тарафларнинг келишуви билан белгиланади.
- 5. Календарь йиллар, ойлар, ҳафталар ёки кунлар билан ҳисобланадиган муддатга ишланмайдиган кунлар ҳам қўшиладими?**
- а) бу масала меҳнат шартномасида ички локал меҳнат ҳужжатлари билан белгиланади;
  - б) бу масала меҳнат шартномасида тарафларнинг келишуви билан белгиланади;
  - с) календарь йиллар, ойлар, ҳафталар ёки кунлар билан ҳисобланадиган муддатга ишланмайдиган кунлар ҳам қўшилмайди;
  - д) календарь йиллар, ойлар, ҳафталар ёки кунлар билан ҳисобланадиган муддатга ишланмайдиган кунлар ҳам қўшилади.
- 6. Агар муддатнинг сўнгги куни ишланмайдиган кунга тўғри келса, қайси кун муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади?**
- а) бундай холатда тарафларнинг алоҳида келишув тузиб, муддат тугайдиган кунни белгилашга ҳақли;
  - б) агар муддатнинг сўнгти куни ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади;
  - с) агар муддатнинг сўнгти куни ишланмайдиган кунга тўғри келса, ишланмайдиган куни муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади;

- д) бундай ҳолатда меҳнат муносабатлари тарафлари ваколатли давлат органларининг расмий тушунтиришларига амал қилишлари лозим.
- 7. Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида ходимлар учун қонунларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, қайси норматив ҳужжат кўлланилади?**
- а) бу масалани меҳнат муносабатларининг тарафлари ички локал ҳужжатларда ҳал қилиш лозим;
- б) бу масала ҳалқаро шартномаларга ташки ишлар вазирлиги томонидан берилган расмий шарҳларда белгиланади;
- с) ҳалқаро шартнома қоидалари кўлланилади; д) қонун нормалари кўлланилади.
- 8. Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномалари меҳнат муносабатлари Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига тўғридан-тўғри тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкинми?**
- а) йук, бундай ҳолат вужудга келиши мумкин эмас, чунки барча масалалар ички локал ҳужжатларда батафсил тартибга солинади;
- б) бу масала бўйича тарафлар ташки ишлар вазирлигининг расмий тушунтиришига қараб амал қилишлари лозим;
- с) йук, кўлланилмайди, бундай ҳолатда тарафлар хукуқ ўхшашлиги бўйича ҳарақат қилмоқлари лозим;
- д) ўзбекистон республикаси ҳалқаро шартномалари меҳнат муносабатлари ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига тўғридан-тўғри тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.
- 9. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ҳақиқатда тартибга соладиган фуқаролик-хукуқий хусусиятга эга шартномалар тузишлари мумкинми?**

- а) тарафлар эркинлиги тамойилига асосланиб тузилиши мумкин;
- б) йўқ, бундай холатда фуқаролик-ҳуқуқий шартномани тузиш таъқиқланади;
- с) фақат корхона директорлари билан тузилиши мумкин;
- д) фақат бухгалтер, кассирлар ва бошқа моддий бойликлар билан бевосита ишладиган ходимлар билан тузилади, уларнинг моддий жавобгарлигини белгилаш учун.

**10. Мехнат қонунчилиги Ўзбекистон чет эл дипломатик ваколатхонасида ишладиган ходимларга нисбатан амал қиласми?**

- а) йўқ, амал қилмайди, чунки улар “дипломатик муносабатлар” тўғрисидаги 1963 йилги вена конвенцияси асосида ҳаракат қиласдилар;
- б) йўқ, амал қилмайди, чунки улар ташки ишлар вазирлигининг ички йўрикномаси асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланади;
- с) йўқ, амал қилмайди, чунки улар дипломатик ваколатхона жойлаган ҳудуддаги қонунчиликка амал қиласди;
- д) меҳнат қонунчилиги ўзбекистон чет эл дипломатик ваколатхонасида ишладиган ходимларга нисбатан амал қиласди.

**11. Мехнат қонунчилиги судьяларга нисбатан амал қиласми?**

- а) судьяларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг судлар тўғрисидаги қонунчиликда тартибга солинмаган қисми бўйича татбиқ этилади;
- б) судьяларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчилиги қўлланилмайди, меҳнатга муносабатлари судьялар одоби кодекси билан тартибга солинган;
- с) судьяларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчилиги қўлланилмайди бу масалалар судлар тўғрисидаги қонунчиликда тартибга солинган;

д) судьяларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчилиги қўлланилмайди, меҳнатга муносабатлари судьялар одоби ҳақидаги бангалор қоидалари билан тартибга солинган солинган.

**12. Меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- а) жамоа келишувлари;
- б) ҳуқуқ аналогияси бўйича қўлланиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар;
- с) халқаро шартномалар;
- д) чет эл қонунчилиги.

**13. Меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ходимнинг ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирувчи қоидаларни киритишга йўл қўйиладими?**

- а) йул қўйилади халқаро шартномаларда белгиланган ҳолатларда;
- б) йўл қўйилмайди;
- с) йўл қўйилади, вазирлар маҳкамаси қарорлари билан белгиланган ҳолатларда;
- д) йўл қўйилади, маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида.

**14. Ички ҳужжатларга ходимнинг ҳолатини жамоа келишувларига нисбатан ёмонлаштирувчи қоидаларни киритишга йўл қўйиладими?**

- а) ички ҳужжатларга ходимнинг ҳолатини жамоа келишувлари-га нисбатан ёмонлаштирувчи қоидаларни киритиш тақиқланади;
- б) йўд қўйилади, бу ҳақида тарафлар меҳнат шартномасида келишиб олиши мумкин;
- с) йўл қўйилади, ўзбекистон республикаси халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолатларда;
- д) йул қўйилади, агарда бу масалада умумхалқ референдуми ўтказилган бўлса.

- 15. Ташкилотда касаба уюшмаси қўмитаси ташкил этилмаган ҳолларда иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиши керак масала қандай ҳал этилади?**
- a) иш берувчи туман касаба уюшмасига мурожаат қиласди, уларнинг розилиги билан бу масалани ҳал этади;
  - б) иш берувчи меҳнат жамоасини хабардор қиласди, агарда меҳнат жамоаси икки хафта ичидаги бу масалани ҳал этмаса, иш берувчи мустақил ҳал қиласди;
  - с) бундай ҳолатда масала иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади;
  - д) иш берувни ташкилотда касаба уюшмаси ташкил этмаган ҳолатда касаба уюшмаси билан келишиб ҳал қиласидиган масалани мустақил ҳал қиласди.
- 16. Меҳнат шартномасига ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирувчи шартларни киритиш мумкинми?**
- а) меҳнат шартномасига ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирувчи шартларни киритиш таъқиқланади;
  - б) меҳнат шартномасига ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирувчи шартларни киритиш мумкин ўзаро келишув асосида;
  - с) меҳнат шартномасига ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирувчи шартларни киритиш мумкин касаба уюшмасининг розилиги асосида;
  - д) меҳнат шартномасига ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирувчи шартларни киритиш мумкин халқаро шартномаларда белгиланган тартибда.

**17. Мехнат шартномасида ходимга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкинми?**

- а) меҳнат шартномасида ходимга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин;
- б) меҳнат шартномасида ходимга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин эмас, тарафлар қонун доирасида чиқишига ҳақли эмас;
- с) меҳнат шартномасида ходимга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар назарда тутилиши мумкин, агарда бу ҳакида жавмо келишувида алоҳида шарт бўлса;
- д) меҳнат шартномасида ходимга меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганига нисбатан қўшимча ҳуқуқлар ва кафолатлар ташкилот касаб уюшмаси розилиги билан назарда тутилиши.

**18. Иш берувчининг якка тартибдаги ҳуқуқий хужжатлари ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган шарт-шароитларга нисбатан унча қулай бўлмаган қоидаларни ўз ичига олиш оқибатлари?**

- а) бу хужжатлар ёки уларнинг тегишли қисмлари ҳақиқий бўлмайди;
- б) агарда жамоа шартномаларда бунга йўл қўйилса, бу хужжатлар ва уларнинг тегишли қисмлари кучда бўлади;
- с) агарда ўзбекистон халқаро шартномаларида бунга йўл қўйилса, бу хужжатлар ва уларнинг тегишли қисмлари кучда бўлади;
- д) агарда касаба уюшмаси низомида бунга йўл қўйилса, бу хужжатлар ва уларнинг тегишли қисмлари кучда бўлади.

**19. Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари ким?**

- a) ходим ва касаба уюшмаси;
  - б) иш берувчи ва касаба уюшмаси;
  - с) ходим ва иш берувчи;
  - д) битта ташкилотдаги ходимлар.
- 20. Жисмоний шахслар қайси холатларда иш берувчилар бўлиши мумкин эмас?**
- a) юридик шахсни ташкил этмаган якка тартибдаги тадбикорлар;
  - б) қарз хисобидан мажбурий меҳнатга қарздорни жалб қилгандা;
  - с) уй хўжалигини юритишда ёрдамлашиш мақсадида уй хизматчиларини ёллаган холатда;
  - д) агар улар ўзига хизмат кўрсатилиши уй хизматчиларини еллаган холатда.
- 21. Ходимнинг меҳнатга оид ҳукуқ лаёқати қачон пайдо бўлади?**
- a) у ўн олти ёшга тўлган пайтидан эътиборан;
  - б) у ўн тўрт ёшга тўлган пайтидан эътиборан;
  - с) у ўн саккиз ёшга тўлган пайтидан эътиборан;
  - д) туғилган пайтидан эътиборан.
- 22. Ходимнинг меҳнатга муомала лаёқати қачон пайдо бўлади?**
- a) у ўн олти ёшга тўлган пайтидан эътиборан;
  - б) у ўн саккиз ёшга тўлган пайтидан эътиборан;
  - с) у ўн тўрт ёшга тўлган пайтидан эътиборан;
  - д) туғилган пайтидан эътиборан.
- 23. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар вужудга келишининг асоси нимадан иборат?**
- а) касаба уюшмасининг қарори; б) меҳнат шартномаси;

- с) меҳнат вазирлигининг расмий тушунтириши;
- д) меҳнатга оид халқаро шартномалар.

**24. Меҳнат шартномаси расмийлаштирумаган ҳолатда якка тартибдаги меҳнат муносабатлари қайси вақтдан бошланган деб ҳисобланади?**

- а) давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори иш берувчига езма кўрсатма берган вақтдан;
- б) касаба уюшмасидан ходимни ишга олиш ҳақида баеннома тузилган вақтдан;
- с) иш бервчи ва ходим ўртасида оғзаки келишувга эришган вақтдан;
- д) иш берувчининг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган вақтдан.

**25. Қайси ҳолатда меҳнат шартномасини тузиш учун меҳнат фаолиятига доир тасдиқнома бўлиши зарур?**

- а) меҳнат шартномаси чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан тузилганда;
- б) меҳнат шартномаси коррупция жинояти учун судланган шахс билан тузилганда;
- с) меҳнат шартномаси мансабдорлик жиноятлари учун судланган шахслар билан тузилганда;
- д) меҳнат шартномаси ташкилотдаги коррупцияга қарши кураш бўйича лавозимга ишга олиш учун тузилганда.

**26. Ўн бешдан ўн олти ёшгача шахслар билан якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар юзасидан меҳнат шартномасини тузиш талаби нимадан иборат?**

- а) яшаш худуди бўйича махалла фуқаролар йигини розилиги;
- б) ота-онасининг ёзма розилиги;
- с) давлат меҳнат инспекциясининг розилиги;
- д) ўсмир таҳсил олаётган мактабнинг розилиги.

**27. Қайси ҳолатда суд қарори асосида якка тартибдаги меҳнат муносабатлари бўйича меҳнат шартномаси тузилади?**

- a) суд томонидан ишга қабул қилиш ноқонуний рад этилган деб топилганды ва меҳнат шартномаси тузиш мажбурияти юктаптанды;
- б) суднинг қарори асосида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ файриқонуний деб топилганды;
- с) суд ходими ноқонуний равишда ишдан бўшатилганды;д) суд шахсни ахлок тузатиш жазосига хукм қилинганды.

**28. Жисмоний шахс билан аслида меҳнат муносабатлари бўйича фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома тузилса, ушбу муносабатлар қайси орган томонидан меҳнатга оид муносабатлар деб топилиши мумкин?**

- a) Суд;
- б) Касаба уюшмаси;
- с) Меҳнат Вазирлиги;
- д) Прокуратура.

**29. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг асосий принципи қайси вариантда берилган?**

- а) мажбурий меҳнат самарадорлигини ошириш;
- б) тарафлар томонидан мажбуриятларни ўз зиммасига олишнинг ихтиёрийлиги;
- с) меҳнат муносабатларида давлат манфаатларининг устуворлиги;
- д) ижтимоий кам таъминлаган аҳоли манфаатлари устуворлиги.

**30. Кайси вариантда ижтимоий шериклик жаражаси нотўғри кўрсатилган?**

- а) худудийлараро даражада;
- б) бошланғич даражада;
- с) тармоқ даражасида;
- д) республика даражасида.

**31. Ходимлар меҳнат жамоаси бу?**

- а) иш берувчидаги меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча ходимлар;
- б) иш берувчидаги меҳнат ва фуқаролик шартномаларида фаолият кўрсатаетган барча шахслар;
- с) ташкилотдаги касаба уюшмаси аъзолари;

д) ташкилот раҳбаридан ташқари иш берувчидаги меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча ходимлар.

**32. Меҳнат жамоаси ижтимоий шериклик соҳасидаги ўз ваколатларини қандай амалга оширади?**

- а) умумий йиғилиш (конференция) ўтказиш орқали ;
- б) касаба уюшмаси йиғилишларида иштирок этиш орқали;
- с) давлат меҳнат инспекциясига мурожаат қилиш орқали;
- д) корхонадаги кузатув кенгаши фаолияти орқали.

**33. Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши қасий ҳолатда ваколатли ҳисобланади?**

- а) agar унда иш берувчидаги меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг  $\frac{3}{4}$  қисми ҳозир бўлса;
- б) agar унда иш берувчидаги меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлса;
- с) agar унда иш берувчидаги меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг  $\frac{2}{3}$  қисми ҳозир бўлса;
- д) agar унда иш берувчидаги меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларнинг кўапчилиги ҳозир бўлса.

**34. Қайси ваколатлар меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)нинг ваколатларига кирмайди?**

- а) жамоа шартномасининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- б) касаба уюшмасининг қонунга хилоф қарорлари ва баённомаларини бекор қилиш;
- с) меҳнат жамоаси манфаатларини ифодалаш ваколати берилган вакиллик рганини белгилаш;
- д) жамоа шартномасини маъқуллаш ёки маъқулламаслик.

- 35. Ходимнинг касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа бирлашмаларига аъзо бўлмаслик тўғрисидаги ёзма ёки оғзаки мажбуриятлари юридик кучи қандай?**
- а) ушбу мажбуриятлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас;
  - б) ушбу мажбуриятларнинг юридик кучи жамоа келишувларида белгиланади;
  - с) ушбу мажбуриятларнинг юридик кучи касаба уюшмаси қарори билан белгиланади;
  - д) ушбу мажбуриятлар юридик кучга эга.
- 36. Мехнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг меҳнат хукуқи нормаларини ўз ичига олган хукуқий хужжатни кўрсатинг?**
- а) Меҳнат кодекси;
  - б) жамоа келишуви;
  - с) меҳнат соҳасида қонуности хужжатлари;
  - д) меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликка оид меҳнат вазирлигининг расмий тушунтиришлари.
- 37. Қайси вариантда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклини амалга ошириш шакли нотўғри кўрсатилган?**
- а) жамоа келишувлари, жамоа шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича жамоавий музокаралар;
  - б) давлат меҳнат инспекцияси томонидан ходим ва иш берувчнинг манфаатларида судларга даъво ариза киритиш;
  - с) жамоа келишувлари ва жамоа шартномасини тузиш;
  - д) меҳнат низоларини ҳал этишда (тартибга солишда) ходимлар ва иш берувчиilar вакилларининг иштирок этиши.
- 38. Ходимлар вакиллигини республика даражада амалга оширувчи орган қайси?**
- а) Республика касаба уюшмалари бирлашмалари;
  - б) Прокуратура;
  - с) Меҳнат Вазирлиги;
  - д) Давлат меҳнат инспекцияси.

**39. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик органлари тизимини қайси органдан ташкил топади?**

- а) Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар;
- б) Меҳнат вазирлигининг худудий бўлинмалари;
- с) Давлат меҳнат инспекциясининг худудий бўлинмалари;
- д) Касаба уюшмасининг худудий бўлинмалари.

**40. Коллектив шартноманинг шакли?**

- а) ёзма равишда тузилган бўлиш керак;
- б) ижтимоий-меҳнат комиссияси томонидан тасдиқланган бўлиш керак;
- с) туман касаба уюшмаси томонидан тасдиқланган бўлиш керак;
- д) нотариал тасдиқланган бўлиш керак.

**41. Қайси холатда жамоа шартномаси тузилган хисобланади?**

- а) меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференцияси- да) ҳозир бўлганларнинг эллик фоизидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса;
- б) меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференцияси- да) ҳозир бўлганларнинг иккidan уч қисми уни ёқлаб овоз берган бўлса;
- с) меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференцияси- да) ҳозир бўлганларнинг тўртдан уч қисми уни ёқлаб овоз берган бўлса;
- д) меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференцияси- да) ҳозир бўлганларнинг учдан бир қисми уни ёқлаб овоз берган бўлса.

**42. Жамоа шартомаси амал қиласидаги максимал муддат?**

- а) уч йил;
- б) беш йил;
- с) тўрт йил;
- д) икки йил.

**43. Жамоа шартномаси кучга кириш вақти?**

- а) ташкилотдаги ижтимоий меҳнат комиссияси тасдиқлаган вақтдан бошлаб;

- б) касаба уюшмаси тасдиқлаган вақтдан бошлаб; с)  
имзолаган вақтдан бошлаб;
- д) меҳнат вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси тасдиқлаган вақт-  
дан бошлаб.

**44. Жамоа шартномасини амал қилиш қилиш муддати та-  
момланиш оқибатлари?**

- а) юридик кучини йўқотмайди ва жамоа келишувининг янги  
тахрири уч ой мобайнида қабул қилинмагунча амал қилади;
- б) ўз юридик кучини йўқотади, жамоа шартномоасининг та-  
рафлари зудлик билан унинг янги тахририни қабул қилиши  
шарт;
- с) юридик кучини йўқотмайди ва янги жамоа келишуви тас-  
диқланганча амал қилади;
- д) юридик кучини йўқотмайди ва жамоа келишувининг янги  
тахрири бир ой мобайнида қабул қилинмагунча амал қилади.

**45. Жамоа шартномасининг амал қилиши жамоа шартнома-  
си кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган ходим-  
ларга нисбатан ҳам татбиқ этиладими?**

- а) ҳа, татбиқ этилади;
- б) йўқ, татбиқ этилмайди;
- с) қисман татбиқ этилади, корхона ташкилотига нисбатан тат- биқ  
этилмайди;
- д) қисман татбиқ этилади, чет эл фуқаролигаг эга бўлган ходим-  
ларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**46. Ташкилот қайта ташкил этилган тақдирда жамоа шарт-  
номаси амал қилишининг сақланиб қоладими?**

- а) ташкилот қайта ташкил этилаётганда шу қайта ташкил қи- лиш  
даврида жамоа шартномаси ўзининг амал қилишинисақлаб  
қолмайди;
- б) ташкилот қайта ташкил этилаётганда шу қайта ташкил қи- лиш  
даврида жамоа шартномаси ўзининг амал қилишинисақлаб  
қолади;

- с) ташкилот қайта ташкил этилаётганда шу қайта ташкил қи- лиш даврида жамоа шартномаси ўзининг амал қилишиниқисман сақлаб қолади;
- д) ташкилот қайта ташкил этилаётганда шу қайта ташкил қи- лиш даврида жамоа шартномаси ўзининг амал қилишини биройга муддатга сақлаб қолади.

**47. Ташкилотнинг мулқдори ўзгарганда жамоа шартномаси амал қилишининг қайси муддага сақлаб қолади?**

- а) ташкилотнинг мулқдори ўзгарганда жамоа шартномасининг амал қилиши олти ой мобайнида сақлаб қолинади;
- б) ташкилотнинг мулқдори ўзгарганда жамоа шартномасининг амал қилиши уч ой мобайнида сақлаб қолинади;
- с) ташкилотнинг мулқдори ўзгарганда жамоа шартномасининг амал қилиши беш ой мобайнида сақлаб қолинади;
- д) ташкилотнинг мулқдори ўзгарганда жамоа шартномасининг амал қилиши икки ой мобайнида сақлаб қолинади.

**48. Ташкилот раҳбари билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда жамоа шартномаси ўз кучини йўқотадими?**

- а) ташкилот раҳбари билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда жамоа шартномаси ўз кучини йўқотади, агар раҳбар корхона мулқдори бўлса;
- б) ташкилот раҳбари билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда жамоа шартномаси ўз кучини йўқотмайди;
- с) ташкилот раҳбари билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда жамоа шартномаси ўз кучини йўқотади, агар раҳбар чет эл фуқарори бўлса;
- д) ташкилот раҳбари билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда жамоа шартномаси ўз кучини йўқотади, агар жамоа шартноасида бу ҳақида келишилган бўлса.

**49. Иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин қайси муддат ичидә ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт?**

- а) иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин беш кундан кечиктирмай ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт;
- б) иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт;
- с) иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин уч кундан кечиктирмай ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт;
- д) иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин икки кундан кечиктирмай ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт.

**50. Мехнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шартми?**

- а) меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт эмас, жамоа шартномаси ўз-ўзидан юридик куга эга бўлади;
- б) меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт;
- с) меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт эмас, бу масала тарафларнинг ихтиёрилигига асосланган;
- д) меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб танишириши шарт эмас, бироқ жамоа шартномасининг қоидаларини ички тартиб қоидаларига киритиши зарур.

**51. Бош жамоа келишувининг тарафлари кўрсатилган вариантни белгиланг?**

- а) ходимлар ва иш берувчиларнинг республика даражасидаги ваколатли вакиллари ҳамда ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси;
- б) ходимлар ва иш берувчиларнинг республика даражасидаги ваколатли вакиллари ҳамда ўзбекистон республикаси меҳнат вазирлиги;
- с) ходимлар ва иш берувчиларнинг республика даражасидаги ваколатли вакиллари ҳамда ўзбекистон республикаси касаба уюшмаси;
- д) ходимлар ва иш берувчиларнинг республика даражасидаги ваколатли вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлиги ҳузуридаги давлат Меҳнат инспекцияси.

**52. Худудий жамоа келишувлари кимлар ўртасида тузилади?**

- а) ходимлар ва иш берувчиларнинг вилоят босқичидаги органдарни;
- б) ходимлар ва иш берувчиларнинг тегишли вакиллик органлари;
- с) ходимлар ва иш берувчилар ҳамда туман касаба уюшмаси;
- д) ходимлар ва иш берувчилар ҳамда туман касаба уюшмаси давлат меҳнат инспекциясининг ҳудудий бўлинмаси.

**53. Жамоа келишувининг амал қилиш муддати?**

- |              |              |
|--------------|--------------|
| а) уч йил;   | б) беш йил;  |
| с) икки йил; | д) тўрт йил. |

**54. Жамоа келишуви қанча муддатга эълон қилиниши лозим?**

- |             |               |
|-------------|---------------|
| а) бир кун; | б) уч кун;    |
| с) беш кун; | д) бир хафта. |

**55. Бош жамоа келишуви имзолангандан сўнг қаерда эълон қилиниши шарт?**

- a) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг расмий вебсайтида;
- б) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида;
- с) Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмасининг расмий веб-сайтида;
- д) Ўзбекистон Республикаси Давлат меҳнат инспекциясининг расмий веб-сайтида.

**56. Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжданд тоифалари жумласига қўйидагилар кирмайди?**

- а) пенсияолди ёшидаги шахслар (қонунда белгиланган пенсия ёшига қадар уч йил олдин ёшида бўлганлар);
- б) «мехрибонлик» уйларининг битирувчилари;
- с) ногиронлиги бўлган шахслар;
- д) одам савдосидан жабрланганлар.

**57. Иш берувчининг зиммасида бандлик ва ишга жойлаштириш соҳасида мажбуриятларни кўрсатинг?**

- а) жамоа келишувларига ва жамоа шартномасига мувофиқ қўшимча кафолатлар бериш;
- б) ташкилотда касаба уюшмасини ташкил қилиш;
- с) Прокуратура органларига бўш иш ўринлари хақида маълумот бериш;
- д) моддий қимматликлар билан ишлаётган ҳодим билан моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаси тузиш.

**58. Ҳодимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари жумласига қайси мезонлар киради?**

- а) ҳодимларининг сони ун нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-хукукий шаклдаги ташкилотни тугатиш;
- б) ҳодимларининг сони йигирма нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-хукукий шаклдаги ташкилотни туга-тиш;

- c) ходимларининг сони йигирма беш нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-хукуқий шаклдаги ташкилотни тугатиш;
- d) ходимларининг сони ўн беш нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-хукуқий шаклдаги ташкилотни тугатиш.

**59. Ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом этиришни рад этса, иш қидириш даврида ўртacha ойлик иш ҳақиқайси муддатга сақланади?**

- a) бундай ҳолатда ходим ҳеч қандай тўловларсиз ишдан бўшатилади;
- б) кўпи билан уч ой;
- с) сақланмайди, шунчаки ишдан бўшатиш нафақаси тўланади;
- д) кўпи билан икки ой.

**60. Шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланганлиги муносабати билан ишдан бўшатилаетган ходимга қандай кафолатлар мавжуд?**

- a) иш қидириш даврида ўртacha ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан бир ойга сақланиб қолинади;
- б) иш қидириш даврида ўртacha ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан икки ойга сақланиб қолинади;
- с) бундай ҳолатда ҳеч қандай тўловлар мавжуд эмас, ишчи аввалдан иш қидириш чорасини қилиш зарур;
- д) ишдан бўшатиш нафақаси икки бароваро мидорида тўланади, бир неча ўртacha иш ҳақлари тўланмайди.

**61. Суднинг ташкилотни тугатиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирганлиги муносабати билан ишдан бўшатилаетган ходимга қандай кафолатлар мавжуд?**

- а) бундай ҳолатда ҳеч қандай тўловлар мавжуд эмас, ишчи аввалдан иш қидириш чорасини қилиш зарур;

- б) иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан икки ойга сақланиб қолинади;
- с) иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан бир ойга сақланиб қолинади;
- д) ишдан бўшатиш нафақаси икки бароваро мидорида тўланади, бир неча ўртача иш ҳақлари тўланмайди.

**62. Бажараётган ишига малакаси етарли эмаслиги оқибатида нолойик эканлиги муносабати билан ишдан бўшатилаётган ходимга қандай кафотлатлар мавжуд?**

- а) иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан бир ойга сақланиб қолинади;
- б) иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан икки ойга сақланиб қолинади;
- с) ишдан бўшатиш нафақаси икки бароваро мидорида тўланади, бир неча ўртача иш ҳақлари тўланмайди;
- д) бундай ҳолатда ҳеч қандай тўловлар мавжуд эмас, ишчи аввалдан иш қидириш чорасини қилиш зарур.

**63. Ходим иш берувчи билан бирга ишлаш учун бошқа жойга кўчишни рад этганлиги муносабати билан ишдан бўшатилаётган ходимга қандай кафотлар мавжуд?**

- а) бундай ҳолатда ҳеч қандай тўловлар мавжуд эмас, ишчи аввалдан иш қидириш чорасини қилиш зарур;
- б) ишдан бўшатиш нафақаси икки бароваро мидорида тўланади, бир неча ўртача иш ҳақлари тўланмайди;
- с) иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан икки ойга сақланиб қолинади;
- д) иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан бир ойга сақланиб қолинади.

**64. Мехнат шартномаси тарафлари ким?**

- а) ходим ва иш берувчи;
- б) ходим, иш берувчи, ходимларнинг вакиллик органи;
- с) ходим, иш берувчи, касаба уюшмаси;
- д) ходим, иш берувчи, ташкилотнинг коррупцияга қарши қураш бўйича маҳсус ходими.

**65. Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик тўғрисида битта мехнат шартномасида назарда тутилиши мумкинми?**

- а) бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик тўғрисида битта мехнат шартномасида назарда тутилиши мумкин;
- б) бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик тўғрисида битта мехнат шартномасида назарда тутилиши мумкин эмас, бундай ҳолатда хоимдан тегишли тилхат олинади;
- с) бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик тўғрисида битта мехнат шартномасида назарда тутилиши мумкин эмас, бунга мехнат шартномасига қўшимча келишув тузилиши шарт;
- д) бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик тўғрисида битта мехнат шартномасида назарда тутилиши мумкин эмас, бунга алоҳида мехнат шартномаси тузилади.

**66. Мехнат шартномасининг қайси шарти хақиқий эмас деб хисобланади?**

- а) байрам кунларда меҳнат қилишни назарда тутувчи шартлар;
- б) бошқа шахсларнинг шаънига путур етказадиган ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлайдиган шартлар;
- с) ташкилотда ҳақ эвазига навбатчиликни назарда тутадиган шартлар;
- д) тунда меҳнат қилишни назарда тутувчи шартлар.

**67. Мехнат шартномаси нечта нусҳада тузилади?**

- а) уч нусҳада, ходим ва иш берувчи ва битта нусҳаси касаба уюшмаси учун;
- б) икки нусҳада;
- с) битта нусҳада, ташкилотда сақлаш учун;

д) тўрт нусҳада, ходим, иш берувчи, касаба уюшмаси, ва Давлат меҳнат инспекцияси учун .

**68. Қайси маълумотлар меҳнат шартномасида кўрсатилмайди?**

- а) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараги рақами; б) шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар; с) солик тўловчининг идентификация рақами;
- д) шахс билан тузилган моддий жавобгарлик шартномаси ҳакидаги маълумотлар.

**69. Агар меҳнат шартномасида иш бошланадиган кун белгиланмаган бўлса, ходим қачон ишга киришиши керак?**

- а) ходим шартнома кучга кирган кундан кейинги иш кунида ишга киришиши керак;
- б) ходим шартнома кучга кирган кундан кейинги хафта бошидан ишга киришиши керак;
- с) ходим шартнома кучга кирган куни уннинг ўзида ишга киришиши керак;
- д) кейинги ойнинг биринчи санасидан ходим ишга киришиши керак.

**70. Меҳнат шартномаси қачон кучга киради?**

- а) иш берувчи ва ходим томонидан имзоланган кундан бошлаб, янги хафтанинг биринчи кунидан;
- б) иш берувчи ва ходим томонидан имзоланган кундан бошлаб, янги ойнинг биринчи кунидан;
- с) иш берувчи ва ходим томонидан имзоланган кундан кейинги куни;
- д) иш берувчи ва ходим томонидан имзоланган кундан эътиборан.

**71. Меғнат шартномаси руйҳатдан ўтказиладими?**

- а) меҳнат шартномасини давлат руйҳатидан ўтказиш талааб этилмайди;

- б) меҳнат шартномаси «ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексида рўйхатдан ўтказилиши шарт;
- с) меҳнат шартномаси ташкилотнинг касаба уюшмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт;
- д) меҳнат шартномаси ташкилотнинг вакиллик органида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

**72. Муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси энг кўпи билан қайси даврга тузилиши мумкин?**

- а) тўққиз ой;
- б) уч йил;
- с) бир йил;
- д) олти ой.

**73. Меҳнат шартномасини тузишга неча ешдан йўл қўйилади?**

- а) ўн саккиз ёш;
- б) ўн олти ёш;
- с) йигирма ёш;
- д) ўн уч ёш.

**74. Қариндошларнинг давлат ташкилотида бирга хизмат қилишини қайси ҳолатда чекланади?**

- а) ҳар қандай ҳолатлар агарда бундай ташкилот суд ва хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бўлса;
- б) ҳар қандай ҳолатда агар улар бир-бирига нисбатан яқин қариндошлар бўлса ;
- с) чеклаш мавжуд эмас, чунки бундай чеклаш дискриминация хисобланади ;
- д) агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунишига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса.

**75. Қариндошларнинг давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши билан боғлиқ чекловлардаги истиснолар қайси орган томонидан белгиланади?**

- а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси; б)  
Ўзбекистон Республикаси Президенти;

- c) Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси;
- d) Вилоят (шахар) даражасидаги махаллий кенгаш депутатлари.

**76. Ишга қабул қилишда қайси босқичи мавжуд эмас?**

- a) ҳодимнинг иш берувчига иш масаласида мурожаат қилиши;
- b) иш берувчи томонидан ҳодимни ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилиш;
- c) меҳнат шартномаси шартлари бўйича тарафларнинг келишувга эришиш;
- d) ишга қабул қилиш чоғидаги таништириш тартиб-таомили.

**77. Ишга қабул қилишда қайси ҳужжат талаб қилинмайди?**

- a) солиқ тўловчининг идентификация рақамини;
- b) судланганлик ҳақида маълумотнома;
- c) жамғарib бориладиган пенсия дафтарчаси;
- d) электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

**78. Ҳодим ишга ҳақиқатда ишга қўйилганда иш берувчи иш бошланган кундан эътиборан нечи кунда меҳнат шартномаси тузилиши лозим?**

- a) уч кун;
- b) икки кун;
- c) беш иш куни;
- d) бир кун.

**79. Ҳодимларнинг қайси тоифаларига нисбатан дастлабки синов белгиланиши мумкин эмас?**

- a) супер контрактга ўқиган олий таълим юртининг битирувчи;
- b) ҳомиладор аёл;
- c) соҳа бўйича ўн йил стажига эга бўлган мутаҳассис;
- d) илмий даражаси бор ҳодимлар.

**80. Ташкилот бош бош бухгатери учун дастлабки синовнинг қонунда белгиланган максимам муддати қанча?**

- a) олти ой;
- b) тўрт ой;
- c) уч ой;
- d) беш ой.

**81. Дастребаки синов даврида тарафлар бир томонлама мөхнат шартномасини бекор қилишга ҳақлами?**

- а) фақат ҳодим ҳақли;
- б) икки тараф ҳам ҳақли;
- с) фақат иш берувчи ҳақли;
- д) иш берувчи касаба уюшмасининг розилиги билан.

**82. Иш ўрнини тайёрлаш ва тозалаш иш вақтига кирадими?**

- а) ха, киради;
- б) ха киради, фақат фаррошлари учун;
- с) жамоа келишувларида агар белгиланган бўлса, киради;
- д) кирмайди.

**83. Иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги ходимларнинг қайси тоғиалари учун белгиланмайди?**

- а) иши юқори даражадаги руҳий, зўриқишиш билан боғлиқ хайдовчиларга;
- б) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар;
- с) ій гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходимлар;
- д) ій гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходимлар.

**84. Иш берувчи қайси тоифадаги ходимларнинг талаби билан тўлиқсиз иш вақтини белгилашга мажбур?**

- а) мажбурий мөхнаттага конунда белгиланган тартибда жалб этилган шахсларга;
- б) ўн олти ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган бола ота-онасидан бирига;
- с) тунги сменада мөхнат фаолиятини кўрсатаетган ходимларга;
- д) қарамоғида қария ота(онаси)бор ходимларга.

**85. Қайси вақтдан қайси вақтгача ходим тунги вақтда ишланган деб ҳисобланади?**

- а) соат 22-00 дан то соат 7-00 гача; б) соат 23-00 дан то соат 5-00 гача; с) соат 22-00 дан то соат 6-00 гача;

д) соат 21-00 дан то соат 4-00 гача.

**86. Қайси холатда иш берувчи томонидан ходимни унинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишга жалб этишга ҳакли эмас?**

- а) ишлаб чиқарышдаги авариялар билан боғлиқ бажарилган ишлар амалга оширилганда;
- б) табиий ёки техноген хусусиятга эга ҳалокатлар билан боғлиқ бажарилган ишлар амалга оширилганда;
- с) муайян ишни фақат битта ходим бажариши мумкин бўйдганда;
- д) эпизоотияларнинг олдини билан боғлиқ бажарилган ишлар амалга оширилганд.

**87. Иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп давомийлиги нечи соатдан иборат?**

- а) йилига бир юз йигирма соат;
- б) йилига бир юз эллик соат;
- с) йилига бир икки юз соат;
- д) йилига бир юз ўттиз беш соат.

**88. Қайси вариантда дам олиш вақтининг тури кўрсатилган?**

- а) кўшимча меҳнат таътил;
- б) мажбурий прогул вақти;
- с) иш жойини тозалаш вақти;
- д) техник инструктаждан ўтиш вақти.

**89. Қайси вариантда дам олиш вақтининг тури кўрсатилган?**

- а) иш куни (смена) давомидаги танаффуслар;
- б) ходим томонидан жамоат мажбуриятлари бажариладиган давр;
- с) ижтимоий таътиллар;
- д) ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври.

- 90. Иш куни (смена) давомида ходимга дам олиш ва овқатланиш учун беридагидан танаффуснинг минимал давомийлиги?**
- а) ўттиз минут;
  - б) олтмиш минут;
  - с) кирқ беш минут;
  - д) эллик минут.
- 91. Айнан битта иш берувчидағи ходимлар учун иш ҳафтасининг ҳар хил турлари белгиланиши мумкинми?**
- а) ха, мумкин, бажариладиган ишнинг хусусиятларига қараб;
  - б) мумкин эмас, чунки бу дискриминация;
  - с) мумкин эмас, чунки ишлаб чиқариш хусусияти бунга йўл кўймайди;
  - д) мумкин эмас, акс ҳолда ижтимоий адолат тамойиллари бузилади.
- 92. Дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келган холатлар Мехнат кодексида қандай тартибга солинган?**
- а) дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келган тақдирда, дам олиш куни байрамдан кейинги иш кунига кўчирилмайди;
  - б) дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келган тақдирда, дам олиш куни байрамдан кейинги иш кунига кўчирилади;
  - с) дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келган тақдирда, дам олиш куни факат ҳукумат қарори билан байрамдан кейинги иш кунига кўчириллади;
  - д) дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келган тақдирда, дам олиш куни байрамдан кейинги иш кунига Президентнинг фармони асосида кўчирилади.
- 93. Ишланмайдиган байрам кунларида ходимни қайси холатда жалб қилиш мумкин?**

- а) бу холатлар жамоа келишувида алоҳида кўрсатилиб, бундай холатда хоимдга иккииш ҳаққининг икки баровари тўланади, ходимнинг ёзма розилиги талаб қилинмайди;
- б) ходимнинг ёзма розилиги билан, агар тадбиркорнинг кейинчалик нормал ишлаши олдиндан кутилмаган қайси ишларнинг шошилинич бажарилишига боғлиқ бўлса;
- с) бу холатлар меҳнат шартномасида алоҳида кўрсатилиб, бундай холатда хоимдга иккииш ҳаққининг икки баровари тўланади, ходимнинг ёзма розилиги талаб қилинмайди;
- д) бу холатлар жамоа шартномасида алоҳида кўрсатилиб, бундай холатда хоимдга иккииш ҳаққининг икки баровари тўланади, ходимнинг ёзма розилиги талаб қилинмайди.

**94. Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори бирор-бир энг кўп миқдор билан чекланадими?**

- а) меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори бирор-бир энг кўп миқдор би-лан чекланмайди;
- б) меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори бирор-бир энг кўп миқдор би-лан чекланади давлат идораларида республика бюджети параметрлари асосида;
- с) меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори бирор-бир энг кўп миқдор би-лан чекланади жамоа келишувида белгиланган холатларда;
- д) меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори бирор-бир энг кўп миқдор би-лан чекланади жамоа шартномосида белгиланган холатларда.

**95. Иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлаш пасайиши ҳақида ходими камида нечи ой олдин имзо қўйдириб огоҳлантириши керак?**

- а) иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлаш пасайиши ҳақида ходими камида икки ярим ой олдин имзо қўйдириб огоҳлантириши керак;
- б) иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлаш пасайиши ҳақида ходими камида бир ой олдин имзо қўйдириб огоҳлантириши керак;
- с) иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлаш пасайиши ҳақида ходими камида уч ой олдин имзо қўйдириб огоҳлантириши керак;

д) иш берувчи меҳнатга ҳақ тўлаш пасайиши ҳақида ходимни камида икки ой олдин имзо қўйдириб огоҳлантириши керак.

**96. Иш ҳаққининг ўзгарувчан қисми нималардан иборат?**

- а) келишилган ойликнинг асосий қисми;
- б) нафақа тўловлар;
- с) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳаққи;
- д) устамалар.

**97. Рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар жумласига нималар қирмайди?**

- а) нафақа тўловлари;
- б) иш ҳақига қўшимча тўловлар;
- с) мукофотлар;
- д) устамалар.

**98. Ходимларга иш ҳақи тўлашнинг энг кам муддати қайси вариантжа тўғри қўрсатилган?**

- а) ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас;
- б) ҳар ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас;
- с) ҳар ун кундан кам бўлиши мумкин эмас;
- д) ҳар йигирма кунда бир марта.

**99. Иш ҳақи тўланадиган кун дам олиш кунига ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолганда иш ҳақи қачон тўланади?**

- а) иш ҳақи тўланадиган кун дам олиш кунига ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолганда иш ҳақи ушбу кунлардан кейинги кунга тўланади;
- б) иш ҳақи тўланадиган кун дам олиш кунига ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолганда иш ҳақи ушбу кунлар арафасида тўланади;

- с) иш ҳақи тўланадиган кун дам олиш кунига ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолганда иш ҳақи ушбу кунлар ўтгандан сўнг бирини душанба куни тўланади;
- д) иш ҳақи тўланадиган кун дам олиш кунига ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолганда иш ҳақи ушбу кунлар ўтгандан сўнг янг хафтанинг биринчи куни.

**100. Агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаган бўлса, у билан ҳисоб-китоб қилиш қандай амалга оширилади?**

- а) тегишли суммалар ушбу ходим томонидан ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги талаб тақдим этилганидан кейин уч кундан кечиктирмай тўланиши керак;
- б) тегишли суммалар ушбу ходим томонидан ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги талаб тақдим этилганидан кейин беш кундан кечиктирмай тўланиши керак;
- с) тегишли суммалар ушбу ходим томонидан ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги талаб тақдим этилганидан кейин икки кундан кечиктирмай тўланиши керак;
- д) тегишли суммалар ушбу ходим томонидан ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги талаб тақдим этилганидан куни кечиктирмай тўланиши керак.

**101. Тилхат бериш орқали иш ҳақини беришга йўл қўйиладими?**

- а) йўл қўйилади, бироқ ҳисоб-китоб узоги билан беш иш кунда амалга оширилса;
- б) йўқ, тилхат орқали иш ҳақини ъеришга йўл қўйилмайди;
- с) йўл қўйилади, агар ташкилот суд қарори билан банкротлик деб топилган бўлса;
- д) йўл қўйилади, бироқ ҳисоб-китоб узоги билан уч иш кунидаги амалга оширилса.

**102. Иш берувчининг ходимга кафолатли тўловларни амалга ошириш мажбурияти қайси холатга таалуқли эмас?**

- а) ходим хизмат сафарида бўлмаган давр;
- б) ходим йиллик меҳнат таътилида бўлган давр;
- с) ходим хизмат сафарида бўлган давр;
- д) ходим ўқув таътилларида бўлган давр.

**103. Иш берувчининг ходимга кафолатли қўшимча тўловларни амалга ошириш мажбурияти қайси холатга таалуқли эмас?**

- а) тунги вақтдаги иш учун ходимга қўшимча тўловни амалга ошириш;
- б) дам олиш вақтидаги иш учун оширилган микдорда ҳак тўлаш;
- с) ходим вақтинча ишга қобилиятсиз ҳолатида бўлгандা;
- д) иш вақтидан ташқари иш учун оширилган микдорда ҳак тўлаш.

**104. Ходимлар давлат ва жамоат мажбуриятларини бажарганда бериладиган кафолатли тўловларга қайсилари кирмайди?**

- а) сайлов ҳуқуқини амалга ошираётганда;
- б) ногирон тунги ишларга жалб қилинганда;
- с) ҳарбий мажбуриятларни бажараётганда;
- д) ходим жамият манфаатларини кўзлаб ҳаракатларни амалга оширганда.

**105. Қон ва унинг таркибий қисмларини топширган куни ходимларга иш ҳақи бериладими?**

- а) хар бир қон топширган кун учун ўртача ойлик ҳаққининг 5% миклорида берилади;
- б) иш ҳақи берilmайди, чунки донорларга топширган қони учун алоҳида ҳақ берилади;
- с) энг кам ойлик иш ҳаққининг  $\frac{1}{2}$  қисми берилади;
- д) ўртача иш ҳақи берилади.

**106. Иш берувчининг ходимга кафолатли тўловларни амалга ошириш манбалари нималардан иборат?**

- а) меҳнат вазирлигининг бюджет ташқари жамғармасининг маблағлари;
- б) ижтимоий сұғарталаш жамғармасининг маблағлари;
- с) бюджет ташқари пенсия жамғармаси маблағлари;
- д) иш берувчининг маблағлари.

**107. Хизмат сафарига юборилган тақдирда иш берувчи ходимга нималарни қоплаб бермайды?**

- а) хизмат сафаридаги мажбуран амалга оширилган тиббий ҳаражатлар;
- б) туарар жой ижараси харажатлари;
- с) ходим томонидан иш берувчининг розилиги билан қилинган харажатлар;
- д) йўлкира харажатлари.

**108. Вахта усулидаги иш учун ойлик меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал миқдори қанчани ташкил қиласди?**

- а) вахта усулидаги иш учун ходим ўртача ойлик маошининг икки баровари миқдоридан кам бўлмаган миқдорда устама белгиланади;
- б) вахта усулидаги иш учун ходим ўртача ойлик маошининг ярмидан кам бўлмаган миқдорда устама белгиланади;
- с) вахта усулидаги иш учун ходим ўртача ойлик маошининг бир баровари миқдоридан кам бўлмаган миқдорда устама белгиланади;
- д) вахта усулидаги иш учун ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда устама белгиланади.

**109. Ички меҳнат тартиби қоидалари қандай тартибда қабул қилинади?**

- а) иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади;
- б) иш берувчи томонидан якка тартибда қабул қилинади;
- с) иш берувчи томонидан туман касаба уюшмаси билан келишган ҳолда тасдиқланади;

д) иш берувчи томонидан туман давлат меҳнат инспектори билан келишган ҳолда тасдиқланади.

**110. Ҳодимнинг ҳолатини меҳнат тўғрисидаги жамоа келишувига нисбатан ёмонлаштирувчи меҳнат тартибини тартибга солувчи ички хужжатлар қоидалари қандай юридик қучига эга бўлади?**

- а) ички тартиб қоидалари бундай ҳолатда ҳақиқий ҳисобла- нади, чунки тадоиркорлик эркнилиги тамойилидан келиб чиқсан ҳолда иш берувчи томонидан ишлаб чиқилади;
- б) ҳодимнинг ҳолатини меҳнат тўғрисидаги жамоа келишувла- рига нисбатан ёмонлаштирувчи меҳнат тартибини тартибга солувчи ички хужжатлар қоидалари ҳақиқий ҳисобланади;
- с) ҳодимнинг ҳолатини меҳнат тўғрисидаги жамоа келишувла- рига нисбатан ёмонлаштирувчи меҳнат тартибини тартибга солувчи ички хужжатлар қоидалари ҳақиқий эмасdir;
- д) ички тартиб қоидалари жамоа келишувларига нисбатан устунроқ юридик қучга жга бўлганлиги сабабли, ҳақиқий ҳи- собланади.

**111. Рағбатлантириш турлари қайси норматив хужжатларда белгиланади?**

- а) иш берувчининг касаба уюшмасига юборилган тақдимнома- сида;
- б) меҳнат шартномасида;
- с) давлат меҳнат инспектори тақдимномасида;
- д) туман меҳнат ижтимоий комиссиясининг хулосасида.

**112. Қайси ҳолатда ҳодимлар давлат мукофотига тақдим этилиши мумкин?**

- а) ташкилотдаги ишлаш чиқариш унумдорлигини ошириш учун;
- б) меҳнат соҳасида жамият ва давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун;
- с) ташкилотни банкротлик ҳолатидан олиб чиққани учун;

- д) меҳнат соҳасида илғор ички локал ҳужжатларни ишлаб чиққани учун.

**113. Қайси рағбатлантириш турига кирмайди?**

- а) мукофот;
- б) қимматбаҳо совғани топшириш;
- с) устама;
- д) иш ҳақи.

**114. Қайси ҳолатда ходим интизомий қилмиш учун жавоб-гарликка тортилади?**

- а) қилмиш форс-мажор ҳолатида юз берган бўлса;
- б) қилмиш иш берувчи томонидан зарур шарт-шароитлар таъминланмаганлиги натижасида юз берса;
- с) қилмиш ходим қарамоғида ижтимоий ҳимояга мухтоҷ қария боқимандалар мавжудлиги сабабли юз берса;
- д) қилмиш ходим томонидан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда юз берса.

**115. Хизмат текширувини амалга оширувчи комиссия нечта аъзодан иборат бўлиши лозим?**

- а) камида беш киши;
- б) камида уч киши;
- с) камида тўрт киши;
- д) камида икки киши.

**116. Хизмат текширув комиссияси таркибиغا қайси шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди?**

- а) ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг жияни;
- б) ташкилот раҳбарининг ўринбосари;
- с) четдан жалб қилинган мутаҳассилар;
- д) касаба уюшмасининг аъзоси.

**117. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг хуқуqlariga қайсилар кирмайди?**

- а) ўзининг буйсувидаги ходимни хизмат текшируви комиссияси таркибиغا киритишни талаб этишга;
- б) комиссия аъзоларини рад этиш тўғрисида арз қилиш;
- с) гувоҳларни хизмат текшируви ўтказилиши давомида тақдим қилишга;
- д) комиссиянинг қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш.

**118. Хизмат текшируви муддати нечи кунни ташкил этади?**

- а) бир хафта;
- б) икки хафта;
- с) ўн иш куни;
- д) ўн беш кун.

**119. Хизмат текширувини ўтказиш вақтида иш берувчи ходимни ишдан четлаштиришга ҳақлими?**

- а) ҳақли эмас, чунки ҳодим бундай ҳолатда ўз хукуқлари ва манфаатларини химоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлади;
- б) агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига халақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, ҳақли;
- с) агар хизмат текширувини ўтказиш чоғида ходим текширувни холисона олиб борилишига фаол тўқсинглик қилгандан сўнг, ҳақли;
- д) агар хизмат текшируви комиссияси таркибида касаба уюшмасини вакили бўлса, ҳақли.

**120. Хизмат текширувининг натижалари ҳақидаги қарордан рози бўлмаган комиссия аъзоси қандай ҳаракат амалга ошириши лозим?**

- а) хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатномага илова қилинадиган ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён этишга ҳақли;
- б) кўпчилик овоз билан қабул қилинган далолатномага кўшилди, бироқ фикрини далолатномага киритади;

- c) ҳеч қандай муносабат билдириласдан, хизмат текшируви далолатномасига имзо чекади, бироқ давлат меҳнат инспекторига ўзини норозилиги билдириши шарт;
- d) хизмат текшируви далолатномасини имзоланмасдан, ўзини ўзи раддия қилади.

**121. Хизмат текшируви далолатномаси нечи кунда иш берувчига тақдим этилиши шарт?**

- a) иш хафтасининг якуний кунида;
- b) тузилган куннинг ўзида;
- c) уч иш кунида;
- d) икки иш кунида.

**122. Қайси жавобгарлик тури интизомий жазо чораси сифатида меҳнат кодексида белгиланмаган?**

- a) хайфсан;
- b) меҳнат шартномасини бекор қилиш;
- c) жарима;
- d) иш берувчига иш ҳаққининг икки баровари миқдорида зарарни қоплаш.

**123. Тафтиш натижаларига кўра натижаларига кўра интизомий жавобгарликни қўллаш муддати?**

- a) бир ой;
- b) олти ой;
- c) икки ой;
- d) ўн беш иш куни.

**124. Интизомий жавобгарликнинг амал қилиш муддати?**

- a) бир йил;
- b) олти ой;
- c) тўқиз ой;
- d) уч ой.

**125. Ходимнинг соғлиғига етказилган зиённинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш қайсиларни ўз ичига олмайди?**

- а) ходимнинг қўшимча харажатларини компенсация қилиш; б) ходимга йўқотилган иш ҳақи учун ҳар ойлик тўловлар;
- с) ўқув юртида таҳсил олаетган ходим фарзандига контракт тўловини амалга ошириш;
- д) ходимга бир марталик нафақа тўлаш.

**126. Ходимнинг соғлиғига зиён етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақа миқдори қанчадан кам бўлмаслиги керак?**

- а) жабрланган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи асосида хисобланган йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак;
- б) жабрланган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи асосида хисобланган икки йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак;
- с) жабрланган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи асосида хисобланган бир ярим йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак;
- д) жабрланган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи асосида хисобланган уч йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

**127. Ходимнинг соғлиғига зиён етказилганлиги муносабати билан йўқотилган иш ҳақининг ўрнини қоплаш учун амалга ошириладиган ойлик тўловлар миқдори қандай аниқланади?**

- а) жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақининг бир бароваридан кам бўлмаган ҳолатда;
- б) жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақининг  $\frac{1}{2}$  қисмдан кам бўлмаган миқдорда;
- с) жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўрта- ча ойлик иш ҳақига нисбатан унинг касбий меҳнат қобилиятининг йўқотилиши даражасига мувофиқ бўлган фоизли нисбатда;

д) жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳаққининг икки бароваридан кам бўлмаган ҳолатда.

**128. Ким меҳнатга қобилиятызиз деб ҳисобланмайди?**

- а) ўн саккиз ёшдан ошган шахслар, агар уларга шу ёшга тўлгунига қадар ногиронлик белгиланган бўлса;
- б) вафот этган ходимнинг турмуш уртоғи, агар унинг қарамоғида икки ва ундан ортиқ 9 ёшга бўлмаган фарзандлари бўлса;
- с) ўзига нисбатан ногиронлик белгиланган шахслар;
- д) эллик беш ёшга тўлган аёллар.

**129. Марҳумнинг қарамоғида бўлган сингилларини парваришилаш билан банд бўлган ота-онасидан бирига зиённинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш муддати қанчани ташкил этади?**

- а) қарамоғидаги шахслар ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар;
- б) қарамоғидаги шахслар ўн тўрт ёшга тўлгунига қадар;
- с) қарамоғидаги шахслар ўн етти ёшга тўлгунига қадар;
- д) қарамоғидаги шахслар ўн олти ёшга тўлгунига қадар.

**130. Боқувчи вафот этганлиги муносабати билан етказилган зиённинг ўрни иш берувчи томонидан қопланган тақдирда амалга ошириладиган тўловларга нималар кирмайди?**

- а) мархумнинг фарзандлари контракт тўлови асосида таҳсил олиш харажатлари;
- б) бир йўла бериладиган нафақа;
- с) боқувчининг йўқотилган иш ҳақи ўрнини қоплайдиган ойлик тўловларни;
- д) қўшимча харажатларни компенсация қилишни.

**131. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид тадбирларни ўтказиш учун иш берувчи томонидан ажратилган маблағлар ва материаллар бошқа мақсадга йўналтириши мумкинми?**

- а) бу маблағлар ва материалларни фақат ойлик маоши бүйича қарздорликни сүндириш учун йўналтириш мумкин ;
- б) бу маблағлар ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш тақиқланади;
- с) бу маблағлар ва материалларни касаба уюшмасининг фаолиятини рағбатлантиришга йўлтириши мумкин;
- д) бу маблағлар ва материалларни факат ҳодимларни рағбатлантиришга йўлтирилиши мумкин .

**132. Ходимлар меҳнатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар ўтказилиши муносабати билан чиқимдор бўладими?**

- а) агарда жамоа шартномасиада бебгиланган бўлса, ходимлар меҳнатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар ўтказилиши муносабати билан чиқимдор бўлади;
- б) агарда жамоа келишувида бебгиланган бўлса, ходимлар меҳнатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар ўтказилиши муносабати билан чиқимдор бўлади;
- с) ҳодимларни рағбатлантиришга ажратилган жамғарма ҳисобидан чиқимдор бўлиши мумкин;
- д) ҳодимлар меҳнатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар ўтказилиши муносабати билан чиқимдор бўлмайди.

- а) бедарак йўқолган деб топилган шахс ва унинг хотини (эри) ўртасида фарзандлар бўлмаса, фхдё органи никоҳдан ажралишни қайд этади;
- б) бедарак йўқолган деб топилган шахс белгиланган тартибида ўлган деб эълон қилингандан кейингина никоҳ муносабатлари тугаган хисобланади;
- с) суд тартибида, даъво қўзғатиш йўли билан;

- д) иккинчисининг туман (шахар) фҳдё бўлимига берган аризаси асосида.
- 57. Эр хотиннинг биргаликдаги аризаси асосида никоҳдан ажралиш улардан бирининг иштирокисиз ҳам қайд этилиши мумкинми?**
- а) эр хотиндан бири иштирок эта олмаса, никоҳдан ажралиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади;
  - б) эр хотиндан бири иштирок эта олмаса, албатта унинг вакили иштирок этиши керак;
  - с) эр хотиндан бири иштирок эта олмаса, унинг иштирокисиз никоҳдан ажралишни қайд этишни сўраб ариза ёзиши керак;
  - д) эр хотиндан бири ФҲДЁ бўлимига кела олмаса, никоҳдан ажралишни қайд этиш бошқа муддатга кўчирилади.
- 58. Никоҳдан ажралиш ФҲДЁ органларида қайд этилиши учун?**
- а) эр хотин ажралишга ўзаро рози бўлишлари, мулкий низолари ва вояга етмаган фарзандлари бўлмаслиги керак;
  - б) эр хотин ажралишга ўзаро рози бўлишлари, мулкий низолари бўлмаслиги ва вояга етган болаларининг розилиги керак;
  - с) эр хотин ажралишга ўзаро рози бўлишлари, мулкий низолари ва фарзандлари бўлмаслиги керак;
  - д) эр хотин ажралишга ўзаро рози бўлишлари, мулкий низолари бўлмаслиги ва уларнинг ота-оналарининг розилиги керак.
- 59. Қандай ҳолларда эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга ҳақли эмас?**
- а) хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида;
  - б) хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир ой мобайнида;
  - с) хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир ярим йил мобайнида;

- д) хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида.
- 60. Суд ишнинг қўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун қанча муддатгача мухлат тайинлашга ҳақли?**
- а) тўққиз ойгача;  
б) бир йилгача;  
с) уч ойгача;  
д) олти ойгача.
- 61. Суд эр ва хотинни қандай асосларга кўра никохдан ажратади?**
- а) эр ва хотинни никохдан ажратишда хотин эрига хиёнат қилган деб топса;  
б) эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса;  
с) эр ва хотинни никохдан ажратишда эр хотинига ва фарзандига моддий таъминот бермаган деб топса;  
д) эр ва хотинни никохдан ажратишда эр ёки хотин чет элга сўроқсиз чиқиб кетган деб топса.
- 62. Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никохдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар?**
- а) вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никох давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туман ёки шаҳар ҳокими ўринбосари томонидан;  
б) вояга етган фарзандлар розилиги билан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади;  
с) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади;  
д) суд органларида ажратилади.
- 63. Агар эр-хотиндан бири?**

- a) суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилилади;
- б) содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар суд тартибида ажратилади;
- с) барча жавоблар тўғри;
- д) суд томонидан рухияти бузилиши (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар суд тартибида ажратилади.

**64. Суд никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариш пайтида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг гувоҳномаси бериладётганда эр-хотиннинг хар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган давлат божининг қанча миқдорини белгилаши лозим?**

- а) БХМнинг бир ярим бараваридан уч бараваригача (эр-хотиннинг биридан ёки уларнинг иккаласидан);
- б) БХМнинг уч ярим бараваридан тўрт бараваригача (эр-хотиннинг биридан ёки уларнинг иккаласидан);
- с) БХМнинг юз бараваридан уч юз бараваригача (эр-хотиннинг биридан ёки уларнинг иккаласидан);
- д) БХМнинг юз бараваригача (эр-хотиннинг биридан ёки уларнинг иккаласидан).

**65. Никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзgartирган эр (хотин) қачон никоҳгача бўлган фамилиясига қайтарилиши мумкин?**

- а) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда; б) никоҳгача бўлган фамилия қайтариilmайди;
- с) никоҳдан ажратилгандан кейин суд тартибида;

д) никохдан ажратилишда ФХДЕ орани орқали.

**66. Никоҳ қачондан бошлаб тугатилган ҳисобланади?**

- а) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никохдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан;
- б) суднинг ҳал қилув қарори эълон кундан;
- с) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан;
- д) суд органларига никохдан ажратиш ҳақида ариза берилган кундан.

**67. Хотиннинг бир ёшга етмаган фарзанди бўлиб, эр хотиннинг розилигисиз никохдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қиласа, суд?**

- а) аризани кўрмасдан қолдиради;
- б) аризани қайтаради;
- с) аризани қабул қилишни рад этади;
- д) иш юритишни тугатади.

**68. Эр ва хотинни яраштириш учун мухлат бериб, иш кўриши кейинга қолдириш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан?**

- а) шикоят бериш мумкин эмас;
- б) ўн кунлик муддат ичida хусусий шикоят бериш мумкин;
- с) йигирма кун муддат ичida апелляция шикояти бериш мумкин;
- д) бир йил давомида кассация шикояти бериш мумкин.

**69. Тарафлар ярашганлиги муносабати билан суд иш юритиши тугатиш ҳақидаги ажрим чиқаргач, ушбу тарафлар никохдан ажратиш тўғрисидаги тақрорий даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли бўладими?**

- а) ажрим чиқсан кундан эътиборан камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин;
- б) ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб, камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин;

- с) тарафлар ярашганлиги муносабати билан суд иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим чиқаргач, ушбу тарафлар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли эмас;
- д) ажрим қонуний кучга кирган куннинг эртасидан бошлаб, камада олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин.

**70. Никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулкини бўлиш ҳақидаги талаблари учун белгиланган даъво муддатини аниқланг?**

- а) даъво муддати белгиланмайди;
- б) бир йил;
- с) олти ой;
- д) уч йил.

**71. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асоси нотўғри кўрсатилган қаторни танланг?**

- а) никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (оив касаллиги) борлигини билган тарзда тузилган никоҳ;
- б) никоҳга киришувчи шахсларнинг лоақал биттаси руҳият бузилиши (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида тузилган никоҳ;
- с) никоҳга киришувчи шахсларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида тузилган никоҳ;
- д) насл-насад шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида тузилган никоҳ.

**72. Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан?**

- a) никохни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади;
- б) никоҳда ажратиш суд тартибида кўриб чиқилади;
- с) бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътиroz билдиришга ҳақлидир;
- д) олти ой мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътиroz билдиришга ҳақлидир.

**73. Ўзаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-она улардан бола туғилгандা?**

- a) уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланиши мумкин;
- б) уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланиши мумкин эмас;
- с) уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги улар қонуний никоҳдан ўтгандан кейин белгиланиши мумкин;
- д) улар ўн олти ёшга тўлгандан кейин белгиланиши мумкин.

**74. Ўн олти ёшга тўлмаган бола ўз фамилиясини ўзгартиришга ҳақлими?**

- а) ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл кўйилади;
- б) ўн олти ёшга тўлмаган бола ўз фамилиясини ўзгартиришга ҳақли эмас;
- с) ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан ўзгартиришга ҳақли;
- д) васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ҳақли.

**75. Никоҳ шартномаси қайси даврда тузилади?**

- а) никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилиши мумкин;
- б) никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин;
- с) никоҳ шартномаси никоҳ даврида тузилиши мумкин;
- д) никоҳ шартномаси никоҳдан қонуний ажрашгандан кейин тузилиши мумкин.

**76. Қайси ҳолларда эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади?**

- а) эр-хотиндан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- б) вояга етган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар;
- с) эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргалиқдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда;
- д) вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар.

**77. Қачондан бошлаб никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади?**

- а) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ суд қарори қонуний кучга киргандан сўнг ҳақиқий эмас деб ҳисобланади;
- б) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади;
- с) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ суд қарори чиқарилгандан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади;
- д) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилмаган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

**78. Қуйидагилардан қайси суд ҳал қилув қарорлари дархол ижрога қаратилади?**

- а) фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги;
- б) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги;
- с) алимент ундириш тўғрисидаги;
- д) мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги.

**79. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қайси орган томонидан ҳал этилади?**

- а) нотариал идоралар томонидан;
- б) фақат суд органлари томонидан;

- с) ижтимоий таъминот органлари томонидан;
  - д) ФХДЁ органлари томонидан.
- 80. Алимент ундириш тўғрисидаги суд буйругини бериш тўғрисидаги ариза учун қанча миқдорда давлат божи тўланади?**
- а) суд буйругини берганлик учун давлат божи ундирилмайди;
  - б) судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг йигирма беш фоизи миқдорида давлат божи тўланади;
  - с) қонун хужжатларида даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади;
  - д) судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўланади.
- 81. Алимент ундириш тўғрисида суд буйруги қанча муддатда чиқарилади?**
- а) ариза судга келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида;
  - б) ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида; с)
  - ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида;
  - д) ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида.
- 82. Қуидаги қайси ҳолларда болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ишлар никохдан ажратиш тўғрисидаги ишдан алоҳида кўрилади?**
- а) агар жавобгар туғилиш тўғрисидаги ёзувларни қайд қилиш дафтаридаги отаси ёки онаси деган ёзувга эътиroz билдирса;
  - б) агар жавобгар алимент ундириш тўғрисидаги талабни рад қилса;
  - с) агар боланинг таъминоти учун вақтинчалик алимент ундириш талаб этилса;

д) болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ишлар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишдан алоҳида кўри-лиши мумкин эмас.

**83. Кўйидаги қайси иш бўйича процессуал ҳуқуқий вори-slickka йўл қўйилмайди?**

- а) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- б) уй-жойга доир низоли ишлар бўйича;
- с) меросга доир ишлар бўйича;
- д) етказилган заарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича.

**84. Суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризада вояга етмаган болалар учун алимент ундириш талабида ўтган давр учун ҳам алимент ундириш талаби қўйилган бўлса?**

- а) тўғри жавоб йўқ;
- б) суд талаб берилган кундан бошлаб алимент ундириш ҳақида суд буйруғи беради ва ўтган давр учун алимент ундириш қисмини эса қаноатлантиришни рад этади;
- с) қаноатлантирилиши мумкин;
- д) ўтган давр учун алимент ундириш қисми бўйича эса ундирувчига даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқукини тушуниради.

**85. Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда тўланган давлат божи?**

- а) тўғри жавоб йўқ;
- б) умуман қайтариб берилмайди;
- с) ундирувчи қарздорга нисбатан даъво иши юритиш тартибида ариза билан судга мурожаат этган тақдирда тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўtkазилади;
- д) қайтариб берилади.

**86. Судья ўз ажрими билан қайси ҳолларда алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғини бекор қилиши шарт?**

- а) агар ўн қунлик муддатда қарздор томонидан арз қилинган талабга нисбатан эътиroz берилса;
- б) агар ўн қунлик муддатда қарздор томонидан арз қилинган талабга нисбатан шикоят берилса;
- с) агар ўн беш қунлик муддатда қарздор томонидан арз қилинган талабга нисбатан эътиroz берилса;
- д) тўғри жавоб йўқ.

**87. Қарздор қанча муддат ичидаги алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғи устидан эътиroz билдиришга ҳақли?**

- а) суд буйруғи нусхасини олган кундан эътиборан уч қунлик муддатда;
- б) суд буйруғи чиқарилган кундан эътиборан ўн қунлик муддатда;
- с) суд буйруғи чиқарилган кундан эътиборан беш қунлик муддатда;
- д) суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн қунлик муддатда.

**88. Фуқаролик процессида қуйидаги қайси ҳолатларда суд буйруғи чиқарилиши мумкин эмас?**

- а) вояга етмаган фарзанд таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш ҳақидаги талаб;
- б) ёзма шартномага асосланган сафарбарлик чақирав резервида хизматни ўташ учун пул бадалини ундириш ҳақидаги талаб;
- с) ҳисобланган лекин ходимга тўланмаган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб;
- д) коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақида-ги талаб.

**89. Алимент ундириш юзасидан буйруқ тартибида иш юритишида тарафлар сифатида кимлар иштирок этади?**

- а) кредитор ва жавобгар; б)
- ундирувчи ва қарздор; с)
- даъвогар ва жавобгар; д)
- даъвогар ва қарздор.

- 90. Никоҳдан ажралиш учун аниқ асослар Оила кодексида мустаҳкамлаб қўйилганми?**
- а) йўқ;
  - б) ха;
  - с) аниқ асослар қилиб эр-хотинларнинг никоҳдан ажралиши учун ўзаро розиликлари белгилаб қўйилган;
  - д) никоҳдан ажралиш учун аниқ асос бўлиб, эр-хотинларнинг муомалага лаёқатсиз деб топилиши ёки муомала лаёқати чекланиши ҳисобланади.
- 91. Диний расм-руsumларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эгами?**
- а) қонун билан тан олинмайди;
  - б) диний расм-руsumларга биноан тузиладиган никоҳ никоҳланувчи шахсларнинг ихтиёри бўлиб ҳисобланади;
  - с) эга;
  - д) эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқармайди.
- 92. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар нималар?**
- а) никоҳ ёшига етмаслик;
  - б) никоҳ тузиш учун ўзаро розиликликтининг мавжуд бўлмасли- ги;
  - с) лоақал биттаси рухият бузилиши (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;
  - д) соҳта никоҳ.
- 93. Никоҳ қачон ҳақиқий эмас деб топилади?**
- а) никоҳ тузиш тартиби ва шартлари бузилиб тузилган тақдирда;
  - б) эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда;
  - с) никоҳланувчи шахслар тиббий қўриқдан ўтмаганида;
  - д) никоҳ шартномаси белгиланган тартибда тузилмагандা.

**94. Оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан?**

- а) даъво муддати жорий қилинмайди;
- б) уч йиллик муддатдаги даъво муддати жорий қилинади;
- с) даъво муддати жорий қилинади;
- д) умумий асосларга кўра фуқаролик кодекси нормаларида белгиланиб қўйилган даъво муддати тадбиқ этилади.

**95. Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан даъво муддати қўлланиладими?**

- а) даъво муддати жорий қилинмайди;
- б) уч йиллик даъво муддати қўлланилади;
- с) бир йиллик даъво муддати қўлланилади;
- д) икки йиллик даъво муддати қўлланилади.

**96. Оила ҳуқуқининг манбалари бу?**

- а) оилавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамловчи ва ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йифиндиси;
- б) Қонун билан белгиланиб қўйилган оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий хужжатлар;
- с) Оила кодекси, ФХДК этиш қоидалари, Олий Суд Пленумининг никоҳ ва оила масалалари бўйича қарорлари;
- д) Фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, Давлат дастурлари.

**97. Эр-хотининг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу?**

- а) оиласда эр ва хотиннинг тенглиги, фамилия танлаши, болалар тарбияси ва оила турмуш масалаларини ҳал қилиши, машғулот турини, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқлари;
- б) эр-хотининг оиласда тенглиги;
- с) фақатгина эр ёки хотинга тегишли бўлган уларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

д) никоҳ шартномасида белгиланиб қўйилган шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари киради.

**98. Эр хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қандай асосларда вужудга келади?**

- а) фақатгина қонун асосида;
- б) қонун ва шартнома асосида;
- с) ўзаро розилик асосида;
- д) никоҳ шартномаси асосида.

**99. Тўйга кетган сарф-харажатлар ундириладими?**

- а) ҳар қандай ҳолатда етказилган зарар ундирилади;
- б) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар каноатларни маслиги белгиланиб қўйилган;
- с) фақатгина суд тартибида ундирилади;
- д) эр ёки хотиндан белгиланган миқдорда ундирилади.

**100. Неча ёшга тўлган боланинг фарзандликка олиш учун розилиги талаб қилинади?**

- а) фарзанд неча ёш бўлишидан қатъи назар розилиги талаб қилинади;
- б) ўн ёшга тўлган;
- с) фарзандликка олинаёган боланинг розилиги умуман талаб қилинмайди;
- д) ўн икки ёшга тўлган.

**101. Бир умумий учинчи шахсдан келиб чиққан шахслар?**

- а) қариндошлар;
- б) ён шажара бўйича қариндошлар;
- с) тўғри шажара бўйича қариндошлар;
- д) учинчи дарражадаги қариндош.

**102. Болаларга бағишлиланган хайрия фаолиятлари кимлар томонидан рағбатлантиради?**

- а) Давлат;
- б) Васийлик ва ҳомийлик органи;
- с) Ҳокимликлар;
- д) Молия вазирлиги.

**103. Эр хотиннинг ҳар бирининг хусусий мулкига нималар киради?**

- а) никохгача бўлган даврда орттирилмаган барча мулклар;
- б) фақатгина уй-жойлар, дала ҳовлилар, автомашина, квартира ва бошқалар кимнинг номига расмийлаштирилган бўлса, ўшанинг хусусий мулки ҳисобланади;
- с) улар томонидан фойдаланиладиган ва тасарруф этиладиган ҳар қандай мол-мулклар;
- д) никохга қадар эр ёки хотинга тегишли бўлган ва уларга ме-рос, ҳадя тариқасида берилган ҳар қандай мол-мулклар, шунингдек келиннинг сепи ва бошқалар фақатга эр ёки хотинга тегишли бўлиб, уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

**104. Никоҳ шартномасида шахсий номулкий муносабатлар акс этадими?**

- а) йўқ акс этмайди;
- б) ха акс этади;
- с) акс этиши мумкин ва шартнома ҳақиқий деб тан олинади;
- д) эр хотинларнинг келишувига биноан акс эттирилиши мумкин.

**105. Никоҳ бу?**

- а) никоҳланувчи шахслар ўртасидаги битим;
- б) никоҳланувчи шахслар ўртасидаги келишув;
- с) икки жинсдаги шахсларнинг ўзаро розилик асосида тузадиган иттифоки;
- д) никоҳланувчи шахслар ўртасидаги шартнома.

**106. Никоҳнинг тугатилиши учун асос бўлиб нима хизмат қиласида?**

- а) суд тартибида никохдан ажралиш;
- б) эр-хотиндан бирининг вафоти ёки вафот этган деб эълон қилиниши, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг васийси берган аризасига мувофиқ ажралиш йўли билан тугатилади;
- с) эр ёки хотининг муомала лаёқатининг чекланиши;
- д) ўзаро розилик асосида ажралиш натижасида тугалланади.

**107. Ота-она ўз болаларининг ҳаёти ёки соглигига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соглигига қарши қасдан жиноят содир қилган бўлса?**

- а) васийлик ва ҳомийлик бўлими томонидан жазоланиши мумкин;
- б) ўз фарзандидан қоладиган меросдан маҳрум қилиниши мумкин;
- с) давлат томонидан ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин;
- д) ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

**108. Қайси касалликлар бўйича никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўтадилар?**

- а) руҳий;
- б) психик, наркологик, ўпка, оитс, тери таносил касалликлари бўйича;
- с) жинсий;
- д) тиббий кўриқдан ўтиш ихтиёрий ҳисобланади.

**109. Оила ҳуқуки нормаларига биноан шахсга берилган тўла муомала лаёқати қачон бекор қилинади?**

- а) никоҳга монелик қиласиган ҳолатлар асосида тузилган никоҳга кирилганда;
- б) никоҳ тугатилганда;
- с) никоҳдан ажралганда;
- д) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда.

**110. Оила ҳуқукининг предметини нима ташкил этади?**

- а) оила аъзолари ўртасидаги мулкий муносабатлар;
- б) оила аъзолари ўртасидаги шахсий ҳамда мулкий муносабатлар;
- с) оила аъзолари ўртасидаги шахсий муносабатлар;
- д) оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**111. Кимнинг рухсати билан никоҳ ёши бир йилга қисқартирилиши мумкин?**

- а) васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан;
- б) туман, шаҳар ёки туманлараро судининг қарори билан;
- с) туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан;
- д) ота-онанинг розилиги билан.

**112. Ота-она ва болалар ўртасидаги мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар нималардан иборат?**

- а) ота-оналар ва болаларнинг алоҳида-алоҳида, умумий вва хусусий мулкларидан;
- б) фақатгина хусусий мулкларидан;
- с) умумий ва биргаликдаги улушли мулклардан;
- д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

**113. Алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари кимлар ўртасида вужудга келади?**

- а) вояга етмаган болалар ва ота-оналар ўртасида;
- б) ота-оналар ва болалар ўртасида, эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинлар ўртасида, қариндошлар ва бошқа шахслар ўртасида;
- с) факатгина ота-оналар ва бошқа қариндошлар ўртасида;
- д) ўгай ота ва ўгай ўғил қизлар ўртасида.

**114. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари қандай?**

- а) оиласига тарбияга бериш, фарзандликка бериш, васийлик ва ҳомийлик тайинлаш ва х.к;
- б) қариндошларнига жойлаштириш;
- с) оиласига тарбияга бериш;

д) фақатгина фарзандликка бериш.

**115. Вояга етмаган боланинг фамилиясини ўзгартиришга қа-  
чон рухсат берилади?**

- а) Халқ таълими бўллимлари томонидан;
- б) Туман Ички ишлар бўлими томонидан;
- с) Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи 16 ёшга тўлгач турар жойдаги ФХДЁ органи томонидан кўриб чиқилади;
- д) Ота-онанинг рухсати билан.

**116. Кимларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгилана-  
ди?**

- а) 14 ёшгacha бўлга вояга етмаганларга ва суд томонидан муома-  
лага лаёқатсиз деб топилганларга нисбатан васийлик, 14 ёш-  
дан 18 ёшгacha бўлганлар ва суд томонидан муомала лаёқати  
чекланган деб топилганларга нисбатан ҳомийлик белгилана-  
ди;
- б) 10 ёшга тўлганларга нисбатан васийлик, 14 ёшдан ҳомийлик  
белгиланади;
- с) васийлик муомалага лаёқатсиз шахсларга, ҳомийлик эса муо-  
мала лаёқати чекланганларга нисбатан белгиланади;
- д) васийлик ва ҳомийлик органининг қарори билан ҳал қилина-  
ди.

**117. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида никоҳ муноса-  
батига киришга йўл қўйиладими?**

- а) Консуллик органининг рухсати билан йўл қўйилади;
- б) Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига биноан никоҳ ту-  
зишга йўл қўйилади;
- с) ха мумкин; д)  
мумкин эмас.

**118. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиши  
мажбурийми?**

- а) 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб мажбурий;
- б) мажбурий эмас;
- с) туман ёки шаҳар ҳокимининг талаби билан мажбурий ра-вишда ўтказилади;
- д) фақатгина никоҳланувчи шахсларнинг талаби билан амалга оширилади.

**119. Озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳ муносабатига киришиш мумкинми?**

- а) никоҳ муносабатига кирувчи шахснинг талаби билан;
- б) ҳа албатта мумкин;
- с) мумкин эмас, сабаби бунинг иложи йўқ;
- д) фақатгина жазони ижро этиш муассасининг раҳбарининг ро-зилиги билан.

**120. Қайси ҳолларда ФХДЁ органидан никоҳдан ажратила-ди?**

- а) тенглик, розилик, мулкий низоларнинг мавжуд бўлмаслиги, вояга етмаган болалар бўлмаган тақдирдагина;
- б) ўртада вояга етмаган болалар бўлмасагина;
- с) эр-хотининг талаби билан;
- д) ота-онанинг талаби билан.

**121. Қайси органлар васийлик ва ҳомийлик органлари бўлиб ҳисобланади?**

- а) Судлар;
- б) Халқ таълими, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш бў-лимлари;
- с) Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари;
- д) Ҳокимликлар.

**122. Никоҳ сўзи нимани англатади?**

- а) никоҳ сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, қўшилиш деган маънони англатади;
- б) никоҳ сўзи оила куриш деган маънони англатади;

- с) никоҳ сўзи эр-хотинлик муносабатини билдиради;
- д) оила деган маънони.

**123. Никоҳ тузишга монеълик қилувчи ҳолатларни аниқланг?**

- а) эр-хотиннинг қариндош эканлиги ва лоақал биттаси руҳият бузилиши (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар;
- б) никоҳга кираётганлардан бирининг чет фуқароси эканлиги; с) никоҳланувчиларнинг тўғри шажара бўйича қариндош эканлиги;
- д) никоҳга кираётганларнинг ота-онасининг норозилиги.

**124. Васийлик неча ёшгача бўлган шахсларга белгиланади?**

- а) 14 ёшгача;
- б) 6-12 ёшгача;
- с) 5-14 ёшгача;
- д) 10-16 ёшгача бўлган болаларга.

**125. Қўйидагилардан кимлар васий бўлиб тайинланиши мумкин эмас?**

- а) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқлари чекланган шахслар;
- б) муқаддам жиноят содир этганлар;
- с) маъмурий жазо чораси қўлланилган шахслар;
- д) қариндошларидан бошқа шахлар мумкин эмас.

**126. Қўйидаги ҳолатлардан қайси бири ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишга асос бўлмайди?**

- а) ота-оналардан бирининг узоқ вақт сафарда бўлиши;
- б) ота-онадан бирининг сурункали ичқиликбозликка берилгани;
- с) болалари билан ўта шафқатсиз муомалада бўлиши;
- д) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаши.

**127. Қўйидаги ҳолатлардан қайсилари шахсни ота-оналиқ хуқуқидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди?**

- а) ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса;
- б) эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлар;
- с) ота оналиқ хуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисба-тан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;
- д) ота-оналиқ мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа.

**128. Неча ёшдан бошлаб вояга етмаганлар мустақил судга мурожаат қилишлари мумкин?**

- а) 16 ёшдан;
- б) 12 ёшдан;
- с) 10 ёшдан;
- д) 14 ёшдан.

**129. Бола тушунчаси неча ёшгacha бўлган болалар назарда тутилади?**

- а) 18 ёш;
- б) 16 ёш;
- с) 14 ёш;
- д) 20 ёш.

**130. Қўйидаги принциплардан қай бири Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида назарда тутилмаган?**

- а) болаликнинг муҳофаза қилиниши;
- б) оиласвий муносабатларда фуқароларнинг тенг хуқуқлилиги;
- с) эркак ва аёлнинг тенг хуқуқлилиги;
- д) демократизм принципи.

**131. Оиласвий муносабатларни тартибга солишда қандай ҳолларда маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади?**

- а) оила қонунчилига кўра бундай ҳолатлар назарда тутилмаган;
- б) оиласи муносабатларни тартибга солишга оид нормалар бўлмаганда,  
ҳар қандай ҳолларда;
- с) вояга етмаганлар манфаатларига доир муносабатларни тартибга солишида;
- д) маҳаллий урф-одат ва анъаналар ҳар доим қўлланилади.

**132. Қуидагилардан кимларга ҳомий белгиланмайди?**

- а) соғлигининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳукуқларини амалга ошира олмайдиганларга;
- б) муомала лаёқати чекланганларга;
- с) етим болаларга;
- д) муомалага лаёқатсизларга.

**133. Ўзбекистон Республикасида қачон «Оила йили» деб эълон қилинган?**

- а) 1998 йил;
- б) 1999 йил;
- с) 2001 йил;
- д) 1994 йил.

**134. Эр хотин ўртасида қачондан бошлаб ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади?**

- а) никоҳ ФХДЁ органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб;
- б) никоҳдан ўтиш учун фҳдёга ариза берилган кундан бошлаб;
- в) никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги никоҳ гувоҳномасини қўлларига олган кундан бошлаб;
- г) никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтиб, бу борадаги ҳужжатларни тақдим этган пайтларидан бошлаб.

**135. Вояга етмаган неча ёшдан ота-оналик ҳуқуқини мустақил амалга оширадилар?**

- а) 16 ёш;
- б) 14 ёш;

- c) 15 ёш;
- d) 17 ёш.

**136. Қуидагилардан кимлар фарзандликка олиши мүмкін?**

- a) ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар;
- b) әхтиётсизликдан содир қылған жиноятлари учун илгари хукм қилингандар;
- c) асаб касалліклари билан рўйхатда турувчилар;
- d) муомала лаёқати чекланган деб топилгандар.

**137. Жинс ўзгарганда далолатнома ёзувига тузатиш кири-тиш фақат?**

- a) Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратура органлари-нинг хulosасига асосан амалга оширилади;
- b) Соғлиқни сақлаш органларининг хulosасига асосан амалга оширилади;
- c) Ички ишлар органларининг хulosасига асосан амалга оширилади;
- d) Ўзбекисто Республикаси Адлия Вазирлиги органларининг хulosасига асосан амалга оширилади.

**138. Оиласа тарбияга олинган болаларга қуидаги ҳуқуқлардан қайси бири тегишли эмас?**

- a) тутинган ота-онасининг фарзандлари билан бир қаторда мепрос олиш;
- b) пенсия, ижтимоий тўловларни олиш;
- c) уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи, нафақа олиш;
- d) қариндошлар билан кўришиш ҳуқуқи, уй-жой олиш ҳуқуқи.

**139. Ота-онадан вояга етмаган икки бола учун алиментнинг микдори қайси жавобда туғри кўрсатилган?**

- a) қарздор даромадининг 1/2 қисми;
- b) қарздор даромадининг 1/3 қисми;
- c) қарздор даромадининг 1/4 қисми;
- d) қарздор даромадининг эллик фоизи.

**140. Туғишган ақа-ука ва опа-сингил қариндошликтининг .... даражасида, тоға ва амаки, амма ва холла ўз жиянлари билан қариндошликтининг ...., даражасида турадилар?**

- а) иккинчи ....учинчи;
- б) биринчи ..... иккинчи;
- с) учинчи ..... тўртинчи;
- д) тўртинчи ...бешинчи.

**141. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ?**

- а) никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилади;
- б) никоҳдан ўтишга ариза берилган кундан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилади;
- с) ҳақиқий эмаслиги аниқланган кундан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилади;
- д) бу ҳақида бошқаларга маълум бўлган кундан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилади.

**142. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, унинг нусхаси қанча муддатда қаерга юборилади?**

- а) 7 кун муддатда тарафларга;
- б) 10 кун муддат ичida ФХДЁ оғанига;
- с) 15 кун ичida маҳалла қўмитасига;
- д) 20 кун муддат ичida тарафларга.

**143. Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни камолотга етказишни таъминлай олмайдилар деб топса, болани?**

- а) васийлик ва ҳомийлик органига олиб беради;
- б) унинг бобо-бувисига олиб беради;
- с) яқин қариндошларига олиб беради;
- д) меҳрибонлик уйларига олиб беради.

**144. Суд қанча вақт мобайнида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидағи ҳал қилув қарорининг кўчирмасини фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш организига юбориши шарт?**

- а) ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичида;
- б) ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин беш кун ичида;
- с) ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ўн кун ичида;
- д) ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин дархол.

**145. Кимлар фарзандликка олишни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга?**

- а) ота-онаси, вассийлик ва ҳомийлик органи, прокурор;
- б) фақат прокуратура;
- с) фақат боланинг ўз ота-онаси;
- д) фақат вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар.

**146. Кўйидаги қайси иш ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкин?**

- а) ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги;
- б) фарзандликка олиш тўғрисидаги;
- с) қариндошлиқ фактини белгилаш тўғрисидаги;
- д) фуқарони муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги.

**147. Никоҳнинг ҳақиқий емас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий емас деб топилган кундан кейин?**

- а) уч юз кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди;
- б) уч юз олтмиш беш кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди;

- c) тўқсон кун ичидаги туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир етмайди;
- d) бир юз йигирма кун ичидаги туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир етмайди.

**148. Оилавий муносабатларда даъво муддатини қўллашда суд?**

- a) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси талабларига амал қиласди;
- b) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси талабларига амал қиласди;
- c) Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси талабларига амал қиласди;
- d) Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом талабларига амал қиласди.

**149. Фамилия танлаш ҳуқуқи?**

- a) эрга тегишли бўлган шахсий ҳуқуқ хисобланади;
- b) эр ва хотинга тегишли бўлган шахсий ҳуқуқ хисобланади;
- c) хотинга тегишли бўлган шахсий ҳуқуқ хисобланади;
- d) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органинг рухсати билан.

**150. Ўн ёшга тўлган вояга етмаган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартириш учун?**

- a) ФХДЁ органининг розилиги керак;
- b) хокимиятнинг розилиги керак;
- c) ота-онасининг розилиги керак;
- d) боланинг розилиги керак.

**151. Берилган холлардан қайси бири ота-оналике ҳуқуқидан маҳрум этишга асос бўла олмайди?**

- a) ота ёки онаси касал бўлса;
- b) ота-оналике мажбуриятларни бажаришдан бош тортилса;
- c) алимент тўлашдан бўйин товласа;

д) муттасил ичқиликбозлик ёки гиёхвандликка мубтало бўлса.

**152. Оилавий хуқуқлар ким томонидан ҳимояланади?**

- а) фуқаролар томонидан;
- б) суд томонидан;
- с) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органлари томонидан;
- д) меҳнат жамаоси томонидан.

**153. Кўрсатилган холлардан қайси бири ариза берилган куннинг ўзида никоҳ тузишга асос бўла олмайди?**

- а) бола туғилиши;
- б) тўй базми шу кунга тайинланганлиги;
- с) хомиладорлик;
- д) бир тарафнинг касаллиги.

**154. Никоҳ ёши қўпи билан қанчага ва ким томонидан камайтирилиши мумкин?**

- а) Туман ва шаҳар ҳокимининг қарори билан ярим йил;
- б) Туман ва шаҳар ҳокимининг қарори билан икки йил;
- с) Туман ва шаҳар ҳокимининг қарори билан бир йил;
- д) Туман ва шаҳар ҳокимининг қарори билан олти ой.

**155. Қўйида кўрсатилган холатлардан қайси бир никоҳланувчи шахслар томонидан никоҳни қайд этишда бериладиган аризанинг мазмунига киритилмайди?**

- а) яшаш жойи;
- б) соғлиги ҳақида маълумот;
- с) никоҳланувчиларнинг туғилган вақти;
- д) никоҳланувчиларнинг ёши.

**156. Эр ёки хотиннинг розилиги олинмаган бўлса эр ёки хотин битимни ҳақиқий эмас деб топиш талаби билан?**

- а) Битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб икки йил давомида мурожат қиласиди;

- б) битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч йил давомидамурожат қиласди;
- с) битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида мурожат қиласди;
- д) битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой давомида мурожат қиласди.

**157. Никоҳни хақиқий эмас деб топиш?**

- а) Суд тартибида ҳал қилинади;
- б) Прокуратура органлари томонидан ҳал қилинади;
- с) Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал қилинади;
- д) Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органлари томонидан ҳал қилинади.

**158. Шахсий мол-мулкка кирмайдиган мол-мулкни кўрсатинг?**

- а) эр-хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки;
- б) эр-хотиннинг зебу-зийнатлари;
- с) эр-хотиннинг кийим кечаклари;
- д) барча жавоблар нотўғри.

**159. Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан?**

- а) уч йиллик даъво муддати қўлланилади;
- б) бир йиллик даъво муддати қўлланилади;
- с) олти ойлик муддати қўлланилади;
- д) оиласвий муносабатларга даъво муддати қўлланилмайди.

**160. Никоҳ шартномаси?**

- а) тузилганидан сўнг уч йил давомида келишилган холда;
- б) исталган вақтда ўзаро келишилган холда ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин;
- с) эр-хотин вафот этса;
- д) тузилганидан сўнг бир йил давомида келишилган холда.

**161. Ота-оналик хуқуқлари ва мажбуриятлари қачон тугайди?**

- а) 18 га түлмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганда;
- б) Вояга етмаган шахс эмансипация қилинганда;
- с) Вояга етмаган шахс никохга кирганда;
- д) Барча жавоблар тўғри.

**162. Ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилинган бўлса шу болага нисбатан?**

- а) барча жавоблар тўғри;
- б) алимент тўлаш мажбуриятидан озод бўлади;
- с) қариндошлик хуқуқларидан маҳрум бўлади;
- д) ундан таъминот олиш хуқуқларидан маҳрум бўлади.

**163. Ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи?**

- а) суд томонидан ҳал қилинади;
- б) прокуратура органлари томонидан ҳал қилинади;
- с) васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал қилинади;
- д) ҳокимият органлари томонидан ҳал қилинади.

**164. Ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласи қайси қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади?**

- а) васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомга асосан;
- б) уй-жой қонунчилиги;
- с) оила қонунчилиги;
- д) фуқаролик қонунчилиги.

**165. Ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка**

**олинган бўлса ... Нуқталар ўрнига тўғри бўлмаган банд-  
ни танланг?**

- а) ота (она)си ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкий хуқукларини йўқотади;
- б) тўғри бўлмаган банд йўқ, барча жавоблар тўғри;
- с) ота (она)си ва бошқа қон-қариндошларидан мерос олиш хуқуқини сақлаб қолади;
- д) турар жойга бўлган мулк хуқуқини ёки турар жойдан фойда-  
ланиш хуқуқини йўқотади.

**166. Суд томонидан ота-оналик хуқуқи чекланган ота-она-  
нинг боласи билан кўришиши?**

- а) суд тартибида ҳал қилинади;
- б) васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан рухсат бе-  
рилиши мумкин;
- с) рухсат берилмайди;
- д) рухсат берилиши мумкин.

**167. Ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги  
ишлар билан биргаликда кўрилиши мумкин бўлган даъ-  
во талабини кўрсатинг?**

- а) маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво;
- б) турар-жойдан кўчириш тўғрисидаги даъво;
- с) никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво;
- д) оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво.

**168. Боланинг ҳаёти ва соғлиғи бевосита хавф остида қолган-  
да болани зудлик билан олиш ваколати қайси органининг  
тегишли ҳужжатига асосан амалга оширилади?**

- а) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжа-  
тига асосан;
- б) васийлик ва ҳомийлик органининг тегишли ҳужжатига асо-  
сан;
- с) бола яшайдиган худуддаги ҳокимнинг ҳужжатига асосан;
- д) прокуратура органининг ҳужжатига асосан.

**169. Болаларни тарбиялаш билан боғлиқ ишларга доир суднинг ҳал қилув қарорлари қанча муддат ижро қилинади?**

- а) давлат ижрочиси томонидан дархол ижро қилинади;
- б) қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ижрочиси томонидан ижро қилинади;
- с) давлат ижрочиси томонидан 10 кун муддат ичida ижро қилинади;
- д) давлат ижрочиси томонидан ижро иши қўзғатилгандан кейинуч кун ичida ижро қилинади.

**170. Вояга етмаган болаларнинг мол-мулкини тасарруф этишга доир ваколатлар қайси қонунчиликкка асосан амалга оширилади?**

- а) фуқаролик процессуал қонунчилиги;
- б) фуқаролик қонунчилиги;
- с) оила қонунчилиги;
- д) васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Қонунга асосан.

**171. Ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда умумий мулк ҳукуқи неча ёшдан бошлаб вужудга келиши мумкин?**

- а) ўн тўрт ёш; б) ўн ёш;
- с) ўн беш ёш; д) ўн олти ёш.

**172. Қандай мол-мулк оиласидаги вояга етмаган боланинг хусусий мулки ҳисобланади?**

- а) ҳадя ёки мерос тариқасида олган мол-мулки;
- б) тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирган мол-мулки;
- с) шахсий меҳнати натижасида орттирган мол-мулки;
- д) барча жавоблар тўғри.

**173. Вояга етмаганларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблағи ва ундан орттирган даромади?**

- а) бола билан фирма ўртасида бошқача тартибни белгиловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади;
- б) бола билан ота-она ўртасида бошқача тартибни белгиловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади;
- с) вояга етмаган бола ота-онасининг мулки ҳисобланади;
- д) вояга етмаганлар тадбиркорлик фаолияти билан вояга етгандан сўнг шуғулланишлари мумкин.

**174. Ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида мулкий низолар келиб чиққанда вояга етмаган болаларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш ким томонидан амалга оширилади?**

- а) Ҳокимият органлири;
- б) Прокуратура органи;
- с) Вояга етмаганнинг ота-онаси ёки ака-опаси;
- д) Васийлик ва ҳомийлик органи.

**175. Ота-онасидан олинган ва болалар тарбия муассасасига жойлаштирилган вояга етмаган болалар учун ундирилган алиментлар?**

- а) васийлик ва ҳомийлик бўлимида сақланади;
- б) мазкур бола номига очилган банк ҳисобварафида жамланади;
- с) мазкур бола вояга етганда тўланади;
- д) тўғри жавоб в ва С.

**176. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент миқдори қанча миқдорда бўлиши керак?**

- а) меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак;
- б) базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 фоизидан кам бўлмалиги керак;

- с) меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмаслиги керак;
- д) базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмалиги керак.

**177. Ота-онасига моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларини бажармаслик?**

- а) жиноий жавобгарликка сабаб бўлади;
- б) маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади;
- с) фуқаролик жавобгарликка сабаб бўлади;
- д) жавобгарликка сабаб бўлмайди.

**178. Болаликдан I гурӯҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтоҷ эр (хотин) кимдан ёрдам олиш хуқуқига эга?**

- а) васийлик ва ҳомийлик органидан ёрдам олиш хуқуқига эга; б) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр)дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш хуқуқига эга;
- с) бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан нафақа олиш хуқуқига эга;
- д) ҳудудий ижтимоий таъминот бўлимидан ёрдам олиш хуқукига эга.

**179. Собиқ хотин ҳомиладорлик даврида суд тартибида алимент талаб қилиш хуқуқига эгами?**

- а) йўқ эга эмас, фақатгина ўртада бола туғилган кундан бошлабуч йил давомида алимент талаб қилиш хуқуқига эга;
- б) собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида алимент талаб қилиш хуқуқига эга;
- с) собиқ эр-хотин бир-бирига фақат муҳтоҷлиқда алимент талаб қилиш хуқуқига эга;
- д) хотин ҳомиладорлик даври учун фақат никоҳдан ажralгунга қадар алимент талаб қилиш хуқуқига эга.

**180. Эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) суд тартибида ундириб бериладиган алимент миқдори қанча миқдордан кам бўлмаслиги керак?**

- а) меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим;
- б) меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак;
- с) меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 40 фоизидан кам бўлмаслиги керак;
- д) меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

**181. Эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳукуки қа-  
чон тугайди?**

- а) таъминот олиш учун асос бўлган шартлар тугаганда;
- б) барча жавоблар тўғри;
- с) никоҳдан ажralган ёрдамга муҳтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин меҳнат лаёқатига эга бўлганда;
- д) никоҳдан ажralган хотин янги никоҳга кирганда.

**182. Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эъ-  
лон қилиш (эмансипация)?**

- а) суд тартибида ундириладиган алимент тўлаш тутатилишига асос бўлади;
- б) ота-онанинг ўз мажбуриятларидан озод қилмайди;
- с) ота-она фарзандининг ҳуқуқларига аралashiшига бўлган ҳуқуқнинг маҳрум бўлмайди;
- д) тўғри жавоб йўқ.

**183. Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ неча ёшдан кам бўлмаслиги шарт?**

- а) ўн беш ёш;
- б) ўн ёш;

- с) ўн икки ёш;
- д) ўн олти ёш.

**184. Чет эл фуқароларининг фарзандликка олиш тўғрисида-  
ги аризаси қайси суд томонидан кўрилади?**

- а) тўғри жавоб йўқ;
- б) фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги фуқаро-  
лик ишлари бўйича вилоят судига;
- с) фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги фуқаро-  
лик ишлари бўйича туманлараро судига;
- д) Ўзбекистон Республикаси Олий судига.

**185. Ким фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилиш-  
ни талаб этиши ҳуқуқига эга эмас?**

- а) ўн тўрт ёшга тўлган фарзандликка олинган бола;
- б) прокурор;
- с) вояяга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар;
- д) фарзандликка олинганнинг ота-онаси.

**186. Фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлмаган  
шахслар қаторини танланг?**

- а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- б) баҳтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажralган шахс-  
лар;
- с) фарзандликка олинувчи бола яшаётган жойда яшаётган шахс-  
лар;
- д) касаллик оқибатида фарзандларидан ажralган шахслар.

**187. Никоҳдан ажралиш ариза берувчиларнинг яшаш жойи-  
даги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш орга-  
нига ариза берилган кундан бошлаб қанча муддат ўтгач  
қайд этилади?**

- а) бир ой ўтгач;
- б) уч ой муддат ўтгач; с)
- уч кун ичида;

д) ўн кун ичида.

**188. Оталикни белгилаш тўғрисидаги масала суд томонидан қўйидаги қайси шахснинг аризасига мувофиқ юритилиши мумкин эмас?**

- а) вояга етганидан сўнг боланинг ўзи берган аризага мувофиқ;
- б) васий (хомий)си ёки бола қарамоғида бўлган шахснинг аризасига мувофиқ;
- с) боланинг ота-онасидан бирининг аризасига мувофиқ;
- д) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризасига мувофиқ.

**189. Қонунга кўра, прокурор қўйидаги ишларнинг қайси бирда иштирок этиши шарт эмас?**

- а) фарзандликка олиш тўғрисидаги;
- б) васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги;
- с) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги;
- д) шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги.

**190. Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш муддатини кўрсатинг?**

- а) оталик белгиланаётган шахс 16 ёшга тўлгандан сўнг уч йиллик даъво муддати татбиқ этилади;
- б) қонунда мазкур тоифа ишлар бўйича даъво муддатлари назарда тутилмаган бўлиб, оталик бола туғилганидан сўнг ҳар қандай вақтда белгиланиши мумкин;
- с) оталикни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича фарзанд туғилган кундан эътиборан уч йиллик даъво муддати татбиқ этилади;
- д) оталик белгиланаётган шахс 18 ёшга тўлгандан сўнг уч йиллик даъво муддати татбиқ этилади.

**191. Никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-онадан бола туғилган ҳолда улар оталикни белгилаш тўғрисида судга мустақил равишда талаб қўйишга ҳақли бўладими?**

- а) никохда бўлмаган вояга етмаган ота-онадан бола туғилган ҳолда улар ўн саккиз ёшга тўлганларидан сўнг оталикни белгилаш тўғрисида мустақил равишда талаб қўйишга ҳақлидирлар;
- б) никохда бўлмаган вояга етмаган ота-онадан бола туғилган ҳолда улар ўн олти ёшга тўлганларидан сўнг оталикни белгилаш тўғрисида мустақил равишда талаб қўйишга ҳақлидирлар;
- с) никохда бўлмаган вояга етмаган ота-она судда оталикни белгилаш тўғрисида мустақил равишда талаб қўйишга ҳақли эмаслар;
- д) никохда бўлмаган вояга етмаган ота-она никоҳ ёшига тўлганларидан сўнг оталикни белгилаш тўғрисида мустақил равишда талаб қўйишга ҳақлидирлар.

**192. Никохда бўлмаган вояга етмаган ота-она оталикни белгилаш тўғрисида судга мустақил равишда талаб қўйган тақдирда, суд?**

- а) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлигини асос қилиб, аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли;
- б) уларнинг оталикни белгилаш тўғрисидаги аризасини хараткасиз қолдириб, ота-онаси ёки васийси ариза билан мурожаат қилиши учун муҳлат беради;
- с) уларнинг аризасини иш юритишга қабул қиласди;
- д) уларнинг оталикни белгилаш тўғрисидаги аризасини кўрмасдан қолдиради.

**193. Суднинг иш юритувига оталикни белгилаш ҳақидаги ариза қабул қилиниши учун қуийдаги қайси шарт бажарилиши талаб этилади?**

- а) бола туғилганлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этилиши;
- б) давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат; с) боланинг отаси деб тан олган шахснинг аризаси;
- д) васийлик ва ҳомийлик органининг оталикни белгилаш учун ёзма розилиги.

**194. Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш муддатини кўрсатинг?**

- а) оталик белгиланаётган шахс 18 ёшга тўлғандан сўнг уч йиллик даъво муддати татбиқ этилади;
- б) қонунда мазкур тоифа ишлар бўйича даъво муддатлари на зарда тутилмаган бўлиб, оталик бола туғилганидан сўнг ҳар қандай вақтда белгиланиши мумкин;
- с) оталикни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича фарзанд туғилган кундан эътиборан уч йиллик даъво муддати татбиқ этилади;
- д) оталик белгиланаётган шахс 16 ёшга тўлғандан сўнг уч йиллик даъво муддати татбиқ этилади.

**195. Қонунда оталикни белгилаш тўғрисидаги низоларни ҳал этиши вақтида суд эътиборга олиши зарур бўлган му-айян шартлар белгиланган. Қуйидагилардан қайси бириушбу шартларга мансуб эмас?**

- а) туғилиш тўғрисидаги далолатнома ёзувида боланинг отаси сифатида аниқ шахснинг кўрсатилган-кўрсатилмаганилиги;
- б) боланинг онаси ва жавобгарнинг бола туғилишига қадар биргаликда яшаганликлари ва умумий рўзгор юритганликлари;
- с) боланинг онаси ва жавобгар болани биргаликда тарбия қилганликлари ёки таъминлаб турганликлари;
- д) жавобгар оталикни тан олганлигини ишончли тасдиқловчи далилларнинг мавжудлиги.

**196. Ўзбекистонда Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғриси-да Минск конвенциясига асосан фуқаролик ва оила-вий ишлар бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам қайси орган орқали амалга оширилади?**

- а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;
- б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- с) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- д) Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

## **5. УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

- 1. Агар уй-жой муносабатлари уй-жой тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинмаган бўлса, қандай қонунчиликнинг ана шу муносабатларни тартибга солишга таалуқли қисми қўлланилади?**
  - а) мажбуриятга оид қонунчилик хужжатлари;
  - б) ерга оид қонунчилик хужжатлари;
  - с) сувга оид қонунчилик хужжатлари;
  - д) шартномага оид қонунчилик хужжатлари.
- 2. Қандай муносабатлар уй-жой тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатлар тоифасига кирмайди?**
  - а) турар жойни ижарага бериш;
  - б) уй-жой фондини ҳисобга олиш;
